



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

9 СОН, 3 ЖИЛД

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

НОМЕР 9, ВЫПУСК 3

LOOK TO THE PAST

VOLUME 9, ISSUE 3



ТОШКЕНТ-2020

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон
тиллари университети

Зияева Доно Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кебадзе Мадонна
доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат тиббиёт институти

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телавский государственный
университет, Грузия

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент
Нукус давлат педагогика институти

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Ташиқи ишлар вазирлиги қошидаги
Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Россия ФА, Санкт-Петербург
Тарих институти

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон
Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон миллий университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон Давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Захидова Саховат
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори, доцент
Наманган давлат университети

Махкамов Қодиржон Одилжонович
PhD, доцент в.б.
Наманган давлат университети

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналлов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

1. Аминов Бобур, Махмудов Файзхожа XIX АСР КУБРАВИА-НАКШБАНДИЯ ТАРИҚАТИГА ОИД «АЛ-ИЖОЗА» – ИЖОЗАТНОМА.....	4
2. Abduzohirov Ravshan O‘ZBEKLARDA FARZAND TARBIYASI VA OILAVIY MUNOSABATLAR MASALASINI O‘RGANILISHI TARIXSHUNOSLIGI.....	10
3. Джураева Нилуфар МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРИХШУНОСЛИГИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ ВА РОЛИ МАСАЛАСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	20
4. Жумағулов Анвар ЭТНОИҚТИСОДИЁТ: ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА ҚАРАШЛАР.....	29
5. Мамаджанов Аъзамжон МАҲАЛЛИЙ ЎЛКАШУНОСЛАР ВА РУС ОЛИМЛАРИ ҲАМКОРЛИГИДА ТУРКИСТОН АРХЕОЛОГИЯ ҲАВАСКОРЛАР ТЎГАРАГИ ФАОЛИЯТИ.....	35
6. Маматқулов Абдурасул ИЖТИМОЙ БАҲҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА МИЛЛАТЛАРАРО ҲАМЖИХАТЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ МОҲИЯТИ.....	41
7. Мухаммадиев Раҳмон ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАГИ МЕҲНАТ ЖАСОРАТЛАРИ.....	46
8. Омонов Анварбек АНГИЛЛАК ҒОРИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ПАЛЕОЛИТ ДАВРИ ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ.....	53
9. Расулова Нодира ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШ АРАФАСИДА ЯНГИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА ҲАРАКАТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ.....	60
10. Холмуродов Дилшод ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ЎРТАСИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК.....	69
11. Хонимов Шарофиддин ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....	75
12. Эсанов Алишер, Бегалиев Жўрабек 1917-1941 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ МАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР.....	81

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Аминов Бобур,

тарих фанлари номзоди, катта илмий ходим,
ЎзР ФА хузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги
тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик
марказ бўлим мудири, sitmihr@yahoo.com

Махмудов Файзхожа,

ЎзР ФА Тарих институти илмий ходими,
fayzmaxmud@mail.ru

XIX АСР КУБРАВИА-НАКШБАНДИЯ ТАРИҚАТИГА ОИД «АЛ-ИЖОЗА»[5] - ИЖОЗАТНОМА

For citation: Bobur Aminov, Faizhozha Makhmudov. KUBRAVI-NAKSHBANDY "AL-
IJAZA" OF THE XIX CENTURY. Look to the past. 2020, vol. 9, issue 3, pp.4-9



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-9-1>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақоланинг муаллифлари томонидан кубравия ва накшбандия тасаввуф тариқатлари раҳбарининг статуси ва ваколатларини тасдиқловчи ҳуқуқий ҳужжат, шунингдек тасаввуф қонун-қоидалари ва тартибларига мувофиқ ҳаракатларини амалга оширишдаги кўрсатмалар тадқиқ қилинган. Мақолада ижозатнома матнининг ўзбекча таржимаси шарҳлар билан бирга тақдим этилган.

Калит сўзлар: қўлёзма, ижозатнома, кубравийлик, накшбандийлик, халифа, Мир Жалолиддин ибн Саййид Мир Олим, Мир Саййид Авлиё Хожа Масжойи (Масчойи), Аҳмад Сирҳинди

Аминов Бобур,

кандидат исторических наук, старший научный сотрудник,
заведующий отделом Координационно-методического
центра по вопросам новейшей истории Узбекистана при АН РУз,
sitmihr@yahoo.com

Махмудов Файзхожа,

Научный сотрудник Института истории АН РУз,
fayzmaxmud@mail.ru

КУБРАВІЙСКО-НАКШБАНДИЙСКАЯ «АЛ-ИДЖАЗА» XIX ВЕКА

АННОТАЦИЯ

Авторами данной статьи была изучена разрешение или свидетельство (иджазатнама), как особый юридический документ подтверждающий статус и полномочия наставника суфийского братства кубравия и накшбандия, а также руководство по осуществлению действий в соответствии норм и правил суфизма. В статье представлен перевод текста иджазатнама на узбекский язык с комментариями.

Ключевые слова: рукопись, иджазатнама, кубравия, накшбандия, халифа, муджадиддия, Мир Джалалиддин ибн Саййид Мир Алим, Мир Саййид Авлиё Ходжа Масджойи (Масчойи), Ахмад Сирхинди

Aminov Bobur

Senior Researcher, Head of Department of the Coordination and Methodological Center for the Contemporary History of Uzbekistan under the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
sitmih@yahoo.com

Makhmudov Faizhozha,

Researcher at the Institute of History of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan
fayzmaxmud@mail.ru

KUBRAVI-NAKSHBANDY "AL-IJAZA" OF THE XIX CENTURY**ABSTRACT**

The authors of this article studied the permission or certificate (ijazatnama), as a special legal document confirming the status and powers of the mentor of the Sufi brotherhood Kubrawiyya and Naqshbandiyya, as well as a guide for carrying out actions in accordance with the norms and rules of Sufism. The article presents the translation of the text of ijazatnam into Uzbek with comments.

Index Terms: manuscript, ijazatnama, Kubrawiyya, Nakshbandiyya, khalifa, Mujadiddiyah, Mir Jalaliddin ibn Sayyid Mir Alim, Mir Sayyid Avliye Khoja Masjoyi (Maschoyi), Ahmad Sirkindi

1. Долзарблиги:

Ҳозирги вақтда қўлёзма асарлар ва уларни ўрганиш асосида тарихимизни тиклаш ишлари амалга оширилаётганлиги боис, қўлёзма фондлар, архивлар ва кутубхоналардаги араб, форс-тожик тиллари ҳамда эски ўзбек ёзувидаги турли тарихий манбаларни тадқиқ этилишига алоҳида эътибор берилмоқда. Тарихий манбалар орасида расмий ҳужжатлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларда юридик қонунлар доирасидаги турли шартномалар, келишувлар, аҳдномалар ва ҳоказолар ўз аксини топган ва улар васиқа, ариза, гувоҳнома, иқрорнома, ҳукм, ибро каби турли номларда ҳам айтилади. Мана шундай ҳужжатлар орасида ижозатномаларни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Ижозатнома замонавий терминологияда дастур, кўрсатма, директива[4] маъноларига мувофиқ келиб, унда асосан устоз ёки пирнинг маълум тажриба ва кўникмаларни пухта эгаллаган шогирдига устозлик қилишига рухсатнома бериши назарда тутилади. Атама асосан тасаввуф соҳасига хос ва тариқат доирасида фаолият олиб бориш учун берилган гувоҳнома ёки шаҳодатномани англатган[1]. Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музакири аҳбоб” таъкирида бу ҳақда сўз юритилган бўлиб, унга кўра, Шайх Имомдиддин Фазлуллоҳ бин Хожа Алоуддин Али Буздошободий ат-Тусий силсилага уланмасдан туриб, ижозат хати ҳосил қилган ва толибларга раҳнамолик қила бошлаган [3]. Ижозатномалар кам тадқиқ қилинган ва уларни илмий нуқай назардан ўрганишга эҳтиёж катта бўлганлиги учун ҳам мазкур ҳужжат илмий ишлар доирасига тортилди. Унда асосан кубравия-накшбандия тариқати доирасида устоз ўз шогирдига йўриқнома бериши баён қилинган. Ҳужжатни ўрганиш ва уни илм аҳлига тақдим

этиш орқали ижозат, руҳсат ёки изн беришга хос айрим жиҳатларни билиб олиш ва бу ҳақда тасаввурга эга бўлиш мумкин. Шунингдек, мазкур ҳужжатнинг тарихимиздаги таълим жараёнини қиёсий ўрганишдаги тарихий-маданий ва маънавий аҳамияти каттадир.

2. Манба ва унинг ўрганилишига оид айрим мулоҳазалар:

Ҳужжат 2018 йилнинг баҳорида Тошкент вилояти, Бўка тумани, Навобод қишлоғида Мирзо Турсунзода, Абдулла Орипов ва Лойиқ Шерали хотирасига бағишланган тантанали адабий учрашув жараёнида, маҳаллий мактаб ўқитувчиси Садриддин Набиевнинг ўз отабобосидан мерос бўлиб қолган ва араб тилида ёзилган баъзи ҳужжатларни ўқиш ва таржима қилишга ёрдам беришни сўраб мурожаат қилганидан сўнг, тадқиқот ишига жалб қилинди. У олдин бирор бир тадқиқотчи томонидан ўрганилмаган ва бу ҳақда илмий жамоатчиликка ҳам маълум қилинмаган. С.Набиев ўзига мерос қолган кўп сонли ва турли ҳужжатларни тақдим қилганида, улар орасида расмий муҳрлари бўлган ер олди-сотди гувоҳномаси, никоҳ ва талоқ, қарз, мерос ҳуқуқи, турли ижтимоий масалалар бўйича баҳс-мунозаралар ўз аксини топган ёзма манбаларнинг гувоҳи бўлди. Шулар орасида араб тилидаги қуйидаги нодир ҳужжат, яъни ижозатнома топилиши алоҳида бир воқелик бўлди. Ижозатнома илгари ўрганилмаган, у кўп йиллар давомида С.Набиев томонидан асраб-авайлаб келинган. Айниқса, атеизм кучайган собиқ совет тузуми даврида уни яшириниб келинганлигини билишимиз мумкин. Манбанинг илмий жамоатчиликка маълум қилинмаганлиги сабабларидан яна бири, бу мутахассисларнинг камлиги ҳамдир. Тадбир сабаб С.Набиев ўзида мавжуд манбаларни ўрганиш ва тадқиқот қиладиган мутахассис топишга ҳаракат қилиб мурожаат қилган.

3. Ижозатноманинг кодикологик ва матншунослик таҳлили:

Ҳужжат ишончли манба сифатида, бизга нақшбандия ва кубравия тариқатларидаги маънавий генеалогик занжир, силсила, унинг маънавий илдизлари, тариқат асосчилари ҳақида маълумот бериш билан бир қаторда, “Ижозатнома” матнини тузган, уни асослаб беришга ҳаракат қилган матн муаллифининг билим даражаси ва дунёқараши хусусида ҳам далолат беради. Манбани ўрганиш негизида ижозат бериш тартибини кўрсатиб берувчи гувоҳнома ҳақида тасаввурга эга бўламиз. Маълумки, бунга ўхшаш ҳужжатлар Мовароуннаҳрда, илгари ва айниқса, XX асрнинг охирига келиб, мутахассислар (тилшунос, табиб, математик, астроном, рассом ва бошқалар) учун ҳаётий зарурат бўлган ва шу гувоҳнома асосида у ўз касбини давом эттира олган.

Ҳужжатнинг асл нусхаси билан яқиндан танишиш мақсадида асл нусханинг электрон вариантини ҳам тақдим қилишга тўғри келди.

Дарҳақиқат, ижозатнома матн тузувчи ҳамда хаттот томонидан XIX асрда настаълик хатида қора сиёҳ билан ёзилган ва ўша вақтда девон ёки канцелярияда кенг фойдаланиладиган ва ўлчамлари 60X25 см бўлган сарғиш қоғозга кўчириб ёзилган. Ижозатнома Бухоройи шарифда тузилган. Бунга ўхшаш қоғозлар расмий ҳужжатлар, ёрликлар, ҳукмдор шахслар - хонлар, подшоҳлар, амирларнинг дипломатик хатлари, ва шунингдек муқаддас битикларни ёзиш ҳамда кўчиришга мўлжалланган.

Ижозатнома матни 39 сатр ёки қатордан иборат. Ёрликнинг ўнг томонидаги сатрда, ўша даврнинг машҳур мударрисларининг муҳрлари ва уларнинг исмлари ёзилган иккита муҳр туширилган ва уларда қуйидаги исм ёзилган: *خليفة مير جلال الدين ابن سيد عالم ابن مير ذكريا* "Халифа Мир Жалолиддин ибн Саййид Мир Олим ибн Саййид Олим ибн Мир Закариё Хожа ал-Ҳанафий ал-Алавий".

Қўлёзмани ўрганиш орқали, биз ўша даврдаги хаттотлик маҳоратининг юксаклигига гувоҳ бўламиз ва шу билан бирга хаттотларнинг чуқур илм соҳиби эканлигини, уларнинг маълум даражада камолотга етканлигини кўрамиз. Манбани ўрганиш жараёнида ўша давр илм аҳли сўз санъатининг юксаклигига, уларда ҳақиқатан риторик экспозиция гўзал бўлган гувоҳ бўламиз. Бухорода ёзилган мазкур матн арабий-форсий тилнинг бир-бирига мутаносиблиги ва мувофиқлигини кўрсатиб туради. Матндаги сўз ўйинлари, жумлаларнинг маълум бир тартибда териб чиқилиши ўша давр Бухоро матн тузиш мактаблари учун хос

бўлиб, бу мазкур шариф шаҳарнинг Шарқ мамлакатлари орасида илмий- маънавий жиҳатдан устунлигини ҳам кўрсатиб туради.

4.Ижозатнома матни таржимаси:

“Аллоҳга, унинг танланган ҳамда покиза бандаларига, хусусан, башарият хожаши, فَكَانَ بِعَاسٍ، Икки камон миқдоридай жойда бўлди, балки ундан ҳам яқинроқ келди] нинг соҳибига ҳамда унинг оиласи, саҳобалари, ҳидоят юлдузларига ҳамду санолар ва дурудду саломлар бўлсин!

Аммо баъд, ҳаммага маълум ва маъруф бўлсинким, Аллоҳ розилигидан қоникқан бизнинг биродаримиз, турли илоҳий ризоликларнинг соҳиби Раббил ‘Оламиннинг раҳматидан насиба олган ва ундан умидвор, Охират кунининг эгасига, барча ҳукмлар унинг кўлида, таваккул қилувчи, Аллоҳ тариқат аҳлининг шойиста солиҳи Халифа Мир Саййид Авлиё Хожа Масжойи (Масчойи), Аллоҳ Субҳонаҳу [Ҳар нарсадан Пок бўлган Аллоҳ.] таоло унинг қаноатмандлиги учун Аллоҳ унга ва бизга товфиқ ато қилсин. Бу фақир, менинг воситачилигим ва тавсиямга кўра, нақшбандия ва кубровия шайхларига боғланди ва уларнинг олий даражадаги тариқатларига ўтди, Аллоҳ таоло улар сирларини муқаддас қилсин! У киши комиллик даражасида зикр ва фикр билан машғул бўлди. У кишининг бу етуклик даражасидан талабаларга фойда зоҳир бўлди. Мен ундаги бу комилликни кўрганимдан сўнг, унга иршод йўлини топган толибларга ва энг ихлосманд муридлари борлиги учун [нақшбандия ва кубровия] тариқатларига таълим беришига ижозат бердим. Ва бу ижозатномани унга истихора [Хайрли ва эзгу ишлар талабидаги дуо.] ва Аллоҳ Субҳонаҳудан изн-у ижозат [сўраб илтижо қилганимдан]дан сўнг бағишладим. Аллоҳ Субҳонаҳудан уни нолойиқ ишларни амалга оширишдан асрашини сўрадим. Вожиб бўлмаган ишлардан Аллоҳ уни ҳифз айлсин. Шунингдек, Аллоҳ таолодан унинг босган қадами расулларнинг Саййиди, алайҳи-с-салот ва- с-салом, изидан собитқадам бўлишини сўрайман!

Ижозатнинг шартлари шуки, у шарият аҳкомлари тантанасида мустаҳкам бўлсин ва тариқат йўлидан боришга ва ҳақиқатга етишишга собитқадам бўлсин! Бизнинг шайхимиз ва мавлономиз, кутби раббонимиз халифа Ашур Муҳаммад Тааддони (Тодони), ижозат берганларидек, ва у киши ўз Шайхлари ғавси самдони[Илоҳий нажот.], орифларнинг пешвоси бизнинг бобомиз Саййид Амир Закарийо Хожаи Вожкатидан, ва у киши ўз шайхлари Орифи Раббоний Мавлоно Нафаси Ҳисорийдан, ва у киши ўз шайхлари Мулло Хожа Вали номи билан машхур Хожа Муҳаммад Сиддикдан, ва у киши ўз шайхлари кутби раббони Мийон Маъсум Валийдан ва у киши ўз шайхлари ва ўз отаси Имом Раббоний Мужаддиди Алф-и Соний Шайх Аҳмади Сирҳиндийдан (1564-1624), ва у киши ўз шайхлари Хожа-йи Худоогоҳ Хожа Боқибиллоҳи Деҳлавийдан, ва у киши ўз шайхлари Хожа Имконагидан, ва у киши ўз шайхи ва отаси Хожа Дарвиш Имконагидан, ва у киши ўз шайхи ва тоғаси Мавлоно Зоҳид Валийи Вахшийи Ҳисорийдан, ва у киши ўз шайхи Хожа Убайдуллоҳ ал-Аҳрори Валийдан, ва у киши ўз шайхи Мавлоно Ёқуби Чархийдан, ва у ўз шайхи Хожа-йи Бузург Хожа Баҳо ул ҳақ ва -д дин Нақшбанд, ва у ўз шайхи Саййид ул-орибийн Саййид Амир Кулолдан, ва у ўз шайхи Хожа Муҳаммад Бобойи Самосийдан (в.1354) ва у ўз шайхи Хожа Азизон Хожа Алийи Ромитанийдан (1195-1281 йй.), ва у ўз шайхи Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавийдан (1286 ёки 1307 йили вафот этган), ва у ўз шайхи Хожа-и Моҳитобон Хожа Орифи Ревгари (1165-1262 йй.), ва у ўз шайхи Хожа-и Жаҳон Хожа Абд ул-Холиқи Гиждувонийдан (вафоти 1179, 1189,1199 ёки 1220 йй. бўлиши мумкин), ва у ўз шайхи Имоми Раббони Хожа Юсуф Ҳамадонийдан (1048-1140 ёки 1148 йй.), ва у ўз шайхи кутби раббоний Хожа Алийи Формадийдан (XI аср охирида вафот этган), ва у ўз шайхи ал-раббоний орифи ғавс-и самдони Аҳмад ал-Форуқи Сирҳинди ҳанафий мазҳабининг фикҳшуноси, мотуридий таълимотининг вакили, иккинчи мингйилликнинг мужаддиди (янгиловчиси), руҳоний муршид, пир. Шу сабабли, у нақшбандийликнинг янги бўғини, нақшбандия тариқатининг олтин занжирида 24 бўғинда туради. Нақшбандия тариқатидаги янги мужаддидия тармоғига асос солган. Шу боисдан “Мужаддиди алфи сони” номи билан танилган. Шунингдек, Имом Раббоний номи билан ҳам

машхурдир. У Дехли ва Лаҳор оралиғида жойлашган Сирҳинд деган қишлоқда таваллуд топган. Насл-насаби халифа Умарга бориб тақалади.

Мазкур ижозатномада биз биродаримиз халифа Мир Саййид Авлиёи Масчоҳига тасаввуф илмлари ва шайхлар авроди ҳамда уларнинг амаллари билан машғул бўлишда шариат ҳуқуқларига асл назар ва шариатнинг туб илдизлари ва тармоқлари нуқтаи назаридан риоя қилишларини васият қилдик. Илоҳий, ҳукмларнинг ижросида фармонбардор бўлсинлар ва Худовандга ноҳўя ишлардан узоқ жой қидирсинлар. Сўфий одоби ҳаққига қай тарзда уларнинг одобини сўраса, шу тарзда адо айлосин ва кўнглини дунёпарастлар сарварлиги ва уларга алоқадорликда алдовга бермасин ва уларга ортиқча майл қилмасин ва улар орасида калавага тушмасинлар.

Шайхнинг фарзандлари ва уларга яқин инсонларга дўстлик муносабати пайдо бўлишини ва уларнинг одоб ҳуқуқи, Худованди таоло ўзининг суюқлиси Муҳаммад С.А.В.га буюргандек:

ذٰلِكَ الَّذِي يُبَيِّنُ اللهُ عِبَادَهُ الَّذِيْنَ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ قُلْ لَا سَأَلُكُمْ عَلَيْهِ أَجْرًا إِلَّا الْمَوَدَّةَ فِي الْقُرْبَىٰ وَمَنْ يَقْتَرِفْ حَسَنَةً نَّزِدْنَاهُ فِيهَا حُسْنًا إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ شَكُورٌ

Таржимаси: “Ана ўша, Аллоҳ иймон келтириб, солиҳ амалларни қилган бандаларига бераётган хушхабардир. Сен: “Мен сиздан бу учун ажр эмас, фақат қариндошлик меҳринигина сўрайман”, деб айт. Ким яхшилик қилса, Биз унга ўша ишида яхшиликни зиёда қилурмиз. Албатта, Аллоҳ ўта мағфиратли, ўта шукр қилгувчи зотдир”[2]. Биз бу оят орқали васият қиламиз ва бу амалларга қомилан риоя қилинсин.

Ва ҳамиша ботинда Худовандга эътиқод қилиш билан машғул бўлсин ва Аллоҳдан ташқари ҳар қандай бошқа нарсага қалбини бағишлашини ва уни доимо пок тутишлигини васият қиламиз. Аллоҳ таоло ўзининг суюқлиси Муҳаммад С.А.В.га шундай буюрган:

وَادْكُرْ اسْمَ رَبِّكَ وَتَبَيَّنْ لِدَيْهِ تَتَبَيَّلًا

Таржимаси: “Ва Роббингнинг исмини зикр эт ва Унинг ибодатига бутунлай ажралиб чиқ”[2].

Дунёда зоҳидпеша бўлишлигини ва охиратини обод қилиш учун ҳаракат қилишлигини ва ҳамиша собити сажжода ва намоз саодатидан баҳраманд бўлишини, ёмон одатларга берилмаслигини васият қиламиз.

Танҳолик ва узлатни уларга ҳар нарсадан устун қўйишини васият қиламиз. Зеро, бу шартлари сидку сафо арбобларини ҳақиқатан ҳам устувор ва собитқадам қилиб сақлайди. Бу хусусда шоир қуйидагиларни сўйлайди:

صمتٌ جوعٌ شهرٌ، عزلتٌ ذكرٌ يدوامٌ،

ئاتمامان جهان را بکند کار تمام.

Маъноси: Бир ой тўлиқ оч қолиб рўза тутдим ва узлатда зикрни бардавом қилдим, бу иш жаҳондаги тажрибаси йўқ инсонларни мукамал қилади.

Ва агар қўлидан келса ўзининг вақтини мудом тоат-у ибодат ила машғул ҳолда мулозиматга сарфласин – бундан яхшиси ва муносиброғи бўлмас! Ва агар бу ҳукм унинг муяссарига айланмаса, ҳамиша унинг олдида бир мақсад бўлсинким, бир кун келиб унга бир амал тўнини кийдирсин. Агар унинг ишлари юқорида айтганимиздек, амалга ошса, ўшанда унинг азиз қўли, бизнинг қўлимизнинг ноиб. Ва унинг ўзи мўъминлар орасида бизнинг халифамиздир.

Биз танлаган ўша инсонни кимдақим улуғ санаб ҳурматини биз каби жойига қўйса, бизни ҳурмат-эҳтиром қилган бўлади. Ўша инсонга Аллоҳ таолонинг раҳмати нозил бўлсин. Лекин бирор бир шахс унинг ҳурматини ўз жойига қўймаса, шубҳасиз унинг ўзи паст ва ҳақир бўлғай.

Ва ниҳоят Худованди азим-у маннондан сўз юритаётган биродаримиздан рози бўлишини ва барча инсонларнинг кўнгли ҳамда нигоҳида суюқлига айланишини сўрардик.

Эй Парвардигор, уни сиддиқий орзу ниятларига эриштир ва қомил орифларнинг энг юксак даражасига восил айла!

Эй Парвардигор, Наби ва унинг оила аҳлига ҳурмат ва эҳтиром юзасидан, Худонинг энг суюкли халқи – Муҳаммад ва унинг оила аҳли ва ақрабolarига дурудду салавоtлар бўлсин!

Бу ижозатнома 1282/1866 йилнинг шаввол ойида хайрли бахту- иқбол билан балдаи фоҳира (фахр-у ифтихор шаҳри) Бухорода, (Худованд Бухорони ва унинг волийларини офату балолардан асрасин, хатм қилинди.

5.Хулоса

Ижозатнома тарихий манба сифатида кубравия ва нақшбандия тариқатида муршид ёки пирнинг шогирди, муридига тасаввуфда толибларни Ҳаққ йўлига бошлаш учун гувоҳнома, рухсатнома бериши масаласи ижозатнома ёзилган даврдаги тарихий жараёндан далолат бериши билан бир қаторда бундай манбани янада чуқурроқ тадқиқ қилишга ундайди. Ватанимизда бундай манбалар кўп ва уларни ўрганиш орқали тасаввуф дунёси ва шунингдек Ўзбекистон маънавий тарихи ва ислом тарихига оид янги маълумотларни халқимизга тақдим этишимиз ҳамда тарихимизни бойитишимиз мумкин.

Иқтибослар/ Сноски/References:


-
- [1]. J.Spencer Trimingham. The sufi orders in Islam. –Moskva: Nauka,1989. –P.291
 - [2]. Qur`oni Karim. Ma`nolar tarjiması. –Toshkent, 2012.
 - [3]. Sayyed Hassan Khajeh Naghib al-ashraf bokharie nicknamed Netharie. Mozakker-e Ahbob (reminiscent of friends)/ Persian literature and culture in 10th c.H. –Tehran, 1999. –S.138
 - [4]. <https://www.vajehyab.com/>
 - [5]. الإجازة - ал-Ижоза -ижозат, рухсат, изн сўраш; аттестат. Шунингдек,الإجازة– ал-Ижоза – Пайғамбар ҳадисларини ўқитиш ва таълим бериш ҳуқуқини берувчи дипломга эга бўлмоқ маъносини ҳам беради.

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Abduzohirov Ravshan Hamdamovich,
Mirzo Ulug'bek nomidagi
O'zbekiston Milliy universiteti o'qituvchisi
ravshan_abduzohirov93@mail.ru

O'ZBEKLARDA FARZAND TARBIIYASI VA OILAVIY MUNOSABATLAR MASALASINI O'RGANILISHI TARIXSHUNOSLIGI

For citation: Ravshan H. Abduzokhirov, HISTORIOGRAPHY OF STUDYING CHILDREN'S UPBRINGING AND FAMILY RELATIONSHIPS IN UZBEKS. Look to the past. 2020, vol. 9, issue 3, pp.10-19

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-9-2>

ANNOTATSIYA

Ushbu ilmiy maqolada o'zbeklarda bola tarbiyasi va oilaviy munosabatlar masalasini o'rganilishi tarixshunosligi yoritib berilgan. Mazkur ilmiy maqolada XIX-asr oxiri XXI asr boshlarigacha bo'lgan davrda o'zbeklarning bola tarbiyasi va oilaviy munosabatlarini o'rgangan tadqiqotchilar asarlari tahliliy jihatdan aks etgan. Ilmiy maqola o'zbeklarni bola tarbiyasi va oilaviy munosabatlarini o'rganuvchi yoshlar, tadqiqotchilar va qiziquvchilar uchun qo'shimcha ma'lumot bo'lib xizmat qiladi.

Kalit so'zlar: tarbiya, oilaviy munosabatlar, bola tarbiyasi, an'analar, manba, urf-odat, marosim va boshqalar.

Абдузохиров Равшан Хамдамович,
преподаватель Национального университета
Узбекистана имени Мирзо Улугбека
ravshan_abduzohirov93@mail.ru

ИСТОРИОГРАФИЯ ИЗУЧЕНИЯ ВОПРОСОВ ВОСПИТАНИЯ ДЕТЕЙ И СЕМЕЙНЫХ ВЗАИМООТНОШЕНИЙ У УЗБЕКОВ

АННОТАЦИЯ

В данной научной статье описана историография изучения воспитания детей и семейных отношений у узбеков. В данной научной статье аналитически отражены работы исследователей, изучавших воспитание и семейные отношения узбеков в период с конца XIX века до начала XXI века. Научная статья служит дополнительной информацией для молодежи, исследователей и заинтересованных лиц, изучающих узбекское воспитание детей и семейные отношения.

Ключевые слова: воспитание, семейные отношения, воспитание детей, традиции, источник, обычаи, обряды и др.

Ravshan H. Abduzokhirov,
teacher of National University of Uzbekistan
named after Mirzo Ulugbek
ravshan_abduzohirov93@mail.ru

HISTORIOGRAPHY OF STUDYING CHILDREN'S UPBRINGING AND FAMILY RELATIONSHIPS IN UZBEKS

ABSTRACT

This scientific article describes the historiography of the study of child rearing and family relations in Uzbeks. This scientific article analytically reflects the works of researchers who studied the upbringing of children and family relations of Uzbeks in the period from the end of the XIX century to the beginning of the XXI century. The scientific article serves as additional information for young people, researchers and interested people studying Uzbek child rearing and family relations.

Index Terms: upbringing, family relations, child rearing, traditions, source, customs, rituals, etc.

1. Dolzarbligi:

Mustaqillikka erishilgan dastlabki yillardanoq hukumatimiz tomonidan oila mustahkamligini, unda sog'lom psixologik muhitning hukm surishini ta'minlash sog'lom yigit va qizlarni shakllantirish masalalariga alohida e'tibor berib kelinmoqda.

Jahon amaliyotida turli davlatlarda o'z xalqining milliy, etnik xususiyatlari, e'tiqodiy qarashlari va mamlakatning ijtimoiy taraqqiyoti manfaatlaridan kelib chiqib yosh avlod tarbiyasiga oid dasturlar yaratilmoqda hamda keng qamrovli ilmiy tadqiqotlar olib borilmoqda.

Mustaqil Davlatlar Hamdo'stligi Davlat rahbarlari kengashining Sochida

bo'lib o'tgan sammitida ham MDHga a'zo davlatlar rahbarlarining Oila instituti va an'anaviy oilaviy qadriyatlarni qo'llab-quvvatlash bo'yicha bayonoti qabul qilindi [2]. Mazkur bayonotga hamohang ravishda O'zbekiston Prezidentining «Xotin-qizlarni qo'llab-quvvatlash va oila institutini mustahkamlash sohasidagi faoliyatni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida» Farmoni e'lon qilindi. Unda oilani rivojlantirish, oilaning ichki munosabatlari, boy madaniy tarixiy meros va an'anaviy oilaviy qadriyatlar muammolari bo'yicha fundamental, amaliy va innovatsion tadqiqotlarni o'tkazish, ular asosida oila institutini mustahkamlash bo'yicha takliflarni ishlab chiqish vazifalari belgilandi[3].

«2017– 2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi»da ko'rsatilgan «Oilalar mustahkamligini ta'minlash, oilaning farzand tarbiyasi borasidagi mas'uliyatini oshirish, oilaviy qadriyatlarni mustahkamlash hamda oila institutining mavqeini oshirish» [1] kabi muhim vazifalarni bajarishda o'zbek xalqining bola tarbiyasiga doir an'alarini, oilaviy hamda ijtimoiy tarbiya jarayonida yuz berayotgan o'zgarishlarni tadqiq etish muhim ahamiyatga ega.

O'zbeklarda farzand tarbiyasi va oilaviy munosabatlari masalasi etnologik aspektida tadqiq etishning ilmiy jihatdan **dolzarbligi** quyidagilar bilan izohlanadi:

Birinchidan, o'zbek etnologiyasida o'ta-onalar va o'smir farzandlar o'rtasidagi munosabatlar va bola tarbiyasiga oid tadqiqotlar asosan, urf-odatlar va marosimlar kontekstida tadqiq etilgan bo'lib, XX asrning ikkinchi yarmi va XXI asrning boshlarida ota-ona va o'smir farzandlar munosabatlari etnopsixologik, etnosotsiologik jihatdan maxsus tadqiqot mavzusi sifatida o'rganilmagan;

Ikkinchidan, o'zbek oilalarida shaxs ijtimoiylashuvi jarayonida ota-ona va o'smirlar munosabatlarini tadrijiy jihatdan tadqiq etish, undagi bola tarbiyasiga oid an'anaviy va zamonaviy jarayonlarni qiyoslash, oilaviy tarbiya xususiyatlarini etnologik, etnolokal xususiyatlarini etnologik aspektida keng qamrovli tadqiq etish muhim ahamiyatga ega;

2. Metodlar va o'rganilganlik darajasi:

Maqola umum qabul qilingan tarixiy-etnografik metodlardan keng foydalangan holda yoritildi. Bunday metodlarga – tarixiylik, qiyosiy-mantiqiy tahlil, ketma-ketlik, xolislik, va boshqa metodlar kiradi. Bu kabi metodlar tadqiq etilayotgan mavzuni yoritib berishga muhim omil bo'lib xizmat qiladi.

XIX-XX asrlarda xalqlarning etnik xususiyatlarida ham sekinlik bilan o'zgarishlar yuz bera boshladi. Bu boshqa tomondan olib qaralganda turli millatlararo yaqinlashuvi tufayli oilaviy munosabatlardagi o'ziga xoslik, yoshlarni mustaqil hayotga tayyorlash muammosini keskinlashtiradi. Shu nuqtai nazardan oilaviy munosabatlar masalalarini o'rganish borasida ilmiy tadqiqot ishlari so'nggi yillar mobaynida butun Dunyo miqiyosida jadal tus olib bormoqda. Jumladan, chet el psixolog va sotsiolog olimlari, Fransiyada – A.Villi., E.Dyurkgeym., P.Jane; Germaniyada – T.Shrayber; Amerikada – K.Byuler., V.Metyuza., Dj.Bruner., S.Xoll., D.Cheypi; Shvetsariyada –E.Klapared va boshqa ko'plab tadqiqotchilar tomonidan bu sohada bir qancha ishlar amalga oshirildi.

Turli madaniyatlarda bola sotsializatsiyasi xususiyatlarini o'rganishga doir tadqiqotlar dunyoning yetakchi ilmiy markazlari va oliy ta'lim muassasalarida, jumladan, Yel universiteti, Garvard, Kolumbiya universitetlari antropologiya bo'limlari (AQSH), Gumbol'd universitetining Yevropa etnologiyasi instituti (Germaniya), Sarbonna universiteti, Parij Ijtimoiy fanlar Oliy maktabi (EHES, Frantsiya), Sharq va Afrika tadqiqotlari maktabi (SOAS, Angliya), Lomonosov nomidagi Moskva davlat universitetining etnologiya kafedrasini, Rossiya Fanlar akademiyasining Etnologiya va antropologiya hamda Sotsiologiya institutlari (Rossiya) va boshqa shu kabi ilmiy markazlarda olib borilmoqda.

3. Tadqiqot natijalari:

Hozirgi kunda o'zining oilaparvar va bolajon xalq sifatida boshqa xalqlardan ajralib turadigan o'zbek xalqining bola tarbiyasi va oilaviy munosabatlar masalasini o'rganish, tadqiqotchilar tomonidan ikki boshqichda amalga oshirilgan. Adabiyotlarni xronologik jihatdan 2 ga ya'ni, mustaqillikkacha va mustaqillik yillarida yozilgan adabiyotlarga bo'lish mumkin. Lekin tadqiqot davrida ma'lumotlarni qiyosiy o'rganish, an'analarining saqlanish darajasini tahlil qilish maqsadida Markaziy Osiyo xalqlari turmush tarzi, oilaviy munosabatlari, shu jumladan, bola tarbiyasiga oid ma'lumotlar keltirilgan manbalar va XIX asr oxiri – XX asrning birinchi yarmiga tegishli bo'lgan tarixiy-etnografik asarlar va adabiyotlardan ham foydalanildi. Xususan, XIX asr oxiri – XX asr boshlarida Rossiya imperiyasi Markaziy Osiyoni istilo qilgach, ruslar tomonidan mahalliy xalqlarni o'rganish maqsadida ularning madaniyati, turmush tarziga oid qimmatli ma'lumotlar yig'ilgan edi [4].

XX asrning 20-30-yillaridan boshlab, xalqlarni tarixiy-etnografik jihatdan o'rganish yuzasidan yangi harakatlar boshlanishi natijasida hududlarda etnografik tadqiqotlar uyushtirildi va bir qator maqolalar chop etildi[5]. Yuqorida ko'rsatib o'tilgan adabiyotlarda ikki holatni kuzatish mumkin. Birinchidan, ayrim rus mualliflarining asarlarida shovinistik qarashlarning ta'siri sezilib turadi. Shuning uchun ular o'sha davr o'zbeklar hayoti va urf-odatlarini xolislik bilan yoritganlar deb o'ylash noo'rin. Shu bois ularga tanqidiy qarshalar bilan yondashmoq kerak.

Ikkinchidan, bu davrda yaratilgan tadqiqot ishlari, asosan, tavsifiy harakterda bo'lib, tadqiqotchilar ko'proq bola tug'ilishi va tarbiyasiga tegishli ayrim urf-odat va marosimlarning qay tartibda o'tkazilishiga e'tibor qaratganlar, xalos. Shunga qaramay, bu ma'lumotlar juda ahamiyatli va ilmiy-amaliy ahamiyatga ega.

Bevosita o'rganilayotgan davrga tegishli adabiyotlar to'g'risda fikr yuritadigan bo'lsak, ko'rsatilgan birinchi davrda o'rganilayotgan mavzuga oid ilmiy adabiyotlar juda kam bo'lib, ayni paytda ushbu mavzu tadqiqot obyekti sifatida emas, aksincha keng qamrovli, umumiy tadqiqotlar doirasida o'rganilgan. Xususan, O.A.Suxareva va M.A.Bikjonovalar Namangan viloyati Chortoq Tumanining Oyqiron qishlog'ini etnografik jihatdan o'rganar ekanlar, aholining oilaviy munosabatlari hamda oilaviy urf-odat va marosimlarini ham tadqiq etganlar. Shunda mazkur qishloq aholisining bola tarbiyasiga oid an'analariga ham e'tibor qaratiladi[6].

Tadqiqotchi L.F.Monogorovning “O‘zbek qishloq aholisi haqida etnografik ocheriklar” to‘plamida chop etilgan o‘zbeklarning bola tarbiyasiga oid maqolasi [7] Samarqand viloyati qishloq aholisi misolida tayyorlangan bo‘lib, unda mazkur mavzuga oid qimmatli ma‘lumotlarni to‘plagan.

T.X.Toshboyeva va M.D.Savurovlar qishloqdagi o‘zbek oilalari turmushidagi an‘anaviy va zamonaviy urf-odatlarini o‘rganishga bag‘ishlanga kitobning [8] alohida bobida o‘zbeklarning bola tarbiyasi va unga munosabati bilan bog‘liq an‘anaviy va zamonaviy udumlarni yoritishga bag‘ishlaganlar. Kitobda garchi hukmron mafkuraning ta‘siri yaqqol sezilib tursa-da, tadqiqotchilar unda xalq tarbiyasi an‘analarining ijobiy jihatlarini ochib berishga harakat qilganlar.

Yuqorida keltirilgan adabiyotlar va maqolalarning aksariyati tavsiflovchi harakterga ega bo‘lib, ularda tadqiqotchilar ma‘lum hududda yashovchi aholining bola tug‘ilishi va tarbiyasi bilan bog‘liq marosimlarni tasvirlab berish bilan cheklanganlar. O‘sha davrda bola tarbiyasi va oilada farzandlarga munosabatlar masalasida alohida tadqiqot ishi sifatida N.X.Azimova tomonidan Andijon viloyati qishloq aholisi misolida nomzodlik ishi darajasida o‘rganilgan [9]. Tadqiqotchi Andijon viloyatining qishloq joylarida yashovchi, ishchi va kolxozchi o‘zbek oilalarida an‘anaviy bola tarbiyalash tizimini tadqiq qilgan. Tadqiqotda maishiy hayot, qishloqda yashovchilarning o‘zaro munosabatlari, go‘dakning dastlabki yoshi bilan bog‘liq urf-odat va marosimlar, bolalarga diniy, axloqiy va mehnat tarbiyasini berish, oila a‘zolari ya‘ni, ota-onalar va farzandlar o‘rtasidagi o‘zaro munosabatlar, qishloqdagi o‘zbek oilasining tarkibi kabi masalalar yoritib berilgan.

S.P.Polyakovning 1989-yilda chop etilgan “Zamonaviy Markaziy Osiyo jamiyatida an‘anaviylik” [10] asarida ham oilaviy munosabatlar va bola tarbiyasiga oid ma‘lumotlar keltirilgan. Jumladan muallif demografik holat, oila, an‘anaviy bola tarbiyasi masalalarini yoritganda o‘zbeklarga tegishli ma‘lumotlarga ham to‘xtalib o‘tadi. U o‘zbek oilalarida o‘g‘il va qiz bola tarbiyasidagi farqli xususiyatlar va ularga bo‘lgan munosabatlarning o‘ziga xos jihatlarini ko‘rsatib o‘tar ekan, Markaziy Osiyoning barcha xalqlarida, shu jumladan, o‘zbeklarda ham bolalarga beriladigan mehnat tarbiyasining salbiy tomonlariga o‘z e‘tiborini qaratadi va bu holatning “bolalar mehnatini eksplutatsiya qilish” darajasiga yetishini ta‘kidlab o‘tadi [11].

Shuni ta‘kidlab o‘tish joizki, S.P.Polyakov o‘z asarida asosiy e‘tiborni oilalarda va jamoa doirasida bolalarga diniy tarbiya berish holatlarini yoritishga qaratar ekan, bu ahvolni salbiy holat sifatida baholaydi. Chunki u diniy tarbiyaga – ateistik tarbiyaga zid hodisa sifatida yondashgan.

Bu davrda yana S.M.Mirhosilov [12], U. Toshtemirov [13] kabi tadqiqotchilar o‘zbek oilasining sotsiologik va demografik tomonlarini o‘rganishga e‘tiborlarini qaratishgan bo‘lsalar, xalq pedagogikasi bo‘yicha o‘rganilgan ishlar sifatida Z.F.Mirtursunovning asarlarini [14] ko‘rsatish mumkin. Muallif o‘zbek xalq tarbiyasi an‘anasi sifatida folklorning o‘rnini ko‘rsatish bilan bog‘liq xalq tarbiyasini metodlarini ham tadqiq qiladi.

O‘zbek faylasuf olimlaridan M.Sangilovning ishlarida oilada bola tarbiyasi masalasining ijtimoiy-iqtisodiy jarayonlar bilan bog‘liqligi falsafiy jihatdan o‘rganilgan [15].

Sovet ittifoqining XX asrning 90-yillaridagi inqirozidan so‘ng ko‘plab yangi mustaqil davlatlarning vujudga kelishi, turli xalqlarda milliy o‘zligini anglash, an‘analarini tiklash, o‘z tarixini tiklash dolzarb masalaga aylandi. Shu bilan bog‘liq ko‘plab etnografik tadqiqotlar olib bopildi va xalqlarning oilaviy munosabatlari va, bola tarbiyasiga doir an‘analari ham chuqurroq o‘rganila boshlandi. Xususan, A.Sh.Jumayevning tadqiqot ishlari Buxoro o‘zbeklari va tojiklarining bola tarbiyasi bilan bog‘liq an‘analariga bag‘ishlangan [16]. Muallif o‘z tadqiqotlarida bola tug‘ilishi va tarbiyasiga oid urf-odat hamda marosimlar, turli yosh bosqichlarida beriladigan tarbiya an‘analari xususida ma‘lumot bergan [17].

Taniqli etnograf T.A. Jdankoning Markaziy Osiyo xalqlari oilaviy munosabatlariga bag‘ishlangan tadqiqot ishlarida oila a‘zolari orasidagi munosabatlar bilan bir qatorda bola tarbiyasi xususida ham ayrim ma‘lumotlar keltirilgan [18].

Mustaqillik yillarida milliy qadriyatlarimiz hamda urf-odatlarimizni o‘rganish va tiklashga keng yo‘l ochildi. Keng qamrovli etnografik tadqiqotlar olib borishga yanada ko‘proq imkoniyatlar paydo bo‘ldi. Ayni shu davrda bola tarbiyasi an‘analari va u bilan bog‘liq marosimlarga oid ma‘lumotlar H.Ismoilovning o‘zbek to‘y marosimlariga bag‘ishlangan monografiyasi [19], O.Bo‘riyevning oilaga bag‘ishlangan monografiyasi [20], O.Bo‘riyev, H.Nasriddinov va

I. Shoymondarovlar hamkorligida o'zbek oilasi tarixiga doir asarda [21], Z.X. Arifxonova mas'ul muharrirligi va boshchiligida bir guruh etnologlar tomonidan tayyorlangan "Toshkent mahallalari: an'analar va zamonaviylik" deb nomlangan asarda [22] keltirilgan.

O'zbeklarning xalq tarbiyasi an'analari va oilaviy tarbiya masalalari yoritilgan pedagogikaga oid ishlar sifatida B.O. Qodirov, A.K. Munavvarov, M. Mahmudova, M.O. Inomova va D. Xoliqovlarning tadqiqotlarini [23] ko'rsatish mumkin. Ushbu tadqiqot ishlarida xalq pedagogikasida yoshlarni oilaviy hayotga tayyorlash, oilada bolalarni ma'naviy-axloqiy tarbiyalash, shuningdek, o'zbek o'smirlariga jinsiy tarbiya berish ya'ni o'g'il va qiz bolalarga alohida tarbiya usullaridan foydalanilish masalalari pedagogik aspektida o'rganilgan.

O'zbek pedagoglari ichida "Xalq pedagogikasi" tushunchasiga yangicha mazmun va asosli ta'rif bergan tadqiqotchi A.R. Sohibovdir. u o'zining o'zbek xalqi pedagogikasi istoriografiyasining ilmiy-nazariy muammolariga bag'ishlangan tadqiqotlarida xalq pedagogikasi – pedagogika haqida qarashlar yig'indisi emas, balki amal qilinishi majburiy bo'lgan va bajarilishi ko'pchilik tomonidan nazorat qilinadigan ko'nikmalar, maishiy turmush etiketlari majmuidir, degan g'oyani ilgari surgan va uning xususiyatlarini ko'rsatib bergan [24]. O. Musurmonova, O. To'rayeva va boshqalarning ishlarida ham oilaviy tarbiya, milliy axloqiy qadriyatlarga bog'chada bolalarni an'analarga mos tarbiyalash masalalari ko'tarilgan [25].

O'zbekistonda ijtimoiy tarbiya, shaxsning ijtimoiylashuvidagi shart-sharoitlar masalasining pedagogik jihatlari N.M. Egamberdiyeva tomonidan tadqiq etilgan [26].

O'zbek xalqi oilaviy tarbiya munosabatlarining psixologik xususiyatlarini o'rgangan tadqiqotchilardan V.M. Karimova, G'.B. Shoumarov, E.G'.G'oziyev, Y.O. No'monova, M.S. Salayeva, N.A. Soginov, M.M. Umarova va boshqalarning ishlarini [24] ko'rsatish mumkin. Ayniqsa V.M. Karimovning "Yoshlarda o'zbek oilasi haqidagi ijtimoiy tasavvurlar" mavzuidagi tadqiqot ishida o'zbek oilasida er-xotinning ijtimoiy psixologik mavqei, o'zaro munosabatlarining bola tarbiyasiga ta'siri, yoshlarda maqbul oilaviy tasavvurlarni shakllantirish shart-sharoitlari yoritib berilgan.

Faylasuflardan M. Xalmatovning tadqiqoti oilaviy munosabatlar madaniyati va sog'lom avlod tarbiyasiga bag'ishlanadi [25]. Tadqiqotchi o'z monografiyasida oilaviy munosabatlar xususida so'z yuritar ekan, sog'lom avlod tarbiyasining shart-sharoitlari haqida ayrim mulohazalar bilan to'xtalib o'tgan.

Biz o'rganayotgan mavzuning sotsiologik va demografik jihatlari yoritilgan tadqiqotlar sifatida R. Ubaydullayeva, M. Bo'riyevlarning ishlarini [26] ko'rsatish mumkin. Akademik R. Ubaydullayevning tadqiqotlariga to'xtaladigan bo'lsak, tadqiqot ishida O'zbekistondagi ayollarning oilaviy hayot, bola tarbiyasi, ijtimoiy hayotdagi o'rni va ularning ijtimoiy-iqtisodiy, ma'naviy-axloqiy jarayonlarga nisbatan munosabatlari sotsiologik tadqiqotlar orqali ko'rsatilgan bo'lsa, M. Bo'riyevning tadqiqotlarida O'zbekistondagi oilalarning demografik holati va unga ta'sir qiluvchi omillar masalasini keng qamrovli o'rgangan. Ammo bu tadqiqotlarda, avvalo faqat o'zbek xalqi emas, balki, butun O'zbekiston aholisi o'rganilgan. Bundan tashqari yuqorida ko'rsatib o'tilgan tadqiqotlarda oilaviy munosabatlar ya'ni, ota-onalar va o'smir farzandlar o'rtasidagi munosabatlarining ayrim jihatlari tadqiqot doirasiga kiritilgan.

Shunga qaramay bu kabi ma'lumotlardan tadqiqot ishidagi muayyan masalalarni yoritishda foydalanildi.

Mavzuning folklorga oid tomonlarini N. Qurbonova [27], mualliflar M. Jo'rayev va L. Xudoyqulovlar [28] tomonidan o'rganilgan.

B. Hamroqulova (mazkur satrlar muallifi) tomonidan Surxondaryo vohasi aholisining bola tug'ilishi va tarbiyasiga doir udumlari alohida tadqiqot ishi sifatida tadqiq etilgan [29]. Lekin bu tadqiqotlar XIX asr oxiri va XX asr boshlaridagi etnografik tadqiqotlar natijasida yozilgan. Tadqiqot ishlarida asosan folkloristik nuqtai nazardan yondoshgan holda yozilgan, oilaviy munosabatlarda urf-odat va marosimlarga ko'proq e'tibor qaratgan.

Mustaqillik yillarida Y.G'. Salimov, X.R. Haydarova, N.D. Qosimova, B.M. Ubaydullayeva kabi tadqiqotchilarning dissertatsiyalarida [30] oilaviy munosabatlar, tarbiyaning ayrim jihatlari

etnologik, sotsiologik, psixologik va falsafiy jihatdan o'rganilgan bo'lib, tadqiqot ishida ma'lumotlar sifatida foydalanilgan.

4. Xulosalar:

Yuqorida keltirilgan ma'lumotlar asosida xulosa qiladigan bo'lsak, XX asrning ikkinchi yarmidan mustaqillik yillarigacha ya'ni sovet davri tadqiqotlarida tarixiy ilmiy qimmatga ega boy ma'lumotlar yig'ilgan. Biroq, bu davr tadqiqotlarida ikki xil holatni kuzatish mumkin. Birinchidan tavsiflovchi harakterga ega bo'lgan, ikkinchidan, ma'lum darajada qiyosiy-tahliliy ahamiyatga ega bo'lgan tadqiqotlarga ham sovet mafkurasi singdirilganligi ko'rish mumkin. Xususan, oilaviy munosabatlarda va bola tarbiyasida milliy-diniy tarbiya berish va qarashlar qoralangan, atiestik va baynalminimal tarbiya berish uslubi qo'llab quvvatlangan.

O'zbeklarda farzand tarbiyasi va oilaviy munosabatlar tarixini o'rganish XIX asr oxiri XX asr boshlarida yaxshi rivojlandi. Tadqiqotlar asosan urf-odat va marosimlarni o'rganish kesimida olib borilgan. Bu esa O'zbeklarda farzand tarbiyasi va oilaviy munosabatlar tarixini yoritishda etnik xususiyatlardan yiroqlashishga olib kelgan. XX asrning ikkinchi yarmiga kelib, G'arbiy Yevropa va AQShda bolalik, bola va jamiyat o'rtasidagi munosabatlar masalasida ijtimoiy-gumanitar soha vakillari tomonidan katta tadqiqotlar olib borilib, turli g'oyalar, nazariyalar ilgari surildi. Lekin bu nazariyalar sovet mafkurasiga zid edi va sovet jamiyatlarida ularga tanqidiy nuqtai nazarda qarab kelindi. XX asrning 80-yillarida "oilaviy munosabatlar va tarbiya jarayonlari" mavzusidagi tadqiqot ishlari ham odatda an'anaviy tarbiya usullari tavsifiy harakterda o'rganilgan. Sovet davrida o'zbek etnologiyasida mazkur masala aksariyat an'anaviylik kontekstida tadqiq etilgan bo'lsada, mafkuraviy to'siq mavjud bo'lgani uchun tadqiqotchilar mazkur masalani har tomonlama tadqiq qila olmaganlar. Bundan kelib chiqqan holda, XX asr oxiri va XXI asrning boshlaridagi davr oralig'ida "o'zbek oilalarida farzand tarbiyasi va oilaviy munosabatlarni o'rganish tarixshunosligi" alohida tadqiqot ishi sifatida maxsus o'rganilmagan.

Mustaqillik yillarida ya'ni 1991-yildan XXI asr boshlariga qadar yozilgan tadqiqotlarda oilaviy munosabatlar, ota-onalar va o'smir farzandlar o'rtasidagi aloqalar, farzand tarbiyasi bilan bog'liq an'analar va marosimlar milliy qadriyatlar va urf-odatlar negizida tadqiq etila boshlandi va aynan o'zbek oilalarida ota-onalar va o'smir farzandlar o'rtasidagi munosabatlar, farzand tarbiyasini etnik xususiyatlari negizida tadqiqot obyekt sifatida o'rganilmagan. Ko'plab tadqiqot ishlarida mavzuga oid jihatlar ma'lum darajada yoritib berilgan, hududlar va maxsus xususiyatlar kesimida xalos. Bu esa ushbu mavzu yuzasidan ko'plab tadqiqot mavzusini yoritishda ma'lum bir darajadagi ma'lumotlardan foydalanishga imkon yaratadi.

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури //nrm.uz/contentf?doc=491883. (State Program for the implementation of the Action Strategy on the five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021 in the "Year of dialogue with the people and the interests of man" //nrm.uz
2. МДХнинг Сочи Саммити //uza.uz/oz/politics/md-ning-sochi -sammiti -11-10-2017. (CIS Sochi Summit //uza.uz/en/politics/md-ning-sochi -summit -11-10-2017)
3. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида (ПФ-5325 02.02.2018)// lex.uz (On measures to radically improve the activities in the field of support of women and strengthening the institution of the family (PF-5325 02.02.2018)// lex.uz
4. Гребенкин А.Д. Узбеки // Туркестанские ведомости. 1871, № 29; № 30; Наливкин В.П., Наливкина М.В. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. – Казань: Типография императорского университета, 1886. – 244 с.; Лыкошин Н.С. "Хороший тон" на Востоке : к полувековому юбилею завоевания русскими Туркестанского края / Н. С. Лыкошин. – Петроград, 1915. –168с.; Остроумов Н.П.

- Сарты: этнографические материалы. Вып.3 / Н. П. Остроумов. – Ташкент: Типо-лит. торг. дома “Ф. и Г. бр. Каменские”, 1895. – 70с.; Худояр-Хан Н. Книга «Некоторые обычаи и суеверия у сартов, связанные с рождением ребенка»//Этнографическое обозрение. – Москва, 1909. - № 1. (Greibenkin A.D. Uzbeks // Turkestanskije vedomosti. 1871, no. 29; No. 30; V.P. Nalivkin, M.V. Nalivkina Essay on the life of a woman of the sedentary indigenous population of Fergana. - Kazan: Printing House of the Imperial University, 1886. - 244 p .; Lykoshin N.S. "Good tone" in the East: to the half-century anniversary of the Russian conquest of Turkestan region / NS Lykoshin. - Petrograd, 1915. – 168s .; Ostroumov N.P. Sarts: ethnographic materials. Issue 3 / N.P. Ostroumov. - Tashkent: Типо-лит. bargain. at home “F. and G. br. Kamensky ”, 1895. - 70s .; Khudoyar-Khan N. The book "Some customs and superstitions among the Sarts associated with the birth of a child" // Ethnographic review. - Moscow, 1909. - No. 1.)
5. Гершенович Р.С. О бытовой гигиене узбекского грудного ребенка // Труды САГУ. Серия XII. Этнография. Вып. 1. – Ташкент, 1928. - С. 3-19; Троицкая АЛ. Первые сорок дней ребенка(чилля) среди оседлого населения Ташкента и Чимкентского уезда // Сборник В.В. Бартольд. - Ташкент, 1927. – С. 142-160. (Gershenovich R.S. On household hygiene of the Uzbek infant // Proceedings of SAGU. Series XII. Ethnography. Issue 1. - Tashkent, 1928. - S. 3-19; Troitskaya AL. The first forty days of a child (chill) among the sedentary population of Tashkent and the Chimkent district // Collection of V.V. Barthold. - Tashkent, 1927. -- S. 142-160.)
 6. Сухарева О.А., Бикжанова М.А. Прошлое и настоящее селения Айкыран. Опыт этнографического изучения колхоза им. Сталина Чартакского р-на Наманганской области. – Ташкент: АН УзССР, 1955. – 238 с.; Бикжанова М.А. Семья в колхозах Узбекистана. На материалах колхозов Наманганской области. – Ташкент: АН УзССР, 1959. – 136 с. (Sukhareva O.A., Bikzhanova M.A. Aikyran village past and present. The experience of ethnographic study of the collective farm. Stalin of the Chartak district of the Namangan region. – Tashkent: Academy of Sciences of the UzSSR, 1955. - 238 p .; Bikzhanova M.A. Family in the collective farms of Uzbekistan. Based on the materials of the collective farms of the Namangan region. – Tashkent: Academy of Sciences of the UzSSR, 1959 . - 136 p.)
 7. Моногарова А.Ф. Семья и семейный быт / Этнографические очерки узбекского сельского населения. – М.: Наука, 1969. С. 212-221. (Monogarova A.F. Family and family life / Ethnographic sketches of the Uzbek rural population. – М.: Nauka, 1969. – P. 212-221)
 8. Ташбаева Т.Х., Савуров М.Д. Новое и традиционное в быту сельской семьи узбеков. – Ташкент: Фан, 1989. – 163 с. (Tashbaeva T.Kh., Savurov M.D. New and traditional in the life of a rural Uzbek family. - Tashkent: Fan, 1989. - 163 p.)
 9. Азимова Н.Х. Система традиционного воспитания детей в узбекских сельских семьях (на примере Андижанской области): Автореф. дис.... канд. ист. наук. - Ташкент, 1987. -19 с. (Azimova N.X. The system of traditional upbringing of children in Uzbek rural families (on the example of Andijan region): Author's abstract. dis cand. ist. sciences. - Tashkent, 1987. -19 p).
 10. Поляков С.П. Традиционализм в современном среднеазиатском обществе. - М., 1989. - 109 с. (Polyakov S.P. Traditionalism in the modern Central Asian society. - М., 1989.-109 p).
 11. Поляков С.П. Традиционализм ... - С. 43-45. (Polyakov S.P. Traditionalism ... – P. 43-45)
 12. Мирхасилов С.М. Социально-культурные изменения в отражение их в современном семье сельского населения Узбекистана // Советская этнография. – Москва, 1979. -№ 1. - С. 3-15. (Mirkhasilov S.M. Socio-cultural changes in their reflection in the modern family of rural population in Uzbekistan // Soviet Ethnography. – Moscow, 1979. -№ 1. – P. 3-15).
 13. Тоштемиров У. Социалистик оила. – Тошкент: Ўзбекистан, 1977. -140б.; Ўша муаллиф. Современная социалистическая семья и тенденция её развития. – Ташкент: Фан, 1982. - 97 с. (Toshtemirov U. Socialist family. - Tashkent: Uzbekistan, 1977. -140p .; That author. The modern socialist family and the trend of its development. – Tashkent: Fan, 1982.-97 s).

14. Миртурсунов З.Ф. Ўзбек халқ педагогикаси фольклор материалларн асосида. –Тошкент: Фан, 1973. (Mirtursunov Z.F. Uzbek folk pedagogy on the basis of folklore materials. – Tashkent: Fan, 1973).
15. Сянгилов М. Оила ва коммунистик тарбия. –Тошкент: Ўқитувчи, 1988. –160 б. (Syangilov M. Family and communist upbringing. –Tashkent: Teacher, 1988. –160 p.)
16. Жумаев А.Ш. XIX аср охири - XX аср бошларнда Бухоро воҳасн ўзбек ва тожикларида боланинг туғилиши ҳамда тарбияси билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар: Тарих фан. нош... дис. –Тошкент, 1991. - 212б. (Jumaev A.Sh. Traditions and ceremonies associated with the birth and upbringing of a child in the Uzbek and Tajik of the Bukhara oasis in the late XIX - early XX centuries: History. nosh dis. –Tashkent, 1991. - 212p).
17. Жумаев А.Ш. XIX аср охири в XX аср бошларида Бухоро воҳаси... – Б. 42-124. (Jumaev A.Sh. The Bukhara oasis in the late XIX and early XX centuries ... – P. 42-124).
18. Жданко Т.А. Семья: Внутрисемейные отношения // Семейный быт народов СССР. – М.: Наука, 1990. – С. 489-506 (Zhdanko T.A. Family: Intra-family relations // Family life of the peoples of the USSR. - М.: Nauka, 1990. -- S. 489-506)
19. Исмоилов Х. Ўзбек туйлари. –Тошкент, 1992. -189 б. (Ismoilov H. Uzbek weddings. - Tashkent, 1992. -189 p.)
20. Бариев О. Оила ва социалистик турмуш тарзи. –Тошкент, 1982. - 30 б. (Bariev O. Family and socialist lifestyle. –Tashkent, 1982. - 30 p.)
21. Бариев О., Насриддинов К., Шоймардонов И. Ўзбек оиласи тарихидан. –Тошкент: Ўқитувчи, 1995. -127 б (Bariev O., Nasriddinov K., Shoymardonov I. From the history of the Uzbek family. –Tashkent: Teacher, 1995. -127 p.)
22. Тошкент маҳаллалари: анъаналар ва замонавийлик (тарихий-этнографик тадқиқот). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. -218 с. (Tashkent mahallas: traditions and modernity (historical and ethnographic research). - Tashkent: Yangi asr avlodi, 2002. -218 p.)
23. Қодиров Б.О. Ўзбек халқ педагогикасининг шаклланиши. –Тошкент, 1992. -190 б.; Мунавваров А.К. Оила педагогикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994.-112 б.; Махмудова М. Халқ педагогикаси мазмуни асосида талаба ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш тизими: Пед. фан. док... дис. – Тошкент, 2004. -274 б.; Иномова М.О. Оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланишнинг педагогик асослари: Пед. фан. док... дис. – Тошкент, 1998. -316 б.; Ўша муаллиф. Оилада болаларнинг ахлоқий тарбияси. – Тошкент, 2000. -152 б.; Халиков Д.Р. Подготовка учащихся к семейной жизни на основе национальных традиции и обычаев: Автореф. дис. ... канд. пед, наук. – Ташкент, 1993. - 22 с.; Холиков Д., Хонкулова Н. Зурриёдим соғлом бўлсин десангиз. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. - 35 б. (Qodirov B.O. Formation of Uzbek folk pedagogy. –Tashkent, 1992. -190 p. ; Munavvarov A.K. Family pedagogy. - Tashkent: Teacher, 1994.-112 p. ; Mahmudova M. The system of preparing students for family life based on the content of folk pedagogy: Ped. fan. doc dis. - Tashkent, 2004. -274 p. ; Inomova M.O. Pedagogical bases of use of national values in spiritual and moral upbringing of children in the family: Ped. fan. dock ... dis. - Tashkent, 1998. -316 p. ; That author. Moral upbringing of children in the family. - Tashkent, 2000. -152 p. ; Khalikov D.R. Podgotovka uchashchixsya k semeynoy jizni on the basis of national traditions and obychaev: Author. dis. ... cand. ped, nauk. - Tashkent, 1993. - 22 p. ; Kholikov D., Khonkulova N. If you want my offspring to be healthy. - Tashkent: Yangi asr avlodi, 2005. -35 p.)
24. Соҳибов А.Р. Ўзбек халқ педагогикаси историографиясининг илмий-назарий муаммолари (1956-2001 йиллар): Пед. фан. номз... дис. – Тошкент, 2004. - 145 б. (Sohibov A.R. Scientific and theoretical problems of historiography of Uzbek folk pedagogy (1956-2001): Ped. fan. nomz ... dis. - Tashkent, 2004. - 145 p.)
25. Мусурмонова О. Оилада бола тарбиясининг ақтуал масалалари. –Тошкент, 1988. -174 б.; Ўша муаллиф. Оила маънавияти - миллий ғурур. –Тошкент: Ўқитувчи, 1999. -200

- б.; Отавалиева Ў. Бола тарбиясида боғча ва оила ҳамкорлиги. –Тошкент: Ўқитувчи, 1994. -72 б.; Тураева О. Бола азиз, одоби ундан азиз. – Тошкент:Ўқитувчи, 1986. -160 б. (Musurmonova O. Topical issues of child rearing in the family. –Tashkent, 1988. -174 p .; That author. Family spirituality is a national pride. –Tashkent: Teacher, 1999. -200 p .; Otavaliyeva O. Kindergarten and family cooperation in child rearing. –Tashkent: Teacher, 1994. -72 p .; Turaeva O. The child is dear, the manners are dearer than him. - Tashkent: Teacher, 1986. -160 p.)
26. Эгамбердиева Н. Ижтимоий педагогика. – Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. -232 б. (Egamberdieva N. Social pedagogy. - Tashkent: Publishing House of the National Library of Uzbekistan named after A.Navoi, 2009. -232 p.)
27. Каримова В.М. Ёшларда ўзбек оиласи ҳақидаги ижтимоий тасаввурлар: Психол. фан. д о к.... дис. авторов. –Тошкент, 1995. -43б; Ўша муаллиф. Ўзбекистонда оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш механизмлари. Оила: ижтимоий ҳимоя омиллари. Илмий-оммабоп мақолалар тўплами. – Тошкент, 2007. –Б. 3-13; Ўша муаллиф: Меҳр ва мурувват оиладан бошланади. – Тошкент, 2004; Шоумаров Ф.В., Шоумаров Ш.Б. Муҳаббат ва оила. –Тошкент: Ибн Сино, 1994. - 119 б.; Ғозиев Э.Г. Ўзбек халқи этнопсихологияси ва бола Тарбияси // Ўзбек оиласининг этнопсихологик хусусияти мавзuidaги илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент, 1999. –Б.8-9.; Нуъмонова Ё.О. Этнопсихологические особенности репродуктивных установка в репродуктивного поведения у ўзбеков: Дис. ... канд. психол. наук. - Ташкент, 1996. -165с. (27.Karimova V.M. Social perceptions of the Uzbek family in young people: Psychology. fan. d o k dis. cars. –Tashkent, 1995. -43b; That author. Mechanisms of social protection of families in Uzbekistan. Family: social protection factors. A collection of popular science articles. - Tashkent, 2007. –B. 3-13; Same author: Kindness and mercy begin in the family. - Tashkent, 2004; Shoumarov F.B., Shoumarov Sh.B. Love and family. –Tashkent: Ibn Sino, 1994. - 119 p .; Goziev E.G. Ethnopsychology of the Uzbek people and the upbringing of children // Proceedings of the scientific-practical conference on the ethnopsychological features of the Uzbek family. –Tashkent, 1999. –P.8-9 .; Numonova Y.O. Ethnopsychological features of reproductive attitudes in reproductive behavior among the Uzbeks: Dis. ... cand. psychol. sciences. – Tashkent, 1996.-165p).
28. Салаева М.С.Ўзбек оилаларида ота-она ва фарзандлар ўзаро муносабатларининг ижтимоий-психологик хусусиятлари Психол. фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2005. -148 б.; Умарова М.М. Ўсмирларда оилавий қадриятлар тўғрисида тасаввурлар шаклланишининг ижтимоий-психологик шарт-шароитлари: Психол. Фан.номз.дис. –Тошкент, 2004. -165 б. (Salaeva MS Socio-psychological features of the relationship between parents and children in Uzbek families Psychol. fan. nomz. ... dis. - Tashkent, 2005. - 148 p .; Umarova M.M. Socio-psychological conditions for the formation of perceptions of family values in adolescents: Psychol. Fan.nomz. dis. –Tashkent, 2004. -165 p.)
29. Халматова М. Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом авлод тарбияси. – Тошкент: Ўзбекистон. 2000.-216б. (29.Xalmatova M. Culture of family relations and upbringing of a healthy generation. - Tashkent: Uzbekistan. 2000.-216 б.)
30. Убайдуллаева Р.А. Мустақил Ўзбекистон: аёл, оила ва жамият. – Тошкент: Фан, 2006. - 444 б.; Бўриева М. Ўзбекистонда оила демографияси. –Тошкент: Университет, 1997. -171б.; Ўша муаллиф. Демографик муаммолар. – Тошкент, 2000. -102 б. (Ubaydullaeva R.A. Independent Uzbekistan: women, family and society. - Tashkent: Fan, 2006. -444 p .; Bo'rievaM. Family demography in Uzbekistan. –Tashkent: Universitet, 1997. -1716 .; That author. Demographic problems. - Tashkent, 2000. -102 p.)
31. Қурбонова Н. Ўзбек болалар маросим фольклори: Филол. фан. номз. ... дис. автореф. –Тошкент, 1994. -206б. (31.Qurbonova N. Folklore of Uzbek children's ceremonies: Philol. fan. nomz. ... dis. avtoref. –Tashkent, 1994. -206б.)


32. Жўраев М., Худойкулова Л. Маросимнома. – Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2008. -171 б. (Jo'raev M., Xudoykulova L. Ceremony. - Tashkent: National Library of Uzbekistan named after A.Navoi, 2008. -171 p.)
33. Ҳамроқулова В.М. Сурхондарё воҳасида бола туғилиши ва тарбияси билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар XIX аср охири - XX аср бошларида, Тарих фан. ном дисс. – Тошкент, 2002. -181б. (33.Hamroqulova V.M. Traditions and ceremonies associated with the birth and upbringing of children in the Surkhandarya oasis late XIX - early XX centuries, History. nom diss. –Tashkent, 2002. -181б.)
34. Салимов Ю.Ғ. Ўзбекистон мустақиллиги шароитида тарбиянинг миллий хусусиятлари (социологик таҳлил) Социол. фан. номз... дис. - Самарқанд, 2006. - 163б.; Ҳайдарова Х.Р. Жинсий идентификация жараёнига оилавий роллар дифференциясининг таъсири (кўп бўғинли ва нуклеар оилалар мисолида) Психол. фан. номз. ...дисс., Тошкент, 2007, -156-б.;Тиллаева Г. Ижтимоий муҳит ва тарбия: муаммо ва ечимлар (Ижтимоий-фалсафий таҳлил). Фалсафа фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2009. -149 б. (34. Salimov Yu.G'. National features of education in the conditions of independence of Uzbekistan (sociological analysis) Sociol. fan. nomz ... dis. - Samarkand, 2006. -163p .; Haydarova X.R. Influence of familial role differentiation on the process of sexual identification (on the example of multi-articulated and nuclear families) Psychol. fan. nomz. ... diss., Tashkent, 2007, -156-p.; Tillaeva G. Social environment and upbringing: problems and solutions (Socio-philosophical analysis). Falsafa fan. nomz. ... diss. - Tashkent, 2009. -149 p.)
35. Қосимова Н.Д. Ўсмирлар ижтимоийлашувида ибрат ижтимоий психологик хусусиятларининг аҳамияти. Психол. фан. номз.дисс. – Тошкент, 2010. -145 б. Убайдуллаева Б.М. Ўзбекларнинг ёш авлод тарбияси борасидаги анъаналари ва замонавийлик. – Тошкент: Yangi nashr, 2010. (Qosimova N.D. The importance of exemplary social psychological features in the socialization of adolescents. Psychol. fan. nomz.diss. - Tashkent, 2010. -145 p. Ubaydullaeva B.M. Traditions and modernity of Uzbeks in the upbringing of the younger generation. - Tashkent: New edition, 2010.)

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Джураева Нилуфар,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
доценти, тарих фанлари номзоди

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРИХШУНОСЛИГИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ ВА РОЛИ МАСАЛАСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

For citation: Nilufar Dzhuraeva, STUDYING THE ROLE AND PLACE OF WOMEN IN SOCIETY IN THE HISTORIOGRAPHY OF CENTRAL ASIA. Look to the past. 2020, vol. 9, issue 3, pp.20-28

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-9-3>

АННОТАЦИЯ

Мақолада хотин-қизларнинг ижтимоий мавқеи, жамиятда тутган ўрни ва роли масалаларининг Марказий Осиё тарихшунослигида ўрганилиши ёритилган. Мавзу Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон олималарининг илмий-тадқиқот ишлари мисолида таҳлил этилган.

Калит сўзлар: аёллар, ижтимоий фаоллик, ижтимоий мавқе, давлат, сиёсат, шахс, жамият, кадрият, муносабат, миллат, тарбиячи, миллат таянчи.

Джураева Нилуфар,

Узбекский государственный университет мировых языков
доцент, кандидат исторических наук

ИЗУЧЕНИЕ ВОПРОСОВ РОЛИ И МЕСТА ЖЕНЩИН В ОБЩЕСТВЕ В ИСТОРИОГРАФИИ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена исследованию социального статуса женщин, их места и роли в обществе в историографии Центральной Азии. Тема анализируется на примере исследовательской работы ученых из Казахстана, Кыргызстана и Таджикистана.

Ключевые слова: женщины, социальная активность, социальный статус, государство, политика, личность, общество, ценности, отношение, нация, педагог, опора нации.

Dzhuraeva Nilufar,

Uzbek State University of World Languages
associate professor, candidate of historical sciences

STUDYING THE ROLE AND PLACE OF WOMEN IN SOCIETY IN THE HISTORIOGRAPHY OF CENTRAL ASIA

ABSTRACT

The article is devoted to the study of the social status of women, their place and role in society in the historiography of Central Asia. The topic is analyzed on the example of research work of scientists from Kazakhstan, Kyrgyzstan and Tajikistan.

Index Terms: women, social activity, social status, state, politics, personality, society, values, attitude, nation, teacher, support of the nation.

1. Мавзунинг долзарблиги:

Мустақил Ўзбекистонда хотин-қизларга муносабат масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиб келинди. Ўтган йиллар мобайнида аёллар ҳақиқий маънода ўз кадрини топди. Айнан миллий-маънавий кадриятларнинг тикланиши аёлга муносабат масаласини ҳам ўзгартирди. Аёлга миллатнинг ҳақиқий баркамол келажагини яратувчиси, жамиятнинг барча соҳаларидаги фаол шахс сифатида қарала бошланди. Ҳар қандай жамиятнинг маънавий юксаклик даражаси хотин-қизларга бўлган муносабат билан белгиланар экан, шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ давлат ва ҳукумат раҳнамолигида аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ғамхўрлик сиёсати олиб борилди.

Хотин-қизлар масаласи – аёлларнинг оила ва жамиятдаги мавқеи, қонуний манфаатларининг ҳимоя қилиниши, бандлигини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофазалаш каби масалаларни ўзида ифода этган ижтимоий муаммолар мажмуидир.

Жамият тараққиётининг барча босқичларида ўзбек халқи аёллар ижтимоий фаоллигини оширишда тарихан ўзига хос менталитетга эгадир. Аёлларнинг анъанавий равишда ўз Ватанига ва оиласига содиқлик руҳияти маънавият мезони даражасига кўтарилган. Айни пайтда аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш масаласи ечимининг муҳимлиги жиҳатидан ўта мураккаб ва нозик масаладир.

Республика аҳолисининг 50 фоизга яқинини ташкил этган аёлларга ҳам маънавий, ҳам ҳуқуқий, ҳам моддий жиҳатдан фаоллик талаб этган ижтимоий гуруҳ сифатида қаралади. Чунки ижтимоий барқарорлик ва фаровонликни таъминлаш, миллат келажагини асраб қолиш аёлга бўлган муносабат билан белгиланган ва шундай бўлиб қолади.

Президент Ш.Мирзиёев ибораси билан айтганда: “Халқимиз азалдан муқаддас Она зотига, хотин-қизларга доимо юксак эътиром кўрсатиб келади. **Аёлга бўлган ҳурмат-эътибор – бу аввало оилага, жамият келажагига бўлган ҳурмат-эътибор ифодасидир.**

Шу нуқтаи назардан қараганда, “**Ер юзидаги ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси унинг аёлларга нисбатан муносабати билан белгиланади**”, деган ҳикматли сўзларда албатта чуқур маъно бор” [1].

Мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ва мақсадларидан бирига айланиб, хотин-қизларга муносабат масаласи давлат сиёсати ва стратегияси даражасига кўтарилди. Шу ўринда Президент Ш.Мирзиёевнинг кўйидаги фикрларини келтириш мақсадга мувофиқдир: “Ҳозирги глобаллашув даврида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Айниқса, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш давр талабига айланмоқда” [2].

2. Методлар:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-манتيқий таҳлил, кетма-кетлик, ҳолислик тамойиллари асосида ёритилган. Марказий Осиё олималари томонидан совет даври ва мустақиллик йилларида хотин-қизларга муносабат масаласининг ўрганилиши таҳлил этилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Ўзбекистон тараққиётининг янги поғонасида жамият ҳаётининг ижтимоий - иқтисодий ва маданий-маърифий соҳаларида кенг камровли ислохотлар амалга оширилиб, бу

жараёнда сифат ўзгаришлари ва туб муаммоларни ҳал этишда аёлларнинг фаоллиги йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Ҳозирги вақтда мамлакатимизда турли соҳа ва тармоқларда меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчиларнинг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Жумладан, давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 400га яқин опасингилларимиз раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилмоқда. Улардан 17 нафари сенатор, 16 нафари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати бўлиб, 1 минг 75 нафари эса халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари таркибида фаолият юритмоқда” [3].

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам “Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-хунар коллежи битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш” вазифаси белгиланди [4]. Айниқса, 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони хотин-қизлар ва оилага муносабат масалаларида туб бурилиш ясади [5].

Оилалар фаровонлигини таъминлаш, оилалар ва маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитнинг барқарорлигини сақлаш, соғлом турмуш тарзини янада мустаҳкамлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда жамоат ташкилотларининг ижтимоий ҳамкорлигини кенг йўлга қўйиш мақсадида оилаларнинг ижтимоий-маънавий ҳолатини тизимли ўрганишнинг самарали механизмини яратиб, амалиётга тадбиқ этиш ҳамда аҳоли турмуш даражасининг ҳақиқий аҳолини доимий ўрганиб бориш, жойлардаги жамоатчилик вакилларига бу борада услубий қўмаклашиш, оилалардаги мавжуд муаммоларни аниқлаб, уларни бартараф этиш борасида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқиш кўзда тутилди. Айнан мазкур фармонда: “Худудларда аҳоли, айниқса, хотин-қизлар билан мулоқотда бўлиш, оилаларга кириш, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш, хотин-қизлар, ёшлар ва вояга етмаганларнинг манфаатларини таъминлаш мақсадида етук ва масъул мутахассислар томонидан маҳаллаларда сайёр қабуллар ташкил қилиб, зарур ҳуқуқий, психологик ва тиббий ёрдамлар кўрсатилади. Фуқароларнинг маиший муаммо ва камчиликлари жойларда ҳал этилади” [6], дейилган эди. Айни вақтда режада белгиланган ана шу ишлар республиканинг барча худудларида амалга ошириш жойларда оилаларнинг, жумладан, хотин-қизлар ижтимоий аҳолини реал ўрганиш ва тез ҳамда жойида амалий қўмак бериш тизимини шакллантирди, аёлларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг тадбиркорлик, касаначилик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, уй меҳнатини, томорқадан даромад олишни такомиллаштириш учун янада кенг имкониятлар яратди. Буларнинг барчаси кечаги ўзбек аёлининг салоҳияти ва имкониятларидан жамият тараққиёти учун тўла фойдаланилмаган бўлса, бугунги ўзбек аёлининг илмий салоҳияти, маданияти, маънавияти, ишбилармонлиги, тадбиркорлиги, уддабуронлиги, меҳнатсеварлиги мамлакатимиз аҳолисининг ярмини ташкил этаётган хотин - қизларнинг жамиятда ўзларининг муносиб ўрин эгаллашлари, ўз иқтидор ва салоҳиятларини намоён этишлари учун барча шарт-шароитларнинг таъминланаётганлигини билдиради, хотин-қизлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳар томонлама муҳофаза қилиш давлатимизнинг устувор вазифаси эканлигини аниқлатади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласини тарихчи олималардан Р.Х.Аминова, Д.А.Алимова миллий ғоя асосида бугунги кун нуқтаи назаридан тадқиқ этди [7].

Жумладан, Р.Х.Аминова “Қайта қуриш шароитида Ўзбекистонда социал ривожланишнинг долзарб муаммолари” номли рисоласида аёлларнинг олий умумтаълим даражаси уларнинг касбий машғуллигига мос келмаётганлиги, уларнинг кам малакали ёки малакасиз меҳнат билан машғуллиги эркакларга нисбатан ортиқ эканлигини таъкидлаб, шундай деб ёзади: “Жумхурият саноати, қурилиши, қишлоқ хўжалигида қўл меҳнати билан машғул аёллар улуши мамлакатга нисбатан юқори. Республика саноатида қўл меҳнати

салмоғи 35,3фоиз ни ташкил этса, аёллар орасида эса 42,5фоиз дан иборат бўлди. Ҳали аёлларнинг оғир жисмоний меҳнати тугатилмаган” [8, Б.10-11.]. Олима бу муаммоларнинг икки гуруҳини кўрсатиб ўтади, яъни биринчиси, аёллар меҳнати одатда кўп бўлган ишлаб чиқаришда техник жиҳозлаш даражасининг етарли эмаслиги, иккинчиси эса, аёлларни касбга тайёрлаш коникарли даражада эмаслигидан иборат. Тарихчи олима «Қайта куриш» сиёсати турғунлик йилларида тўпланиб қолган хотин-қизларнинг ижтимоий, иқтисодий, маиший ҳаётидаги муаммоларини ошқора айтиш имконини берганлиги, лекин шунга қарамай, 70 йил мобайнида оилада сақланиб қолган эскича муносабатлар аёлларнинг ҳақиқатни айтишларига имкон бермай, уларни чорасизликка, айниқса ички исённи ифода этишнинг энг оғир йўли бўлган – ўзини-ўзи ёқишига олиб келганлигини афсус билан ёзади [9, Б.12].

Д.Алимованинг илмий монографиясида хотин-қизлар муаммоси кенг қамровли хужжатли манбалар ва архив материалларини таҳлил қилиш асосида танқидий равишда ўрганилган [10, -133с]. Ўрта Осиё ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида хотин-қизларнинг тутган ўрни тарихшунослик нуқтаи назаридан ёритиб берилди. Шунингдек, олима хотин-қизлар масаласида – фақат “Хужум” ҳаракати янги асосда баҳоланса-да, унинг тарихи ва “аёллар кооперацияси” масаласи, хотин-қизларнинг аҳволига қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш сиёсатининг таъсири, 1925-29 йиллардаги ер-сув ислохотининг хотин-қизлар эмансипациясидаги роли, ушбу йўналишдаги жамоат ташкилотларининг фаолияти, ижтимоий ишлаб чиқаришга хотин-қизларни жалб қилиш, янги типдаги хотин-қизларнинг шаклланиши билан маданий ривожланишнинг ўзаро алоқадорлиги каби масалалар миллий истиқлол мафкураси асосида ўрганилиши долзарблигича қолганлигини таъкидлайди [11,С.90]. Олиманинг бир қатор илмий мақолаларида оила ва жамиятда аёл мавқеи билан боғлиқ анъанавий, ижтимоий қарашлар ҳамда уларнинг тарихий илдизлари илк бор илмий асосда ёритиб берилди [12, 119б.].

90-йилларнинг иккинчи ярми ва 2000-йилларда янги тарихий тафаккур руҳида, янгича ёндошув ва методология асосида тарих фани ва ижтимоий фанларнинг яъни, иқтисод, фалсафа ва ҳуқуқ сингари деярли ҳамма соҳаларида аёллар аҳволини ўрганишга эътибор қаратилиб, хотин-қизлар масаласига оид бир қатор номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳам ҳимоя қилинган [13]. Ушбу диссертацияларда тадқиқ этилаётган даврдаги совет ҳокимиятининг хотин-қизларга муносабатининг мустамлакачилик моҳияти миллий ғоя асосида, илмий тарзда, холис ёритиб берилган. Лекин, бу тадқиқотларда муаммонинг айрим жиҳатлари ўз ифодасини топган.

Я.А.Абдуллаеванинг “Қорақалпоғистон хотин-қизлари: Кеча ва бугун. XIX асрнинг охири ва XX аср” номли махсус монографияси ва мақолаларига алоҳида тўхтаб ўтиш жоиз, чунки, уларда архив хужжатларига асосланган илмий хулоса ва кенг маълумотлар берилган. Я.А.Абдуллаева ўз монографиясида совет ҳокимияти ва коммунистик партиянинг хотин-қизлар ўртасида олиб борган сиёсатининг қарама-қарши характерга эга бўлганлигини, ижобий ва салбий аҳамият касб этганлигини, улар орасида иш олиб боришнинг махсус иш услублари, шакллари, механизмлари мажмуи яратилганлигини биринчи бўлиб аниқ мисоллар асосида кўрсатиб берган. Советлар ва коммунистик партия томонидан олиб борилган ишларнинг таснифини яратган [14].

2004 йилда Душанбе шаҳрида тадқиқотчи, тарих фанлари номзоди Г.Муҳаббатова “Тожикистон Республикасидаги маданий ўзгаришларга хотин-қизларнинг ҳиссаси:1924-1941 йиллар” мавзусида илмий-тадқиқот иши олиб борган. Диссертацияда мавзунинг долзарблиги аҳолининг 52 фоизини аёллар ташкил этиши, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотларни амалга ошириш, суверен Тожикистонда тинчликни барқарорлаштириш кўп жиҳатдан уларнинг роли ўсишига боғлиқ эканлиги билан белгиланган. Шунингдек, аёлларнинг 20-йилларнинг бошларида халқ таълими ташкил этилиши ва ривожланишидаги роли, катта ёшли аҳоли ўртасида саводсизликни тугатишдаги иштироки, мактаб таълимида аёллар фаолияти, уларнинг маданий-маърифий муассаса ишларига ҳамда профессионал касбий фаолиятга жалб этилиши ҳақида тарихий архив хужжатлари асосида илмий хулосалар берилган [15].

Яна бир тадқиқотчи, тарих фанлари доктори М.Зикриева “Тожикистонда хотин-қизлари масаласининг тарихшунослиги” мавзусида илмий изланиш олиб борган. Диссертацияда Тожикистон мустақиллигини мустақкамлаш билан боғлиқ муаммоларнинг ҳал этилиши аҳолисининг 52 фоизини ташкил этган аёлларнинг ижтимоий мавқеини юксалтиришни амалда таъминлаш билан боғлиқ эканлиги таҳлил этилган [16, 350 с.].

Татьяна Щурко “Совет Қирғизистонида совет даврининг дастлабки йилларидаги (1918-1930 йй.) Хужум: хотин-қизлар озодлиги “синов-тажриба” сифатида” номли илмий мақоласида совет ҳокимиятининг ўрнатилиши нафақат сиёсий тизимнинг ўзгаришига, балки ижтимоий тартиб ва аёлларнинг ҳаётига ҳам таъсир этганини, уларни уй-рўзғор юмушларидан ажратган ҳолда, бола тарбиясига янгича ёндшув асосида “оналик мажбуриятининг бир қисмидан озод қилиш”, бўш вақтни эса таълим ва меҳнат учун сафарбар этиш каби муносабатлар шаклланишига олиб келганлиги таҳлил этилади. Шунга кўра, совет ҳокимияти шаклланишининг дастлабки даври таълим тизимида, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда, болалар муассасалари ташкил этилиши билан боғлиқ жиддий ўзгаришлар билан ажралиб турди. Советлар томонидан “аёлларни озод қилиш” лойиҳаси негизида улардан ишчилар сафини тўлдириш ва ишчи сифатида жамиятдаги мавқеини қайта кўриб чиқиш ҳам режалаштирганини, шунингдек, оиладаги “анъаналарни” ўзгартириш орқали, дефамилизация амалиёти болаларнинг таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини яратиш, таълим муассасаларида ижтимоий хизматларни жорий этиш орқали ривожланиб борганлигини таъкидлайди. Хотин-қизларни “озод қилиш”га йўналтирилган совет модели асосида амалга оширилган чора-тадбирлар аёлларнинг ижтимоий мавқеига жиддий таъсир кўрсатди. Улар таълим олиш, меҳнат қилиш, мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлишди. Шунингдек, оналар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимларининг асослари яратилди. Бироқ, бу каби тадбирлар советлар манфаатида хизмат қилгани ҳолда, миллий ўзига хослик, оилавий қадриятларни инкор қилиш билан боғлиқ ҳолда олиб борилди, тенг ҳуқуқларнинг кафолатлари жамиятдаги аёлларга нисбатан камситиш билан бирлаштирилди. Собиқ иттифоқ парчаланганидан сўнг, совет давлатининг “шарқ аёлини озод қилиш сиёсати”нинг “мажбурий” ва “мажбурловчи” хусусиятига жавобан неоконсерватив тенденцияларнинг кучайиши кузатилди, дея таъкидлайди муаллиф [17].

Хотин-қизларга муносабат масаласида Қозоғистонда тадқиқотчилардан Д.Қосимова, А.Абдуллабекова қабилар ҳам илмий изланиш олиб боришган [18] бўлиб, совет ҳокимиятининг аёлларни “озод қилиш” сиёсати уларни патриархал муносабатлардан халос этиш ниқоби остида ислом дини ва шариат қонун-қоидаларига қарши кураш билан бирга олиб борилганлигини таъкидлашади. Советлар аёлларга рамзий сиёсий капитал сифатида қараб, улардан иқтисодий ресурс, ёш авлодни коммунистик мафкура манфаатлари асосида тарбияловчи ўз сиёсатининг хайрихоҳлари сифатида фойдаланишга ҳаракат қилишганини, шунингдек, ташқи дунёда Ўрта Осиёлик аёллар шарқ аёлларини “озод қилиш” миссиясида эришилган “ютуқлар”да рамзий тимсол бўлишганини қайд этишган [19].

“Хужум” кампанияси, ҳеч шубҳасиз, Ўрта Осиё тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ҳақиқатдан ҳам, **XX асрнинг 20–30-йиллари Ўрта Осиё минтақаси аёллари тақдирини туб бурилиш ясади.** Ўрта Осиё халқларининг дини, тарихи, маданияти, урф-одатини ўзгартиришга қаратилган сиёсат оқибатида аёлларнинг турмуш тарзи, ижтимоий фаоллиги, жамиятдаги ўрни, ижтимоий хулқ-атвори тубдан ўзгарди. **Паранжига қарши “Хужум” ҳаракати бир томондан, аёлларнинг ижтимоий фаоллиги ошишига, турмуш тарзи яхшиланишига, тараққиётга хизмат қилди.** Иккинчи томондан, уларнинг арзон ишчи кучи сифатида оғир меҳнатда эксплуатация қилинишига имконият яратди. Паранжи ташлаш натижасида мамлакат миллионлаб аёллардан иборат арзон ишчи кучига эга бўлди. Жамиятда кўплаб ижтимоий зиддиятларни келтириб чиқарди, оилаларнинг бузилиши, кўплаб аёлларнинг бегуноҳ қурбон бўлишига сабаб бўлди. “Хужум” ҳаракати туфайли Ўрта Осиёда зиёли аёллар қатлами кўпайди. Аммо динни қораламасдан, “Хужум” ҳаракатини ўтказмасдан ҳам аёлларни таълимга жалб этиш мумкин эди.

4. Хулосалар:

Замонавий жамиятда аёлларнинг ўз-ўзини идентификация қилиш жараёни ўзгариб, уларнинг ижтимоий мавқеи, маданият ва таълим даражаси тобора ўсиб бормоқда. Бу жараён кўпгина тадқиқотчиларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этгани ҳолда, хотин-қизлар муаммолари билан шуғулланиш тасодифий ҳол эмаслигида намоён бўлмоқда. Айниқса, хотин-қизлар масаласининг жаҳон миқёсида умумижтимоий ҳодиса сифатида эътироф этилиши ҳамда аёллар муаммосининг изчиллик билан бартараф этиб боришга ҳаракат қилиниши, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги кенг иштироқи хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини ошириб, уларга турли хилдаги кенг фаолият майдонини яратиб бермоқда. Натижада улар иқтисодий мустақилликка эга бўлгани ҳолда, ўз истеъдод ва қобилиятларини тўла намоён этиш имкониятига эга бўлдилар. Бу жараён деярли барча мамлакатларнинг аёллар масаласи бўйича олиб бораётган сиёсатини, уларга нисбатан муносабатини ўзгартиришига олиб келди. Миллат ва жамият келажаги аёл фаолиятининг иштироқи билан тўлиқ эканлигининг эътироф этилиши, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида илм-фан, техника, ишлаб чиқаришда, бошқарувда уларнинг фаол иштирок этишига эришилган тақдирдагина жамият ўз ривожиди мукаммал йўналишга эга бўлиши мумкин эканлигини жаҳон аҳли тўла англаб етди. Шунинг учун ҳам, бугунги глобаллашув ва цивилизациялар тўқнашуви даврида, ҳал қилиниши муҳим саналган, шунингдек, келгусида аёлларнинг иштирокисиз тараққиётга эришиш мумкин бўлмаган замонавий жамиятда хотин-қизларнинг ўрни ва ролини янада ривожлантириш муаммолари илгари сурилмоқда. Эндиликда, инсоният тараққиётини ўрганиш билан шуғулланувчи кўпгина мутахассислар томонидан кишилиқ жамиятининг барча соҳаларида аёлларнинг ролини ўрганмасдан туриб, инсоният томонидан босиб ўтилган тарихий йўлни ва тараққиётни тўлиқ англаб бўлмайди, - деб ҳисобланмоқда. Хусусан, хотин-қизлар тарихи бўйича машҳур тадқиқотчи Гизелла Бокнинг куйидаги фикрига эътибор қаратинг: “Ўтмишда хотин-қизларнинг тажрибаси, фаолияти, ҳаёт соҳаси тарихий қимматга эга эмасдек туюлгани учун ҳам эътибордан четда қолган. Ваҳоланки, хотин-қизлар тарихи “эркаклар тарихи каби умумий ҳисобланиши керак [20,Б.367], ... чунки у нафақат инсониятнинг ярмига, балки ҳаммасига тегишлидир”[21,Б.371]. Хотин-қизлар тарихининг яна бир таниқли тадқиқотчиси Джоан Келлининг фикрича, “гап тарихга хотин-қизларни қайтариш тўғрисида эмас, балки аввало хотин-қизларга тарихни қайтариш ҳақида бормоқда. Бундай эътибор тарихдаги хотин-қизларгагина эмас, балки хотин-қизлар тарихига боғлиқ бўлса-да, айти пайтда алоҳида турдаги тарих, яъни бутун дунё аёлларининг аёл сифатидаги тарихидир”.

Иктибослар/ Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисидаги нутқи // 22.06.2019. (Speech of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the twentieth plenary session of the Senate of the Oliy Majlis // 22.06.2019).
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисидаги нутқи. 22.06.2019. (Speech of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the twentieth plenary session of the Senate of the Oliy Majlis. 22.06.2019).
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 8 март - Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан байрам табриги // 2018 йил 7 март (Congratulations of the President of the Republic of Uzbekistan Sh. Mirziyoyev on the occasion of March 8 - International Women's Day // March 7, 2018)
4. «Женщины в бизнесе и управлении». Доклад Международной организации труда. 2017. <http://www.mk.ru/social/2017/01/13/doklad-mezhdunarodnoy-organizacii-truda-dolya-zhenshinrukovoditeley-vmire- vsego-5.html>.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан

- такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони// lex.uz (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 2, 2018 "On measures to radically improve the activities in the field of support of women and strengthening the institution of the family" // lex.uz)
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947- сон Фармон, 223,238- бандлар//lex.uz (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. 4947 of February 7, 2017 "On the Strategy of further development of the Republic of Uzbekistan", paragraphs 223,238 // lex.uz)
 7. Алимова Д.А. Женский вопрос в Средней Азии: История изучения и современные проблемы.-Т.: Фан, 1991. -133с; Алимова Д.А. «Хужумга зарурат бормиди?»//Ўзбекистон адабиёти ва санъати – 1992, 11 сентябрь; Алимова Д.А. Ўзбекистон ижтимоий фанларида хотин-қизлар муаммоларининг ўрганилиши ва муаммолари // Ўзбекистонда оила, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг роли ва гендер муаммолари. –Т.: Фан. 1999. Б.16-20. (Alimova D.A. Women's question in Central Asia: History of study and modern problems. –Т.: Fan, 1991. -133p; Alimova D.A. "Was there a need for an attack?" // Literature and Art of Uzbekistan - September 11, 1992; Alimova D.A. The study and problems of women in the social sciences of Uzbekistan // The role of women and gender issues in the construction of the family, state and society in Uzbekistan. –Т.: Science. 1999. –P.16-20)
 8. Аминова Р.Х. Қайта қуриш шароитида Ўзбекистонда социал ривожланишнинг долзарб муаммолари. -Т.: Фан. 1991.Б.10-11. (Aminova R.X. Current issues of social development in Uzbekistan in the context of reconstruction. –Т.: Fan. 1991. –P.10-11.)
 9. Аминова Р.Х. Қайта қуриш шароитида Ўзбекистонда социал ривожланишнинг долзарб муаммолари. -Т.: Фан. 1991. –Б.12. Aminova R.X. Current issues of social development in Uzbekistan in the context of reconstruction. –Т.: Fan. 1991. –P.12.
 10. Алимова Д.А. Женский вопрос в Средней Азии: История изучения и современные проблемы.-Т.: Фан, 1991. -133с. (Alimova D.A. Women's question in Central Asia: History of study and modern problems. –Т.: Fan, 1991. -133p)
 11. Алимова Д.А. Женский вопрос в Средней Азии... -Т.: Фан, 1991. –С. 90. (Alimova D.A. Women's question in Central Asia: History of study and modern problems. –Т.: Fan, 1991. –P.90)
 12. Алимова Д.А. Мы не должны быть обществом, пропитанным идеей превосходства мужчин // Ташкентская правда.1997, 26 март; Ўзбекистонда оила, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг роли ва гендер муаммолари. –Т.: Фан, 1999.-77б; Ўзбекистон хотин-қизлари: кеча ва бугун.-Т.: 2005.-119б. (Alimova D.A. We should not be a society saturated with the idea of male superiority // Tashkentskaya Pravda. 1997, 26 March; The role of women and gender issues in the construction of the family, state and society in Uzbekistan. –Т.: Science, 1999.-77b; Women of Uzbekistan: yesterday and today.-Т.: 2005.-119p.)
 13. Эргашходжаева Г.Э. Французская историография о проблемах эмансипации женщин Средней Азии в 20-годы (Литература 50-80-х годов).Автореф. дисс...к.и.н –Т.: 1996. -22; Қ.В.Нишонбоева. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласини ҳал этишнинг маданий жиҳатлари.Т.ф.н дисс. Автореф. –Т.: 1998. -28с; Холматова М. Оилавий муносабатлар маданиятини такомиллаштириш ва соғлом авлодни тарбиялаш муаммолари. Фалсафа.фан.докт...дисс. автореф. –Т.: 1998. -53б; Насруллаева Х. Ўзбекистонда хотин-қизлар ижтимоийлашуви жараёнининг фалсафий таҳлили. Ф.ф.н. дисс. Автореферати. –Т.: 2000. -20с; Маткаримова Г.А. Гендерные и репродуктивные права женщин в международном и национальном праве. Автореф. дисс. д-ра юрид.наук. –Т.: 2002.-41с.; Сафоева С.Х. Аёллар масаласи: умумижтимоий ва миллий жиҳатлари. Фалсафа.фан.номз...дисс. автореф. –Т.: 2002. -20б; Ражабова Д.Н. Проблемы молодёжи и женщин в воззрениях джадидов Туркестана (конец XIX-начало XX вв.).Автореф.дисс...к.и.н -Т.:2003. -27с;Муравьёва Н.М. Социально-философский

- анализ повышения социального статуса женщин. Автореф. дисс...к.ф.н. –Т.: 2003.-26с.; Жўраева Н.Д. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни (XX асрнинг 20-30 йиллари). Т.ф.н дисс. Автореф. –Т.: 2004. -33с.; Ходжаева С.А. Правовая культура и проблемы развития социально-правовой активности женщин Республики Узбекистан. Авт. дисс. ... канд. юрид. н. –Т., 2004; Эгамбердиева Т.А. Ўзбекистон Республикаси маънавий ҳаётида аёллар фаоллигини оширишнинг ижтимоий-педагогик асослари. Педаг. ф.докт. авт. –Т.: 2005; Абдуллаева Я.А. Женский вопрос в Каракалпакстане в конце XIX-XX. Авт. дисс.... докт. ист. н. –Т., 2005; Ганиева Г.Ж. Женский вопрос в Узбекистане: новые подходы, проблемы и решения. Авт. дисс... канд. истор. н. –Т., 2006; Каримова М.А. Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий муҳофазалашда исломий кадрятларнинг ўрни. Ф.ф.н дисс. Автореф. –Т.: 2008. -26с; Насретдинова Д.М. “Туркистоннинг маданий ҳаётида татар-бошқирд аёлларининг тутган урни (XIX аср охири - XX асрнинг биринчи чораги). Т.ф.н дисс. Автореф. –Т.: 2011. -29с. (Ergashxodjaeva G.E. French historiography on the problems of emancipation of women in Central Asia in the 20s (Literature 50-80-x years) .Author. diss... k.i.n –Т .: 1996. -22; Q.V.Nishonboeva. Cultural aspects of addressing women's issues in Uzbekistan.T.f.n diss. author. –Т .: 1998. -28s; Xolmatova M. Problems of improving the culture of family relations and raising a healthy generation. Falsafa.fan.dokt... diss. author. –Т .: 1998. -53b; Nasrullaeva X. Philosophical analysis of the process of socialization of women in Uzbekistan. F.f.n. diss. Abstracts. –Т .: 2000. -20s; Matkarimova G.A. Gender and reproductive rights of women in international and national law. Author's abstract. diss. Doctor of Law –Т .: 2002.-41p.; Safoeva S.X. The issue of women: social and national aspects. Falsafa.fan.nomz... diss. author. –Т .: 2002. -20p; Rajabova Problems of youth and women in the views of the Jadids of Turkestan (late 19th-early 20th centuries) Abstract of the thesiski.n-Т.: 2003. -27s; Muravyova N.M. Socio-philosophical analysis of increasing the social status of women. Author's abstract. Diss ... Ph.D. –Т .: 2003.-26p; Jo'raeva N.D. The role of women in the socio-economic and cultural life of Uzbekistan (20-30 years of the XX century). T.f.n diss. Autoref. –Т .: 2004. -33p; Khodjaeva S.A. Legal culture and problems of development of social and legal activity of women in the Republic of Uzbekistan. Avt. diss. ... cand. jurid. n. –Т., 2004; Egamberdieva T.A. Socio-pedagogical bases of increasing women's activity in the spiritual life of the Republic of Uzbekistan. Pedag. Ph.D.....avt. –Т.: 2005; Abdullaeva Ya.A. Women's issue in Karakalpakstan at the end of XIX-XX. Auth. diss....doct. ist. n. –Т., 2005; Ganieva G.Zh. Women's issue in Uzbekistan: new approaches, problems and solutions. Auth. diss ... cand. history. n. –Т., 2006; Karimova M.A. The role of Islamic values in the social protection of women in Uzbekistan. F.f.n diss. Autoref. –Т.: 2008. -26p; Nasretdinova D.M. The role of Tatar-Bashkir women in the cultural life of Turkestan (end of the XIX century - the first quarter of the XX century). T.f.n diss. Autoref. –Т .: 2011. -29p.
14. Абдуллаева Я.А. Қорақалпоғистон хотин-қизлари: Кеча ва бугун. XIX асрнинг охири ва XX аср. –Т.: Ижод дунёси. 2004. –224б; Ўша муаллиф. Қорақалпоғистонда совет ҳокимиятининг мажбурий колхозлаштириш сиёсати ва қишлоқ аёлларининг қатағон қилиниши //Ўзбекистон тарихи. 2002. №2. –Б. 40-45; Ўша муаллиф. Мустабид совет тузуми инқирозининг айрим сабаблари ва унинг хотин-қизлар аҳволига таъсири (Қорақалпоғистон мисолида) // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2004. №1. –Б. 42-45; Ўша муаллиф. Топталган ҳуқуқ ёки мустабид тузум қатағонлари // Ҳаёт ва қонун. 2004. №2. Б. 58-59; Ўша муаллиф. Эътиқодга хуруж // Тафаккур. 2004. №2. –Б. 90-92. (Abdullaeva Ya.A. Women of Karakalpakstan: Yesterday and Today. The end of the XIX century and the XX century. –Т.: The world of creativity. 2004. –224p; That author. The policy of compulsory kolkhozization of the Soviet government in Karakalpakstan and the repression of rural women // History of Uzbekistan. 2002. №2. –P. 40-45; That author. Some causes of the crisis of the dictatorial Soviet regime and its impact on the situation of women (on the example of Karakalpakstan) // Democratization and human rights. 2004. №1. –P. 42-


- 45; That author. Repressed oppressed law or tyrannical regime // Life and law. 2004. №2. –P. 58-59; That author. Attack on faith // Tafakkur. 2004. №2. –P. 90-92.)
15. Мухаббатова Г. Вклад женщин в проведение культурных преобразований в Республике Таджикистан:1924-1941 гг. : диссертация ... доктора исторических наук : 07.00.09. –Душанбе, 2004. 144-с. (Mukhabbatova G. Women's contribution to cultural transformations in the Republic of Tajikistan: 1924-1941. : dissertation ... Doctor of Historical Sciences: 07.00.09. -Dushanbe, 2004. 144-p.)
 16. Зикриева М. Историография проблемы женщин Таджикистана: диссертация ... доктора исторических наук : 07.00.09. – Душанбе, 2002.- 350 с. (Zikrieva M. Historiography of the problem of women of Tajikistan: dissertation ... Doctors of historical sciences: 07.00.09. - Dushanbe, 2002. - 350 p.)
 17. Татьяна Щурко «Худжум»: женская эмансипация в период ранних советских «экспериментов» в Советской Киргизии (1918-1930 гг.) 25.04.2015 г.<http://www.art-initiatives.org/ru/tags/tatyana-shchurko> (Tatyana Shchurko "Khujum": female emancipation during the early Soviet "experiments" in Soviet Kyrgyzstan (1918-1930) 04/25/2015 <http://www.art-initiatives.org/ru/tags/tatyana-shchurko>)
 18. Касимова Д.Б., Абдуллабекова А.М. Женщины. Историография. Советская власть. Традиции. Эмансипация.(Особенности решения «Женского вопроса» в традиционных обществах средней Азии и Казахстана в западной историографии). Вестник КазНПУ. - Алматы , 2015. (Kasymova D.B., Abdullabekova A.M. Women. Historiography. Soviet authority. Traditions. Emancipation. (Features of the solution of the "Women's question" in traditional societies of Central Asia and Kazakhstan in Western historiography). KazNPU Bulletin. - Almaty, 2015.)
 19. Касимова Д.Б., Абдуллабекова А.М. Женщины. Историография. Советская власть. Традиции. Эмансипация.(Особенности решения «Женского вопроса» в традиционных обществах средней Азии и Казахстана в западной историографии). Вестник КазНПУ. - Алматы, 2015. (Kasymova D.B., Abdullabekova A.M. Women. Historiography. Soviet authority. Traditions. Emancipation. (Features of the solution of the "Women's question" in traditional societies of Central Asia and Kazakhstan in Western historiography).
 20. Қаранг: Г.Бок. История, история женщин, история полов//Гендер таджикоти асослари курси хрестоматияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2003. –Б. 367 (G.Bok. History, history of women, history of sexes // Chrestomathy of the course of the basics of gender research. –Tashkent: Uzbekistan, 2003. –P. 367)
 21. Гендер таджикоти асослари курси хрестоматияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2003. –Б.371 (Chrestomathy of the course of the basics of gender research. –Tashkent: Uzbekistan, 2003. – P.371)

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Жумагулов Анвар Бахтиёр ўгли,
Ўзбекистон Миллий университети
мустақил изланувчи
E-mail: ozodbek.radjabov.94@inbox.ru

ЭТНОИҚТИСОДИЁТ: ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА ҚАРАШЛАР

For citation: Anvar Jumagulov, ETHNO ECONOMY: MODERN APPROACHES AND VIEWS. Look to the past. 2020, vol. 9, issue 3, pp.29-34

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-9-4>

АННОТАЦИЯ

Жаҳонда аҳоли сонининг тез ўсиши, глобаллашув ва урбанизация жараёнларининг жадаллашуви, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг тобора ортиб бориши хўжалик тизимининг интенсив тараққиётини тақозо этмоқда. Бу эса жаҳоннинг турли маданий-хўжалик ареалларида инсонларнинг турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган ривожланиш тенденцияларини турли тарихий даврлар контекстида ўрганишга бўлган қизиқишнинг ортишига олиб келмоқда. Зеро, БМТнинг минг йиллик тараққиёт мақсадларида ҳам қишлоқ хўжалигининг интенсив ривожланишини таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашни назарда тутган устувор йўналишлар белгилаб берилган. Ушбу мақолада этноиқтисодиёт тушунчаси, унинг замонавий талқинлари таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: интенсив тараққиёт, қишлоқ хўжалигидаги инновациялар, этноиқтисодиёт, иқтисодий муносабатлар, аграр тарих, этник бирлик.

Жумагулов Анвар Бахтиёрович,
Независимый научный сотрудник
Национального университета Узбекистана
E-mail: ozodbek.radjabov.94@inbox.ru

ЭТНОЭКОНОМИКА: СОВРЕМЕННЫЕ ПОДХОДЫ И ВЗГЛЯДЫ

АННОТАЦИЯ

Быстрый рост мирового населения, ускорение глобализации и урбанизации, растущий спрос на сельскохозяйственную продукцию требуют интенсивного развития экономической системы. Это привело к возрастанию интереса к изучению тенденций развития в контексте различных исторических периодов с целью улучшения условий жизни людей в различных культурных и экономических регионах мира. Действительно, Цели развития тысячелетия ООН также устанавливают приоритеты для обеспечения интенсивного развития сельского хозяйства и дальнейшего повышения уровня жизни населения. В статье анализируется концепция этноэкономики, ее современные интерпретации.

Ключевые слова: интенсивное развитие, инновации в сельском хозяйстве, этноэкономика, экономические отношения, аграрная история, этническое единство.

Jumagulov Anvar,

Independent researcher at the National University of Uzbekistan

E-mail: ozodbek.radjabov.94@inbox.ru

ETHNO ECONOMY: MODERN APPROACHES AND VIEWS

ABSTRACT

The rapid growth of the world's population, the acceleration of globalization and urbanization, the growing demand for agricultural products require intensive development of the economic system. This has led to a growing interest in studying development trends in the context of different historical periods aimed at improving the living conditions of people in different cultural and economic areas of the world. Indeed, the UN Millennium Development Goals also set priorities for the intensive development of agriculture and the further improvement of living standards. This article analyzes the concept of ethnoeconomics, its modern interpretations.

Index Terms: intensive development, innovations in agriculture, ethno-economy, economic relations, agrarian history, ethnic unity.

1. Долзарблиги:

Ўзбекистон тарихида иқтисодий муносабатлар, аграр соҳадаги ўзгаришлар, ўзбек халқининг анъанавий хўжалик тизими, унинг тараққиёт динамикаси каби масалаларга бағишланган қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Бироқ хўжаликнинг турли тарихий даврлардаги ривожланиш тенденцияларини алоҳида минтақалар мисолида ўрганиш масаласига бир қадар кам эътибор берилган. Айниқса, ўзбек давлатчилиги тарихида ўзига хос ўринга эга бўлган хўжалик муносабатларини тарихий-хронологик изчиллик, худудий-муаммовий ёндашув асосида очиб бериш ватанамиз тарихини янги маълумотлар билан бойитиш имконини беради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Ўзбекистон ўзининг иқтисодий салоҳияти, муҳим географик ўрни, табиий имкониятлари билан минтақа тараққиётида алоҳида аҳамиятга эга” [1].

Ҳозирги даврда алоҳида минтақалар ривожини ёки иқтисодий тараққиётини халқаро муносабатлардан ташқарида тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, мустақиллик йилларида Ўзбекистон кишлок хўжалиги БМТ, Европа Иттифоқи, Жаҳон Банки, Осиё Тараққиёт Банки каби қатор халқаро ташкилотларнинг тараққиёт дастурларига мос равишда ривожланмоқда. Ўзбекистон умумжаҳон иқтисодий интеграциясига фаол қўшилиб, янгича аграр муносабатлар ва ислохотлар жадал амалга оширилмоқда. Албатта, бу каби иқтисодий ўзгаришлар ва аграр ислохотлар жараёнида халқнинг асрлар давомида шаклланган хўжалик анъаналари, тажрибаларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш кўзда тутилган давлат дастурида аграр соҳада инвестицион муҳитни янада жадаллаштириш, кишлок хўжалигини ҳар бир минтақанинг табиий-географик шароити, экологик ҳолати ҳамда аҳолининг азалий хўжалик тажрибалари асосида йўлга қўйишга қаратилган ва шу билан биргаликда кенг қўламда олиб борилаётган ислохотлар жараёни тадқиқотнинг заруратини белгилайди [2].

“Этнос” ва “иқтисодиёт” тушунчалари бир қарашда бир-биридан узок, ўрганилиш доираси турли хил бўлган фан тармоқларини англатади. Лекин, кўз ўнгимизда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг тадрижий тараққиёти бу икки тушунчани яхлит ҳолатда ўрганиш ва тадқиқ қилиш заруриятини юзага келтирмоқда. Этноиқтисодиёт тушунчасини таҳлил қилишдан олдин, “этнос” ва “иқтисодиёт” терминларига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. “Этнос”-юнонча “ethnos”-қабила, халқ, гуруҳ сўзларидан келиб чиққан бўлиб, муайян худудда яшовчи умумий тил, маданият, хўжалик шаклларига эга бўлган аҳоли қатламларини англатади [3]. “Иқтисодиёт” тушунчаси эса жамиятнинг хўжалик фаолияти,

ишлаб чиқариш, меҳнат тақсимоти, ўзаро айрибошлаш ва истеъмол фаолиятларининг умумий йиғиндиси ҳисобланади[4].

Жаҳон миқёсида содир бўлган иқтисодий муносабатлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, турли минтақаларда яшовчи турли халқлар ва элатларнинг ўзига хос меҳнат тақсимоти кўринишидаги хўжалик фаолиятларига гувоҳ бўлиш мумкин. Масалан, қайсидир бир ҳудуднинг аҳолиси моҳир деҳқон ва зироатчи бўлса, бошқа бир ҳудудда ўз ишининг усталари бўлган ҳунармандлар истиқомат қилишган. Учинчи жойда эса қизиққон ва уддабурон савдогарлар фаолият юритган. Хўжалик алоқаларининг бундай кўринишдаги дастлабки ихтисослашуви бир томондан шу ҳудуд аҳолисининг этник хусусиятлари билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан табиий-иқлим шароитлари ва ресурслар, хўжаликлараро муносабатлар ва истеъмол талаби ва унга яраша ишлаб чиқариш жараёнлари, шунингдек, ташқи савдо алоқалари билан чамбарчас боғлиқ бўлган.

Муайян кишилар гуруҳининг хўжалик юритиш тизимлари асосида ўзаро боғлана бошлаши, ҳудудий, тил ва маданий белгиларнинг ишлаб чиқариш ва товар айрибошлаш муносабатларига бевосита таъсир ўткази бошлаши натижасида дастлабки этноиктисодий тизимлар ва муносабатлар шакллана бошлади.

Узоқ тарихий даврлар давомида содир бўлган тадрижий ўзгаришлар ва янгиланишлар локал иқтисодий тизимларни ижтимоий-тарихий ва табиий-иқлим факторлари таъсирида ўзгартириб борди. Ана шундай трансформацион жараёнларда асосий ролни этник миграция бажариб, назарда тутилаётган гуруҳлар кўчиш натижасида янги ўзлаштирилган ерларга ўзларининг анъанавий хўжалик маданиятини олиб киришди[5]. Этник мигрантлар кўчиб келишган маконда ўзларининг ишлаб чиқариш муносабатларини йўлга қўйишди. Аммо, мавжуд иқтисодий ресурслар ва туб аҳолининг азалий ишлаб чиқариш қадриятлари билан кўпинча ҳисоблашишмас эди[6]. Натижада ерлик туб аҳолининг иқтисодий муносабатлари ва маданий-хўжалик типларига шикаст етиб, йўқликка маҳкум бўлар эди. Айнан мана шу жиҳат ҳозирги кунда жуда кўплаб тадқиқотчилар таъкидлаётганидек, локал цивилизациялар ва хўжаликлар тарихини ўрганишда соҳалараро комплекс ёндашув, тармоқли иқтисодий таҳлил, ижтимоий ва когнитив антропология методларидан фойдаланиш заруриятини юзага келтирмоқда.

Иқтисодий муносабатлар ва ишлаб чиқаришдаги устунлик антропоген омилга боғлиқ бўла бошлар экан, этник мансублик бевосита ушбу жараёнга таъсир этмасдан қолмайди. Иқтисодий муносабатлар тарихига антропологик ёндашув эса локал ва этноиктисодиёт муаммоларини ечишда асосий омил бўлиб хизмат қилади[7].

2.Методлар:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-манتيкий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, этноиктисодий тизимларнинг вужудга келиши, ривожланиши ва тараққиёти, бугунги ривожланган иқтисодий муносабатлар тизимидаги ўзига хос ўрни масалалари таҳлил этилган.

3.Тадқиқот натижалари:

Бугунги кунга келиб бир қанча хориж тадқиқотчилари этноиктисодиёт атамасини изоҳлашга ҳаракат қилмоқдалар. Чунончи, “иқтисодиёт этник иқтисодиётга айланиши учун ушбу ҳодисани муайян этник гуруҳга мансуб бўлган кишилар жамоаси бошқармоғи лозим[8]”. Бошқа бир ғарб тадқиқотчиси ҳам “иқтисодий муносабатлар ва тузилмаларнинг асосий манбаси этник ресурсга таянсагина бу этноиктисодиёт бўла олади” –деган фикрни илгари сурмоқда[9].

Этноиктисодиётнинг бир қанча белгилари мавжуд бўлиб, булар қаторида:

- Муайян этник гуруҳагина хос бўлган машғулот;
- Этник асосдаги маданий-хўжалик типлари;
- Ушбу хўжаликда ёлланиб ишловчи этник ишчилар қатлами[10].

Бизнинг фикримизча, контекста назарда тутилаётган хўжалик шакллари муайян фойда олишни ўзига мақсад қилиб қўйган дастлабки тадбиркорлик хўжаликларини англатади. Ўз навбатида бу субъект хўжалик юритишнинг турли масштабдаги

кўринишларини ҳам ўзида акс эттириши мумкин. Бу ҳолатда индивидуал этник фаолиятдан(масалан, хунармандчилик) оилавий тадбиркорлик хўжалик фаолиятигача бўлган босқичларни босиб ўтиши мумкин. Россиялик тадқиқотчилар томонидан бу ҳолатга нисбатан “этник бизнес” ёки “этник тадбиркорлик” атамасини қўллаш таклиф қилинмоқда[11].

Р.Ю.Тагиров этник тадбиркорлик масаласини икки томонлама талқин қилиш зарур деб ҳисоблайди. Биринчидан, ушбу иқтисодий тизим кўп сонли бўлмаган халқ, этник гуруҳнинг менталитети, ўзига хос ишлаб чиқариш ва хўжалик юритиш тартиби, маиший турмуш жиҳатларини ўз ичига олса, иккинчи томондан муайян ҳудудга кўчиб бориб, ўрнашган хўжалик шакллари юзага келтирган этник мигрантлар фаолиятининг натижаси ҳисобланади[12]. Этник тадбиркорлик уруғ-жамоа кўринишидаги майда товарлар ишлаб чиқарувчи этник тармоқдан бирор-бир ҳудудни тўлиқ эгаллайдиган хўжалик-маданий типгача бўлган босқични босиб ўтади.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш лозимки, этник иқтисодиётни мигрантлар фаолиятига боғлаб талқин қилиш ҳам жуда кўплаб олимларнинг мунозараларига сабаб бўлмоқда[13]. Этник иқтисодиёт таркибидаги этнос ёки этниклик элементи мигрантларнинг ижтимоий тизимида муайян рол ўйнаб, уларни ўзаро бирлаштириб туриши мумкин, лекин иқтисодий муносабатлар ва иқтисодий фаолиятда этник мансублик асосий фактор вазифасини ўтамайди[14].

Этноиктисодиёт тизимлари ҳақидаги нисбатан мукамал фикр ва қарашлар К.В.Павловнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган бўлиб, у этноиктисодиёт тушунчасини кўп тармоқли эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, ҳар бир халқ ўзининг муайян иқтисодий фаолият турига эга ва ушбу фаолият турлари узоқ тарихий даврлар давомида халқ ва миллатларнинг хўжалиги, маданияти, маиший турмуши ва албатта табиий-иқлим шароитларига асосланиб шакллана боради. “Этноиктисодиёт-урф-одат ва анъаналар, маданият, психология, мафкура ва диний қарашлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари ва ишлаб чиқариш кучларининг ўзаро алоқа ва таъсири натижасидир”-деб, таъкидлайди К.В.Павлов[15].

Бошқа бир тадқиқотчи С.В.Паникарова ҳам К.В. Павлов фикрларига қўшилган ҳолда этноиктисодиёт тушунчасига институционал ёндашув зарурлигини қайд этиб ўтади. “Этноиктисодиёт- бу қонуний ва қонундан ташқари ҳолатдаги икки ва ундан ортиқ иқтисодий агентларнинг ўзаро муносабатга киришиши ҳисобланиб, ҳудудий маданий-хўжалик типларининг автохтон асосдаги фаолиятида юзага келадиган талаб ва эҳтиёжларини таъминлашни ўзига мақсад қилиб қўяди[16].

Этноиктисодиёт муаммосини ёритишга ҳаракат қилган яна бир рус олими Л.А.Узденова этноиктисодиёт тушунчасини бирор бир ҳудуднинг анъанавий меҳнат фаолияти натижасида вужудга келадиган ҳудудий маданий-хўжалик типларининг бир шакли деб, ҳисоблайди[17]. С. Баранов этноиктисодиётнинг асосий белгилари сифатида куйидагиларни ажратиш кўрсатади:

- ишлаб чиқариш фаолиятидаги чекланган алоқалар;
- маданий-хўжалик типларининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолатдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашув;
- ҳудудда мавжуд хомашё ресурсларидан фойдаланиш;
- меҳнатнинг индустриалашмаган характери;
- билим ва тажрибага асосланган ишлаб чиқариш жараёни;
- ишлаб чиқариш усулларининг аجدодлардан авлодларга ўтиб бориши;
- ишлаб чиқариш жараёнида ресурслар ва хизматлар алмашинувининг ноформаллиги;
- меҳнат тақсимотининг нотекислиги каби хусусиятларни ўзида акс эттиради[18].

М.О.Шандировнинг фикрига кўра, этноиктисодиёт этносларнинг маиший, маданий-хўжалик типларининг экзоген ва эндоген таъсирлари остида шаклланади ва ривож топади[19]. Ўз-ўзидан ишлаб чиқаришнинг этноиктисодиёт кўринишига келишида этнослар антропоген асос бўлган маданий-хўжалик типларининг маиший кўринишидаги ишлаб чиқариш технологиялари ва қадриятлари мустаҳкам сақланиб қолади.

4. Хулосалар:

Ушбу мақолада биз этноиктисодиёт тушунчасига хорижлик олим ва тадқиқотчилар томонидан билдирилган фикрлар, таърифларни таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Шунингдек, этноиктисодий тизимларнинг вужудга келиши, ривожланиши ва тараққиёти, бугунги ривожланган иқтисодий муносабатлар тизимидаги ўзига хос ўрни масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Этноиктисодиёт-маданий-хўжалик типлар ва ҳудудий ишлаб чиқариш тизимларининг алоҳида механизми бўлиб, ташқи таъсирлар остида бугунги кунда трансформация ва модернизацияга учраётганлиги, этник идентикликка асосланган инсон капиталининг ишлаб чиқариш муносабатларидаги эффектив иштирокини таъминлаган ҳолда мамлакатлар ва давлатлар иқтисодиётини ривожлантириш, автохтон жамият қатламларини иқтисодий потенциал сифатида талқин қилиниши масалаларини кўриб чиқдик.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклиф ва тавсиялар берилди:

1. Ўзбекистон тарихида хўжалик тарихи масалалари тарихий-хронологик ёндашув асосида ўзбек давлатчилиги тарихида муҳим ўрин тутган алоҳида минтақалар мисолида тадқиқот ишларини янада кенгайтириш. Қўлёзма манбалар, тарихий асарлар, архив ҳужжатлари асосида хўжалик тарихига доир янги маълумотларни илмий истемолга олиб кириш. Шунингдек, хўжалик муносабатларига доир археологик, этнографик материаллардан хўжалик тарихини батафсил ёритиб беришда самарали фойдаланиш.

2. Музейларда хўжалик тарихини, анъаналарини ёритиб берувчи тарихий-этнографик экспонатлар туркумларини яратиш, Туризм соҳаларини ривожлантиришда сайёҳлар учун агротуризм тарзида деҳқончилик ва чорвачиликнинг илғор анъаналарини акс эттирган оилавий-сулолавий хўжаликлар тажрибаларини намойиш этиш.

3. Тарихий, этнографик материалларда аниқланган воҳада етиштирилган боғдорчилик, мевачилик, сабзавот ва полиз экинларининг биохилма-хиллигини сақлаб қолиш учун ботаник, табиатшунос олимлардан иборат бўлган илмий тадқиқот гуруҳини ташкил этиш.

Иқтибослар/Сноски/References

-
- [1] Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 279. (Mirziyoev Sh. We will build our great future together with our brave and noble people. - Tashkent: Uzbekistan, 2017. - B. 279.)
- [2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли фармонининг 1-илоvasида келтирилган “ 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” // <http://stratgy.regulation.gov.uz> (Annex 1 to the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. 4947 of February 7, 2017 "Strategy of actions on five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021")
- [3] Новейший философский словарь. Минск: КнижныйДом, 1999.-С.230(The latest philosophical dictionary. Minsk: Book House, 1999.-P.230)
- [4] Райзберг Б. А., Лозовский Л. Ш., Стародубцева Е. Б. Современный экономический словарь. М.: ИНФРА-М, 2007.-С.46. (Raizberg BA, Lozovsky L. Sh., Starodubtseva EB Modern economic dictionary. M.: INFRA-M, 2007.-P.46.)
- [5] Тамбиев А.Х. Регион в системе национальной экономики: экономические модели и механизмы регулирования: дисс. д-ра экон. наук. — Ростов-на-Дону, 2000. С. 120.(Tambiev A.Kh. Region in the system of national economy: economic models and mechanisms of regulation: diss. Dr. econ. sciences. - Rostov-on-Don, 2000, p. 120).
- [6] Рязанцев, С. В. Этническое предпринимательство как форма адаптации мигрантов // Обществ. науки [и современность. 2000. № 5. С. 73–86. (Ryazantsev, S. V. Ethnic entrepreneurship as a form of adaptation of migrants // Societies. science [and modernity. 2000. No. 5. P. 73–86.)


- [7] Mazzucato V. Bridging the Gap between Economics and Anthropology: The Use of Ethnoscience in Economic Analyses of Indigenous Economies. URL: http://ifsa.boku.ac.at/cms/fileadmin/Proceeding1996/1996_WS03_29_Mazzucato.pdf
- [8] Light I. The Ethnic Economy // The Handbook of Economic Sociology. Princeton, 1994. P. 646–671;
- [9] Waldinger R. Ethnic Entrepreneurs // Entrepreneurship. The Social Science View. Oxford, 2000. P. 356–388.
- [10] Gladwin C. Production functions and decision models: complementary models // American Ethnologist. 1979. Vol. 6(4). P. 653–667.
- [11] Bonacich E., Modell J. The Economic Basis of Ethnic Solidarity. University of Illinois at Urbana-Champaign's Academy for Entrepreneurial Leadership Historical Research Reference in Entrepreneurship. URL: <https://ssrn.com/abstract=1496171>.
- [12] Тагиров Р. Ю. Этнический фактор в экономике региона: по материалам Ивановской области: автореф. дис. канд. экон. наук: 08.00.01; 08.00.05. Владимир, 2010. (Tagirov R. Yu. Ethnic factor in the regional economy: based on materials from the Ivanovo region: author. dis. Cand. econ. Sciences: 08.00.01; 08.00.05. Vladimir, 2010.)
- [13] Тагиров Р. Ю. Этнический фактор в экономике региона: по материалам Ивановской области: автореф. дис. канд. экон. наук: 08.00.01; 08.00.05. Владимир, 2010. (Tagirov R. Yu. Ethnic factor in the regional economy: based on materials from the Ivanovo region: author. dis. Cand. econ. Sciences: 08.00.01; 08.00.05. Vladimir, 2010)
- [14] Воронков В. Существует ли этническая экономика? // Этничность и экономика: Сб. ст. по материалам Междунар. Семинара, Санкт-Петербург, 9–12 сентября 1999 г. СПб.: Центр независимых социол. исслед., 2000. Вып. 8. С. 42–47. (Voronkov V. Is there an ethnic economy? // Ethnicity and Economics: Sat. Art. based on materials from. Seminar, St. Petersburg, September 9–12, 1999. St. Petersburg: Center for Independent Sociology. Issled., 2000. Issue. 8, pp. 42–47.)
- [15] Бредникова О., Паченков О. Этничность «этнической экономики» и социальные сети мигрантов // Экономическая социология. 2002. Т. 3. № 2. С. 74–81. (Brednikova O., Pachenkov O. Ethnicity of the “ethnic economy” and social networks of migrants // Economic sociology. 2002. Т. 3. No. 2. P. 74–81.)
- [16] Павлов К. В. Этнотерриториальные и национальные модели менеджмента и экономики (о формировании этноменеджмента и этноэкономики) // Национальные интересы: приоритеты и безопасность. 2016. № 9. С. 139–153. (Pavlov K.V. Ethno-territorial and national models of management and economics (on the formation of ethnomanagement and ethno-economics) // National interests: priorities and security. 2016. No. 9. P. 139–153.)
- [17] Паникарова С. В. Трансформация этноэкономики региона в современных условиях (на материалах регионов Южной Сибири): Автореф дис. д-ра. экон. Наук. СПб.: СПбГЭУ, 2013. –С.19. (Panikarova SV Transformation of the ethnoeconomics of the region in modern conditions (on the materials of the regions of Southern Siberia): Author's abstract of thesis. dr. econ. Science. SPb.: SPbGEU, 2013. –S.19)
- [18] Иншаков О. Этноэкономика Юга России: стратегические перспективы в координатах модернизации // Проблемы теории и практики управления. 2008. № 4. С. 8–20. (Inshakov O. Ethnoeconomics of the South of Russia: strategic prospects in the coordinates of modernization // Problems of theory and practice of management. 2008. No. 4. P. 8–20)
- [19] Овчинников В. Н., Колесников Ю. С. Этноэкономика как фактор развития // Проблемы прогнозирования. 2006. № 1. С. 118–123. (Ovchinnikov VN, Kolesnikov Yu. S. Ethnoeconomics as a development factor // Problems of forecasting. 2006. No. 1.S. 118-123.)

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Мамаджанов Аъзамжон,
ЎзР ФА Тарих институти стажёр-тадқиқотчиси
Azamjon.m1991@gmail.com

МАҲАЛЛИЙ ЎЛКАШУНОСЛАР ВА РУС ОЛИМЛАРИ ҲАМКОРЛИГИДА ТУРКИСТОН АРХЕОЛОГИЯ ҲАВАСКОРЛАР ТЎГАРАГИ ФАОЛИЯТИ

For citation: Azamjon Mamadjanov, ACTIVITIES OF THE TURKESTAN ARCHAEOLOGICAL AMATEUR CIRCLE IN COLLABORATION WITH LOCAL GEOGRAPHERS AND RUSSIAN SCIENTISTS. 2020, vol. 9, issue 3, pp.35-40

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-9-5>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муаллиф Туркистондаги осори-атиқалар устида археологик кузатишлар, қидирув ва қисман қазилар ишларини олиб бориш мақсадида ташкил этилган Туркистон ҳаваскор археологлар тўғарагининг фаолияти ва бу соҳада иш олиб борган олимларнинг фикрлари ёритиб берилган. Масаланинг ушбу жиҳати шу пайтга қадар халқаро доирада нашр этилган ишларга қўшимча материал бўлиб хизмат қилади.

Калит сўзлар: Туркистон ҳаваскор археологлар тўғараги, илмий жамиятлар, шарқшунослар, археологик кузатишлар, қазув ишлари, археологик тадқиқотлар, археологик материаллар.

Мамаджанов Аъзамжон,
Стажёр-исследователь Институт истории АН РУз
Azamjon.m1991@gmail.com

ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ТУРКЕСТАНСКОГО АРХЕОЛОГИЧЕСКОГО ЛЮБИТЕЛЬСКОГО КРУГА В СОТРУДНИЧЕСТВЕ С МЕСТНЫМИ ГЕОЛОГАМИ И РОССИЙСКИМИ УЧЕНЫМИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье автор рассказывает о деятельности Туркестанского любительского археологического кружка, созданного для проведения археологических наблюдений, исследований и частичных раскопок артефактов в Туркестане, а также мнения ученых, работающих в этой области. Данный подход к этому вопросу послужит дополнительным материалом к ранее опубликованным работам в международных научных кругах.

Ключевые слова: Туркестанский любительский археологический кружок, научные общества, востоковеды, археологические наблюдения, раскопки, археологические исследования, археологические материалы.

Mamadjanov Azamjon,
Research Assistant Institute of History of the
Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan
Azamjon.m1991@gmail.com

ACTIVITIES OF THE TURKESTAN ARCHAEOLOGICAL AMATEUR CIRCLE IN COLLABORATION WITH LOCAL GEOGRAPHERS AND RUSSIAN SCIENTISTS

ABSTRACT

In this article, the author highlights the activities of the Turkestan amateur archaeological circle, created to conduct archaeological observations, research and partial excavations of artifacts in Turkestan, as well as the opinions of scientists working in this area. This approach to this issue will serve as additional material to previously published works in international scientific circles.

Index Terms: Turkestan amateur archaeological circle, scientific societies, orientalists, archaeological observations, excavations, archaeological research, archaeological materials.

1. Долзарблиги:

Ўз халқи тарихини билиш ва ўзга халқлар маданиятига хурмат билан қараш минтақавий ҳамжиҳатликни мустақамлашга хизмат қилади. Жумладан, ўзбек давлатчилиги ва ривожланиш босқичлари ҳамда XIX-XX аср бошларида кечган турли тарихий-маданий, илмий-амалий жараёнлар маҳаллий маданият билан қўшни цивилизацияларнинг ўзаро таъсири натижасида кечган. Айнан шу боисдан тарихий-маданий алоқалар ва ўзаро муносабатлар илдизларига мурожаат этиш бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга.

Ўрта Осиёни Россия империяси томонидан босиб олиниши ва ўлкада Туркистон генерал-губернаторлигини ташкил этилиши билан рус маъмурлари орасида ўлкани илмий жиҳатдан ўрганиш зарур эканлиги ҳақидаги фикрлар вужудга келган. Дастлаб тартибсиз равишда ўлкани тадқиқ этиш ишлари олиб борилган бўлса-да, кейинчалик бу жараён тизимли ва яхлит ҳолда олиб борилиши кераклиги маълум бўлган. Натижада ўлкада биринкетин илмий жамиятлар ва муассасалар вужудга кела бошлаган.

Рус шарқшунослиги ўзининг илмий фаолияти билан маҳаллий тарихчиликка таъсир кўрсатган. Рус шарқшунослари Ўрта Осиё тарихи юзасидан жиддий тадқиқот ишлари олиб бориш билан бирга, бу ишга ерли тарихчи ҳаваскорларни ҳам жалб қилиш, улар билан ҳамкорликда иш олиб боришга ҳаракат қилган. Туркистонга келган шарқшунослар маҳаллий тарихчи ва ҳаваскорлар ўртасида юриб ва яшаб, Ўрта Осиё тарихи ҳақида муҳим маълумотлар ва асарларни тўплаганлар ҳамда шу ҳақда тушунтириш ишлари олиб борганлар.

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола асосий илмий маълумотларни тизимлаштириш ва умумлаштириш, тарихий-киёсий таҳлил, кўрсатилган хронологик давр доирасида илмий қарашлар ва ёндашувларнинг танқидий таҳлили каби усуллар асосида ёритилган бўлиб, унда Туркистонда ташкил этилган илмий жамиятлар ва муассасалар, хусусан, Туркистон археология ҳаваскорлари тўғарагининг ташкил этилиши ва унинг фаолияти очиб берилган.

Туркистонни илмий жиҳатдан ўрганишдаги жамиятлар каторида Туркистон ҳаваскор археологлар тўғараги ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Туркистон ўлкасининг қадимият ёдгорликлари кўпдан буён олимларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келган. Шунинг учун ҳам XIX аср давомида осори-атиқалар устида археологик кузатишлар, қидирув ва қисман қазиш ишлари олиб борилган. Бу соҳадаги ишлар П.И.Лерх, Н.И.Веселовский, В.А.Жуковский[1], В.В.Бартольд, М.С.Андреев, В.Л.Вяткин, А.Л.Кун, А.А.Семенов, И.Т.Пославский, Н.П.Остроумов, М.Е.Массон[2] ва бошқаларнинг номлари билан боғлиқдир. Шунингдек, Туркистоннинг қадимий ёдгорликларини ҳисобга олиш ва текширишга марказ илмий муассасаларидан Император археология комиссияси, айниқса Рус археология жамиятининг Шарқ бўлими, бундан ташқари, 1903-йилда ташкил қилинган Ўрта

ва Шарқий Осиёни тарихий, археологик, лингвистик ва этнографик жиҳатдан ўрганиш кўмитаси ҳам эътибор билан қараган [3].

В.Л.Вяткин раҳбарлигида 1912 йилдан Афросиёбда ўз тадқиқотларини бошлаган ҳамда 1919 йилдан доимий равишда қазишмаларда иштирок этган М.Е.Массон фаолияти билан Ўрта Осиё археологиясининг алоҳида илмий йўналиш сифатидаги тараққиёти бошланади. Гарчи, М.Е.Массон ва бошқа тадқиқотчиларнинг бу даврдаги фаолиятларида асосий эътибор ёдгорликларни аниқлаш, сақлаб қолиш ва қисман тиклашга қаратилган бўлса-да, бу жараёнда археологик тадқиқотларнинг янги услублари такомиллашиб борган.

XX асрнинг 30-йилларига қадар қўлга киритилган моддий топилмаларни ўрганиш, тавсиф ва таснифлаш ҳамда улар асосида Ўрта Осиё шаҳарлари тарихига доир муҳим хулосалар қилиш борасида ҳали етарлича тажриба тўпланмаган эди. Жумладан, Афросиёб харобаларида айрим тўхталишлар билан 1905, 1907, 1912 ва ундан кейинги йилларда В.Л.Вяткин олиб борган изланишлар туфайли кўплаб моддий ва нумизматик ашёлар қўлга киритилган ва улар асосида махсус асар нашр этилган[4]. Бироқ, қўлга киритилган археологик материалларни таҳлил этиш ва тавсифлашда етарли тажрибанинг тўпланмаганлиги мазкур масалага доир муҳим илмий хулосалар чиқариш имконини бермаган. Кейинчалик В. Шишкин бу масалани таҳлил қилар экан, унинг "...сабаби эса – археологик услубларнинг ҳали етарлича ўзлаштирилмаганлиги ҳамда стратиграфик нуқтаи-назардан маданий қатламларга бўлган эътиборнинг паст даражада бўлганлиги билан" изоҳланади[5], – деган хулосага келган.

Манбалар таҳлилига кўра, Россиядан сафарбар этилган таниқли олимларни икки гуруҳга бўлиш мумкин. Уларнинг биринчи гуруҳига мансуб олимлар ўз ҳукумати топшириғини сидқидилдан бажариб, ўлканинг беҳисоб бойликларини ўзлаштириш, тезкор ташиб кетишда жонбозлик кўрсатганлар, иккинчи гуруҳ Туркистон ўлкаси халқ ҳаёти, ер ости, ер усти бойликларини ҳақиқий илм-фан нуқтаи назаридан ўрганиб, фан равнақиға катта ҳисса қўшиш, жаҳон халқларини ўлка ҳаёти, маданияти, табиатига доир ноёб сир-синаотлари билан таништиришдек олимлик бурчини бажарувчилардан иборат бўлган. Аммо бундай тоифали олимлар бармоқ билан санарли даражада кам бўлиб, ҳатто энг таниқли рус олимлари ҳам асосан мустамлакачилик ғоялари ва босқинчилик урушларига мойиллик билдирар эдилар.

Россия империяси Ўрта Осиё ҳудудини эгаллагандан сўнг фаол равишда янги босиб олинган ерлардан кўпроқ иқтисодий фойда олиш, маҳаллий аҳолининг тобелигини таъминлаш мақсадида ўлкани ва бу ердаги шарт-шароитларни тизимли ўрганишга ҳаракат қилган. Аммо ўлкада бундай институт, орган ва мутахассисларни мавжуд эмаслиги дастлабки даврда ҳудудни турли илмий жамиятлар фаолияти орқали тадқиқ этишни тақазо этган. Натижада ўлкада Ўрта Осиё илмий жамияти, Рус император географик жамиятининг Туркистон бўлими, Туркистон ҳаваскор археологлар тўғараги, Туркистон қишлоқ хўжалиги жамияти ва бошқа илмий жамиятлар вужудга келган.

Бу хусусида академик В.В.Бартольд Ўрта Осиёнинг ўрганила бошланганлиги ҳақида кўйидагиларни ёзиб қолдирган: "Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил топгандан сўнг, кўп вақт ўтмай илмий фаолият ҳам бошлаб юборилган. Ўлкани ўрганишдан асосий мақсад географик, табиий, статистик муносабатларни билишдир. Аҳоли ва унинг ўтмишдаги аҳоли ҳам муҳимдир" [6]. Бундан маълум бўладики, Ўрта Осиёдаги илмий жамиятлар фаолияти минтақани Россия империяси томонидан ўзлаштиришда катта аҳамиятга эга бўлган.

Ўрта Осиё ҳудудида фаолият олиб борган имий жамиятлар тарихи бўйича машҳур тарихшунос Б.В.Луниининг фикрича, ушбу илмий жамиятлар томонидан йиғилган материаллар замонавий тадқиқотлар учун ҳам катта қизиқиш уйғотган.

3. Тадқиқот натижалари:

Туркистон ўлкасида археологик қидурув, қазиш ишлари анча вақт мустақил олиб борилмаган. Бу жараёндаги 1886-йилга қадар давом этган систематик археологик тадқиқотлар ҳам шулар қаторига киради. 1893-йил 11-декабр куни антропология, этнография, табиатшунослик масалаларига оид ўтказилган йиғилишда Н.П.Остроумов

чиқиш қилиб, келгусидаги археологик тадқиқотларни кўпайтиришни талаб қилиб куйидагиларни таъкидлаб ўтади: “Бизнинг ўлкада археологик ёдгорликлар кўп. Уларни ўрганиб чиқиш зарурдир”. Шунингдек, В.В.Бартольд йиғилиш иштирокчиларини археологик кидирувдаги дастлабки натижалар билан таништирган. Остроумов ва Бартольднинг чиқишлари йиғилиш иштирокчилари томонидан яхши кутиб олинган. Тўғаракнинг низоми 1895 йил 31 октябр куни тасдиқланган. Туркистон ҳавоскор археологлар тўғарагининг очилиши 1895 йил 14-декабр куни амалга оширилган[7]. Тўғарак фаолияти куйидаги йўналишларда олиб борилган:

- а) Туркистон ўлкасидаги ёдгорликлар билан танишиб чиқиш;
- б) Ўлканинг археологик харитасини тузиб чиқиш;
- в) Археологик ёдгорликларни сақлаб қолиш;
- г) Археологик қазувишларини ўлга кўйиш;
- д) Маҳаллий археологик материалларни қайта ишлаш.

1896 йил 22-декабр куни Туркистон ҳавоскор археологлар тўғарагининг йиғилиши бўлиб, унда 47 та аъзокишиларнинг рўйхати тузиб чиқилган.

Кейинчалик тўғаракнинг 108 аъзоси бўлиб, булар орасида В.Л.Вяткин, Д.М.Левшин, Н.С.Ликошин, В.Ф.Ошанин ва бошқа машҳур кишилар ҳам бўлган. Тўғаракда илғор кайфиятдаги рус зиёлиларининг таъсири кучли бўлиб, улар Ўрта Осиё тарихи ва қадимги ёдгорликларига ҳурмат билан қараб, илмий текшириш ишларини бошлаб юборганлар. Тўғаракнинг йиғилишларида археологик масалалар муҳокама қилиниб борилган. 1896 йил 15-декабр куни Тошкентдан Туркистон ҳавоскор археологлар тўғарагининг телеграммаси Рус Археологлар жамиятига юборилган. Туркистон ҳавоскор археологлар тўғараги бу вақтда ўз вазифаларини белгилаб олган.

Ўша даврларда Россия ижтимоий гуманитар фанининг дарғалари ҳисобланган Н.И.Веселовский, В.В.Бартольд, В.Л.Вяткин ва кўплаб бошқа таниқли олимлар ўзларининг Туркистон бўйича ўтказган тадқиқотларида маҳаллий ўлкашунослар, коллекционерлар (машҳур, нодир археологик буюмлар йиғувчи) ва қадимият ҳавоскорларидан катта амалий кўрсатмалар, қимматли ёрлик, маслаҳатлар олганликларини, ўз хотира ва ҳатто илмий асарларида таъкидлаганлар.

Россиядаги октябр давлат тўнтаришигача бўлган давр Ўрта Осиё археологиясини ўрганишда маҳаллий зиёлилар вакилларининг ҳам хизматлари эътиборга сазовор бўлган.

Хусусан, Тошкентлик савдогар Акрам Полвон Асқаров ўзининг кўп сонли, турли даврларга оид қадимий ашёлар коллекцияси (ашёлар тўплами, жамланмаси) билан шуҳрат қозонган. У Н.И. Веселовский раҳбарлигида Туркистонда ўтказилган қазув-кидирув тадқиқотларида бир неча марта қатнашган. Н.И.Веселовскийнинг таърифига кўра, Акрам Асқаров, айниқса қадимги тангаларни йиғишда катта тажрибага эга бўлган, Афросиёб ва унинг атрофидаги ёдгорликлар, Бухоро, Сирдарё, Фарғона вилоятларидаги тарихий обидаларни ўрганишда Акрам Асқаров унга катта ёрдам берган [8].

“Туркестанские ведомости” газетасининг 1892 йил 31-сонида босилган профессор Уварницкийнинг “Акрам Асқаровнинг археологияга оид ашёлар тўплами” номли мақоласида берилган маълумотларга кўра, унда 17 дона олтин пул, 1370 дона кумуш пул, 13 274 дона мис пул, неолит даврига оид тош болға, жез кетмонлар (мотига), турли жойларда тўпланган сополдан ясалган одам хайкаллари, тумор, мис, сопол идиш ва шунта, ўхшаш тарихий буюмлар бўлган [9].

Н.И.Веселовскийнинг Акрам Асқаровни Туркистон археологияси ривожига қўшган хиссасини тақдирлаш ҳақидаги “Рус Археология жамияти” комиссиясига ёзган тақдимнома хати диққатга сазовордир. Тақдимномада муаллиф Акрам Асқаровнинг коллекциячилик ва археологик қазув ишларда кўрсатган фаолиятини юқори баҳолаб қуйидагиларни ёзади: “Туркистон ўлкасида қадимги ашёлар билан савдо қилувчилар кўплаб учрайди, рус коллекциячилари ҳам аксарият ҳолларда бундай савдодан фақат фойда кўриш мақсадида иш олиб борадилар. Лекин Акрам Асқаров археология билан фаол тарзда қизиқсада, ундан моддий фойда кўришни ўйламайди, аксинча археологиянинг ривожини учун ўз ҳисобидан ҳақ

тўлайди... Сирдарё, Фарғона вилоятлари ва Бухоро амирлигига уюштирган археологик сафарларимда шахсан мен учун у жуда катта хизмат қилди, унинг ёрдамисиз кўп нарсани билмас ва муваффақиятга эришмас эдим” [10]. 1887 йилда “Рус Археология жамияти” Ақрам Асқаровни “Археология ривожига қўшган хиссаси учун” кичик кумуш медал билан мукофотлаган. Ўша давр матбуотининг берган хабарига кўра, у “ўз даврида туркистонликлардан чиққан машхур, нодир археологик буюмлар йиғувчи ва Париждаги илмий археология жамиятининг аъзоси эди” [11].

Туркистон халқлари қадимиятини ўрганиш ҳаваскорларидан яна бири самарқандлик ҳаттот Мулла Қози ибн Мулла Абдурашид ўғли Абу Саид Маҳсумдир. У Самарқанддаги Шайбонийхон мадрасасида мударрис бўлиб фаолият кўрсатган. Бууламо ҳақида Н.И. Веселовский – “Мирза Абу Саид Маҳсум тимсолида Самарқанднинг энг ўқимишли, мусулмон адабиёти билимдонларидан бири билан танишишга мушарраф бўлдик” - деб эътироф этган [12].

Машхур шарқшунос олим В.В.Бартольд ҳам Абу Саид Маҳсум билан шахсан таниш бўлган ва ундан Темурий султон Шохруҳ Мирзо замонидан Шайбонийларнинг сўнгги вакиллари ҳукмронлигига қадар ўша даврга тегишли турли ёрликлар, ҳужжатлар, вақфномаларни олган [13].

XX асрнинг биринчи ўн йиллиги охирларида В.Л.Вяткин раҳбарлигида Улуғбек расадхонаси қолдиқларини топиш мақсадида ўтказилган қидирув-қазув ишлари катта муваффақиятга эришган. В.А. Шишкин таърифи билан айтганда, “...қазув ишлари Ўрта Осиё халқлари маданиятининг дурдона ёдгорликларидан бири, дунё миқёсидаги кашфиёт, рус ва чет эл илмий нашрларида катта мунозара ва муҳокамаларга сабаб бўлган Улуғбек расадхонасининг очилиши билан ниҳояланади” [14].

Маълумотларга қараганда, дунё миқёсида шов-шувга сабаб бўлган ушбу кашфиётни очилишида Абу Саид Маҳсумни ҳам хизматлари катта бўлган. Ўтган асрларда битилган вақф ҳужжатларини синчиклаб ўрганган, ундаги маълумотларни оғзаки ҳолда, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган этнографик маълумотлар, афсоналар билан солиштирган, тасодифий топилмалар қайд этилган жойларни ҳисобга олган Абу Саид Маҳсум В.Л.Вяткинга расадхона жойлашган тепаликни кўрсатиб берган. Шуни унутмаслик керакки, мустамлака мафкураси фаннинг барча соҳаларида фақат рус олимларининг биринчи бўлишига урғу берганлиги боис расадхона очилишида Абу Саид Маҳсум номи ёзилмай, уни фақат Вяткин номи билан тарихга киритганлар.

4. Хулосалар:

Масалага хулоса тарзида қуйидагиларни таъкидлаш мақсадга мувофиқдир:

- Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, илмий жамиятларга кўплаб генерал-губернаторлик бошқарувидаги шахсларнинг аъзо бўлганлиги ва фаолияти уларни қандайдир лавозимни эгаллаганлиги билан эмас, аксинча, жамият аъзоларининг кўпчилиги ўлкада ҳарбий ёки дипломатик соҳадан ташқари бошқа бир илмий соҳа бўйича ҳам фаолият юритгани билан изоҳланади;
- Тўғаракка чет элликолимлар ҳамтаклиф этилган. Германиялик астроном, ушбумуаммога “Туркистон, хинд-германхалқларибешиги” китобини бағишлаган Франц Шварцнишулар жумласига киритиш мумкин;
- XIX асрнинг сўнгги чорагида бошланган Туркистон археологиясини ўрганиш ишларида маҳаллий зиёлилар вакиллари ҳам қатнашиб, муайян малака ва тажрибаларни тўплай бошлаганлар.

Иқтибослар/ Сноски/References:

-
- [1] Zhukovskiy V.A. Razvaliny Starogo Merva // Drevnosti Zakaspiyskoy oblasti. - SPb., 1894. - 230s.
- [2] Masson M.E. Short essays on the history of the study of Central Asia in archeological relations // TR. SAGU. - Tashkent, 1956. - Вып. LXXXI. - S.11-12.


- [3] Ya.F.G'ulomov. Archeology in Uzbekistan. "Red Uzbekistan", "Truth of the East", T. : Uzbekistan Surkh, 1956, pages 7-8.
- [4] Vyatkin V.L. Afrasiab is a city in Samarkand. - Tashkent, 1927. - 64 p.
- [5] Shishkin V.A. Vasilii Lavrentevich Vyatkin. (K tridtsatiletiyu so dnyasmerti) // IMKU. - Tashkent, 1963. - Vyp. 4 –S. 148.
- [6] Lunin B.V. Izistorii russkogo vostokovedeniyaia rcheologii v Turkestane. Turkestanskiy krujok lyubiteley archeologii (1895-1917gg.). –T., 1958.– S.12.
- [7] National Encyclopedia of Uzbekistan. State Scientific Publishing House, 2000. - P.234.
- [8] National Encyclopedia of Uzbekistan. State Scientific Publishing House, 2000. – P.235.
- [9] Nabiev A. Historical Local Lore. T. : "Teacher", 1996. P.33.
- [10] Lunin B.V.O Numizmaticheskoy kolleksi iuzbekskog sobiratelyadrevnostey Akrama Askarova (po arxivnim dannim) // IMKU. Vip. 5. –T: Fan, 1964.
- [11] «Turkestanskiye Vedomosti», 1912, № 46.
- [12] Muminov I.M. Izistorii razvitiya obshestvenno-filosofskoy misli v Uzbekistanekontsa XIX - nachala XX vv. Tashkent, Gosizdat, 1957. – C.124.
- [13] Bartold V.V. Report on business trip to Turkestan // ZVORAO. T.XV, SPb., 1904.
- [14] Shishkin V.A. Observatoriya Ulugbeka i yo issledovanie // Trudy Instituta istorii i archeologii AN UzSSR. T. 5. Tashkent, 1953.

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Маматкулов Абдурасул Абдуғаппорович,
Андижон вилояти халқ таълим ҳодимларини
қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини
ошириш худудий маркази ўқитувчиси.
abdurasul1988@inbox.uz

ИЖТИМОЙ БАҲҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА МИЛЛАТЛАРАРО ҲАМЖИХАТЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ МОҲИЯТИ

For citation: Abdurasul A. Mamatkholov, THE MAIN POINT OF INTERNATIONAL COMPATIBLE AND TOLERANCE BY PROVIDING FOR THE SOCIAL STABILITY. 2020, vol. 9, issue 3, pp.41-45

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-9-6>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола мамлакатимизда ижтимоий барқарорликни таъминлашда миллатлараро ҳамжихатлик ва бағрикенгликнинг ўрни ва аҳамияти, барқарорлик тушунчаси унинг мазмун моҳияти, юртимизда истиқомат қилувчи миллат ва элатларга давлатимиз томонидан берилаётган эътибор, улар учун олиб борилаётган ислохатлар таъкидланади. Ҳамда меҳмондўстлик, эзгулик, қалб саховати ва бағрикенглик бизнинг халқимизга доимо хос тушунчалар эканлиги хусусида фикр юритилади.

Калит сўзлар: ижтимоий барқарорлик, миллатлараро ҳамжихатлик, бағрикенглик, миллий маданий марказ, дин, миллат, глобаллашув.

Маматкулов Абдурасул Абдуғаппорович,

Преподаватель территориального центра
переподготовки и повышения квалификации работников
народного образования Андижанской области
Abdurasul1988@inbox.uz

СУЩНОСТЬ МЕЖНАЦИОНАЛЬНОГО СОГЛАСИЯ И ТОЛЕРАНТНОСТИ В ОБЕСПЕЧЕНИИ СОЦИАЛЬНОЙ СТАБИЛЬНОСТИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье утверждается роль и значение межнационального согласия и толерантности в обеспечении социальной стабильности в нашей стране, рассматривается понятие стабильность, его сущность и содержание, говорится о внимании со стороны нашего государства к представителям наций и национальностей, проживающим в нашей стране, о реформах в данном направлении. Также речь идет о присущих нашему народу таких качествах, как гостеприимство, милосердие, великодушие, толерантность.

Ключевые слова: социальная стабильность, межнациональное согласие, толерантность, национальный культурный центр, религия, национальность, глобализация.

Abdurasul A. Mamatkulov,
Lecturer at the Territorial Center for Retraining
and Promotion employee qualifications
public education of Andijan region
Abdurasul 1988@inbox.uz

THE MAIN POINT OF INTERNATIONAL COMPATIBLE AND TOLERANCE BY PROVIDING FOR THE SOCIAL STABILITY

ABSTRACT

In this article, the place and the importance of the main point of international compatible and tolerance by providing for the social stability in our country, and the idea of compatible, its maintenance and essence, the main attention by the state for the nationalities and the people who live in our country, some reforms are being carried out for them is emphasized. And also the opinion of some peculiarities on hospitality, kindness, soul generosity and tolerance are always depended on our people is given.

Index Terms: social stability, international compatible, tolerance, national cultural center, religion, nationality, globalization.

1. Долзарблиги:

Ўзбекистон Республикаси томонидан олиб борилаётган давлат сиёсатида миллатлараро ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик ғояларининг тутган ўрни бекиёс ҳисобланади. Мустақиллик йилларида юртимизда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳалар, балки заминимизда яшаб келаётган турли миллат ва элатлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, ижтимоий барқарорликни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Глобаллашув жаёнида инсоният ҳамжамияти олдида пайдо бўлаётган кўплаб муаммолар орасида миллатлараро тотувлик ва толерантлик маданияти энг асосий ўринлардан бири ҳисобланади. ЮНЕСКО Бош Ассамблеяси конференциясининг 1995 йил 16-ноябрда ўтказилган 28- сессиясида қабул қилинган “Бағрикенглик тамойили декларацияси” дунёда тинчлик ва тотувликни таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устиворлигини кафолатлаш, тенг ҳуқуқлилик ҳамда ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, “2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг бешинчи йўналиши айнан диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш масаласига бағишланганлиги бу ҳақиқатларнинг исботидир.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлилик тизимлилик ҳолислик тамойиллари шунингдек қиёсий таҳлиллар асосида ёритилган. Ҳар бир мутафаккир глобаллашув жараёнида миллатлараро ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик ғояларига ижодий ёндошган ҳолда, сиёсий, ҳуқуқий, илмий-фалсафий ёндошишга ҳаракат қилмоқдалар. Бугунги олим ва файласуфлардан А.Азизхўжаев, Қ.Назаров, З.Жумаев, С.Отамуродов, Ш.Пахрутдинов, Н.Умарова, А.Очилдиев, А.Эркаевларнинг асарларида ўрганилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Бизнинг қадимий ва саховатли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч тотув яшаб келмоқда. Меҳмондўстлик, эзгулик, бағрикенглик бизнинг халқимизга доимо хос бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил этади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар ривожини янги босқич бошлади. Бағрикенглик, инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро ва фуқоролараро ҳамжиҳатлик, ёш авлодни ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш юртимизда давлат сиёсатининг энг муҳим устивор йўналишлардан бири этиб белгиланди.

Мамлакатимизда ҳукм сураётган дўстлик, биродарлик, тинчлик ва барқарорлик, амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш ҳалқаро майдонда юртимизни обрў-этиборини янада юксалтиришнинг энг муҳим омилига айланди.

Барқарорлик инсоният тарихида яратувчанлик, бунёдкорлик фаолияти учун асос бўлган. Қадимги машҳур файласуф Конфутций барқарорлик масаласи бўйича куйидаги фикирни билдирган: «Фаровонлик - мақсад, ислохотлар - унга эришиш йўли, барқарорлик эса шарт-шароитдир». Ана шу сабабдан ҳам инсон жамиятибутун ҳаёти давомида барқарорликка интилиб келган. Айнан шу мақсад асосида халқлар фаровон турмиш тарзига эришганлар. Барқарорлик тушунчасини кўплаб президентимиз нутқларида, асарларида учратамиз. Барқарорлик бу бизнинг эртанги порлоқ кунимизга олиб борадиган йўлдир. Барқарорлик, аввало, ҳар қандай тараққиёт, бунёдкорлик фаолиятининг зарурий шarti ва замини ҳисобланади.

Давлатнинг барқарорлиги - тинчлик, осойишталик ва ижодий меҳнат муҳити, қатъий узил-кесил ҳамда мустаҳкам ўрнатилган муҳим шартдир.

Ижтимоий барқарорлик эса:

- 1) жамият ҳаётининг осойишталиги;
- 2) ижтимоий тузум элементларининг уйғунлиги;
- 3) жамиятдаги ижтимоий бирликлар (миллатлар, турли ижтимоий қатламлар ва бошқа) вакилларининг ҳамкорлиги ва ҳамжиҳатлиги.

Бугунги кунда мамлакатимизда 136 дан зиёд миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил яшамоқдалар. Бу эса Миллий истиқлол ғоясининг асосий тамойилларидан миллатлараро ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик ғояси юрт барқарорлигини тامينлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Миллатлараро ҳамжиҳатлик умумбашарий қадрият бўлиб, турли хил халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ва ижтимоий барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади. Бу ғоя бир жамиятда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қиладиган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг маънавий асосидир [1.59]. Шунинг учун ҳамулар юртимиз равнақи йўлида бирлашиб, барча соҳаларда фидокорона меҳнат қилмоқдалар, бозор иқтисодиёти ва кучли фуқоролик жамиятига асосланган ҳукукий демократик давлат қуришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида “Ўзбекистон Республикасида барча фуқоролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, этиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар” [2,Б.8] деб мустаҳкамлаб қўйилган. Шундан кўриниб турибдики мамлакатимизда бошқа миллат вакилларига ўз миллий маданияти, анъана ва урф-одатларини сақлаш ҳамда ҳар тамонлама ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилган.

Мамлакатимизда 16 та конфессияга мансуб диний ташкилотлар эркин фаолият юритмоқда. Давлат таълим муассасаларида ўқитиш 7 тилда, Миллий телерадиокомпания ўз кўрсатувларини 12 тилда намойиш этмоқда, ўндан ортиқ тилда газета ва журналлар нашр этилмоқда. Юртимизда этник ўзига хосликни ривожлантириш ва миллатлараро муносабатларни янада уйғунлаштиришда 138 та миллий маданий марказлар шунингдек 34 та дўстлик жамиятлари катта роль ўйнамоқда. Улар ўзларининг ўзига хос маданияти, тили, халқ ҳунармандчилигини ривожлантириб, турли маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитишга, ҳар биримизда кўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлашга ҳисса қўшмоқдалар.

2017 йил 24 январда Республика байналминал маданият маркази ташкил этилганлигининг 25 йиллигига бағишланган учрашувида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз нутқида: “Марказ мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказилаётган ёркин тадбирлари асосида маданий ва ижтимоий ҳаётимизни янада теран маъно-мазмун билан бойитмоқда, Ўзбекистонда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасида дўстлик ва бағрикенглик муносабатларини мустаҳкамламоқда. МДХ давлатлари ўртасида фақат Ўзбекистонда шундай

тузилма ташкил этилгани эътиборга лойиқдир”[3,Б.297] деган, сўзи бунинг яққол намунаси.

Амалга оширилаётган бу ишларнинг барчаси мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар соҳасида нодавлат ташкилотларининг тизими шакилланганлигидан далолатдир. Ушбу ташкилотлар мамлакатимизда тинч ва фаровон ҳаётни таъминлаш, муҳим маданий-марифий вазифаларни ҳал этиш, хорижий давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Дунёда глобаллашув жараёнлари тобора тезлашиб, геосиёсий манфатлар йўлида турли ўйинлар, миллатлараро ва динлараро кескинлик кучайиб авж олаётган бир шароитда қатор мамлакатларда миллий низолар кучайиб оғир оқибатлар олиб келганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Бундай иллатнинг таъсирига тушган жамият беқарорлик ҳолатига юз тушиши муқарар. Ўзбекистон ҳудудида қадим-қадимдан кўплаб миллат ва элат вакиллари баҳамжихат истиқомат қилиб келган. Улар ўртасида асрлар давомида миллий низолар бўлмагани ҳалқимизнинг азалий бағрикенглигини кўрсатади. Шу билан биргаликда бугунки кунда юртимизда 189 мингга яқин туркман миллатига мансуб ватандошларимиз истиқомат қилмоқда. Туркман тилида фаолият олиб борадиган 44 та мактабда 8 мингдан ортиқ болалар таълим олмоқдалар. Улар туркман тилидаги дарслик ва ўқув қўлланмалари билан тўла таъминланмоқдалар. Уларга дарсликларни яратиш учун “Ўзбекистон” наشريётида “Туркман тили” бўлими ташкил этилган.

Қозоқ миллатига мансуб 600 дан зиёд фуқороси юксак давлат мукофоти ва унвонларига сазовор бўлишди. 1 миллион этник руслар мамлакатимизда истиқомат қилишиб, фидокорона меҳнати билан ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Бу ҳақда Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Ўзбекистон халқи буёк рус халқини, унинг бой тарихи, санъати, анъана ва қадирятлари, рус характерига хос бағрикенгликни чуқур ҳурмат қилишини алоҳида истардим” [4,Б.382] дея таъкидлаган.

Мамлакатимизда бағрикенглик маданиятини юксалтириш, миллатлар ва кўнфессиялараро ўзаро бир-бирини тушуниш, ҳамжихатликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни шу асосда тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устивор йўналишларидан бири ҳисобланади. Маълумки, ватанимиз Буёк ипак йўлининг муҳим чорраҳасида жойлашган. Бу заминда турли маданият ва дин вакиллари тинч-тотув, ҳамжихатликда яшаган. Мусулмон дунёси тараққиётида улкан рўл ўйнаган ҳалқимиз менталитетининг асосини бағрикенглик, олижаноблик ва эзулик каби фазилатлар ташкил этади.

Ўзбекистон аҳолисининг 94 фоизи суний мазҳабга мансуб мусулмонлардир. Уларнинг орасида шиа масҳабига мансуб юртдошларимиз ҳам бор, бу икки масҳаб вакиллари ўртасида ҳеч қандай зиддиятлар юзага келмаган ҳисобланади. Дунёда айрим гуруҳлар исломга қарши ҳолда, ислом динини терроризм мафқураси билан боғлашга уринмоқдалар. Бу эса барқарорликни издан чиқаришга сабаб бўлмоқда. Бундай ғаразли ҳаракат ислом оламини янада бирлаштиришга, жипслашишга олиб келмоқда.

Юқорида такидлаганимдек, юртимизда 16 та конфессияга мансуб диний ташкилотлар мавжуд бўлиб, давлат улар билан ўзаро муносабатида қуйидаги тамойилларга амал қилмоқда;

- диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;
- диний эътиқодларни фуқороларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;
- диний қарашларга амал қилувчи фуқороларнинг ҳам, уларга амал қилувчи фуқороларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиқ қилишга йўл қўймаслик;
- маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадирятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқат қилиш йўллариини излаш зарурати;
- динда бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш.

Биз муқаддас динимизни азалий қадирятларимизнинг мужассам манбаи сифатида беҳад қадирлаймиз. Ислом дини бизни эзулик ва тинчликка, ҳаётда асл инсоний фазилатларни қарор топтиришга даъват этади. Шу маънода Ўзбекистон БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган маҳсус резолюцияни қабул

қилиш ташаббуси билан чиққани чуқур мантиқий асосга эгадир. Зеро, муқаддас динимиз бағрикенгликка, эзгу амаллар ва бахту саодатга олиб борадиган йўл айнан маърифат эканини алоҳида уқтиради [5, Б.456-457]. Бу борада ҳам Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов ўзининг Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари асарида “Биз дин бундан буён ҳам аҳолининг энг олий рухий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиши тарофдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон диний давлатлар ҳокимят учун курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонуншуносликка аралашиб учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз. Чунки бу ҳолни давлатимизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги учун жиддий хавф-хатар деб ҳисоблаймиз” [6, Б.44] дея таъкидлаган. Бизнинг кўп миллатли ва кўп конфессияли жамиятимизда ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат, миллатлараро ҳамжиҳатлик, дўстлик, бирдамлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш, ижтимоий барқарорликни таъминлаш бугунги кунда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган Ҳаракатлар стратегиясининг асосий йўналишларидан биридир.

4. Хулосалар:

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда ижтимоий барқарорликни таъминлашда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик ғоясининг ўрни беқиёс ҳисобланади. Ўзга халқлар тили, урфодатлари ва анъаналарига чуқур ҳурмат, уларнинг ўзлигини сақлаб қолиш, маданий-марифий эҳтиёжларини рўёбга чиқаришга имконият яратиш ва ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш миллатлараро ҳамжиҳатлик ва бағрикенгликнинг ёрқин хусусиятларидандир. Айнан мана шундай бағрикенглик, сабр-бардошлик маданиятимизнинг наъмуналарини сақлаб қолиш, асрлар синовидан олиб ўтиш, камол топтириш ҳамда ўзга маданиятларни бойитишига имкон берди. Шуларни инобатга олган ҳолда биз ёшларнинг онгу шуурини ҳар қандай зарарли мафқуралардан, ғоялардан ҳимоя қила олсак, инсонларга бугунги тинч ва осуда ҳаётнинг қадрига етишни ўргата олсак дунёнинг айрим минтақаларида кузатилаётган қонли тўқнашувлар, вайронагарчиликлар, дин ниқоби остида содир этилаётган ваҳшиёна ҳаракатлардан огоҳ эта олсак, мамлакатимизнинг ижтимоий барқарорлиги кундан-кунга юксалаверади.

Иқтибослар /Сноски/ References


- [1] Миллий истиқлол ғояси; асосий тушунча ва тамойиллар.-Т.: “Ўзбекистон”-200.- 59 бет (National idea of sovereignty; basic notion and tendencies)
- [2] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т.: “Ўзбекистон”-2017.- 8 бет (Constitution of the Republic of Uzbekistan. -Т.: Uzbekistan, 2017, p.8)
- [3] Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъят билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. -Т.: “Ўзбекистон”-2017.- 297 бет (Mirziyoyev Sh.M. We will resolutely continue our path of national development and raise it to a new level. -Т.: Uzbekistan, 2017. 498 pages)
- [4] Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъят билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. -Т.: “Ўзбекистон”-2017.- 297 бет (Mirziyoyev Sh.M. We will resolutely continue our path of national development and raise it to a new level -Т.: Uzbekistan, 2017. 382 pages)
- [5] Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий бахтдир.-Т.: “Ўзбекистон”-2017.- 456-457 бет (Being satisfied of our people is a piece of good fortune for our activities)
- [6] Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Т.: “Ўзбекистон”-1997.- 44 бет (Uzbekistan is at the threshold of the 21st of century; threat to the safety, the terms of compatible and the guarantees to the development)

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Мухаммадиев Рахмон Рашидович,
Ўзбекистон Миллий университети
таянч докторанти, tutak-ota@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАГИ МЕҲНАТ ЖАСОРАТЛАРИ

For citation: Rakhman Mukhammadiev, LABOR FEAT OF UZBEKISTAN WOMEN IN THE SECOND WORLD WAR. 2020, vol. 9, issue 3, pp.46-52

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-9-7>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада даврий матбуот материаллари, илмий мақолалардаги маълумотлар орқали Ўзбекистон хотин-қизларининг Иккинчи жаҳон уруши давридаги меҳнат жасоратлари, фидокорона хизматлари ўрганилган. Душман устидан нафақат фронтда, балки фронт ортидаги меҳнат марраларида ҳам катта ғалабаларга эришилган. Ғалабага Ўзбекистон хотин-қизлари ҳам ўзларининг машаққатли меҳнатлари билан муносиб ҳиссаларини қўшишган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон, хотин-қизлар, ватанпарварлик, уруш, фронт, эвакуация, ишчилар, болалар, меҳнат жасорати, завод-фабрика, колхоз.

Мухаммадиев Рахмон,

Базовый докторант
Национальный Университет Узбекистана

ТРУДОВОЙ ПОДВИГ ЖЕНЩИН УЗБЕКИСТАНА ВО ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЕ

АННОТАЦИЯ

В статье освещается трудовой подвиг женщины Узбекистана на основе материалов периодики, научных статей. Победа была одержана не только на фронте, но и в тылу через невероятный труд женщин. Женщины Узбекистана также своим трудом внесли достойный вклад в победу.

Ключевые слова: Узбекистан, женщины, патриотизм, война, фронт, эвакуация, работники, дети, трудовой подвиг, завод- фабрика, колхоз.

Mukhammadiev Rakhman,

Basic doctoral student
National University of Uzbekistan

LABOR FEATURE OF WOMEN OF UZBEKISTAN IN THE SECOND WORLD WAR

ABSTRACT

The article highlights the feat of labor of a woman in Uzbekistan on the basis of materials from periodicals, scientific articles. The victory was won not only at the front, but also in the rear through the incredible labor of women. The women of Uzbekistan also made a worthy contribution to the victory with their labor.

Index Terms: Uzbekistan, women, patriotism, war, front, evacuation, workers, children, labor feat, factory, collective farm.

1. Долзарблиги:

Ҳозирги дунёда аёллар ва эркакларнинг чинакам тенг ҳуқуқлилигини қарор топтиришга ижтимоий тараққиётнинг, жамиятни барқарор ривожлантиришнинг асоси сифатида қаралмоқда. Бу борада Ўзбекистонда ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда. Шу нутаи назардан ўзбек хотин-қизларининг шонли ўтмишини ўрганиш, айниқса уларнинг инсоният бошига мислсиз кулфат келтирган Иккинчи жаҳон уруши давридаги фронт ва фронт ортидаги машаққатли меҳнат тарихларини ўрганиб, бундан кенг жамоатчиликни хабардор қилиш бугунги тадқиқотчилар олдидаги долзарб вазифаларидан биридир.

2. Методлар:

Мақола тарих ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанларда қабул қилинган қиёсий таҳлил, объективлик, тарихий кетма-кетлик, изчиллик, қиёсий таққослаш тамойиллари асосида ёритилди.

3. Тадқиқот натижалари:

Тарихдан маълумки, еру-заминда одам пайдо бўлган илк даврлардан бошлаб, аёллар эркаклар билан яшаш учун курашда доимо ёнма-ён бўлган. Эркаклар тирикчилик учун ов билан шуғулланса, аёллар табиатдаги турли илдиз-меваларини истеъмол учун йиғиб теришган. Ов машақатли ва хатарли бўлиб, эркакларнинг омади ҳар доим ҳам юришавермаган. Нисбатан ишончли бўлган мева ва илдизларни йиғиш жамоадаги аёллар нуфузини аста-секин ошишигасабабчи бўлган. Шу тариқа кишилик жамиятида бир қанча пайт оналар уруғи ҳукмрон мавқега эга бўлган. Даврлар ўтиши билан одамлар онгининг ривожланиб бориши ва бунинг ортидан меҳнат қуролларининг такомиллашуви, жамоа, қабиладаги эркаклар меҳнат унумдорлигини ошишига олиб келган. Бу эса ўз навбатида жамоадаги эркаклар мавқеини ўсишига замин яратган. Ўтмишда аёллар ҳукмронлиги даврдан эркаклар салтанатига ўтиш хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини ўзгартирди, аёллар фаолиятини фақат оила чегарасида белгилашга мойиллик кучайди. Аёллар ўз қобилияти ва истеъдодини ривожлантириш, намоён этиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб, оиладаги ўрни фақат фарзанд туғиб, уларни тарбиялаш билан чекланиб қолди. Оқибатда у эркак кишига моддий, маънавий, ижтимоий, маиший жиҳатдан қарам бўлиб қолди.

Асрлар давомида аёлларнинг кишилик жамиятидаги ўрни ва хизматига етарлича баҳо берилмади. Аммо бу билан аёлларнинг жамият тараққиётидаги ўрни йўқолиб кетгани йўқ. Улар барча даврларда ўз оталари, эрлари, ака-укаларига барча ишларда, ишлаб чиқариш, саноат, таълим, давлат бошқаруви, қишлоқ хўжалиги соҳаларида елкадош бўлиб бирга меҳнат қилди. XX аср бошланиши билан аёлларга бўлган муносабат ўзгара бошлади. Жаҳондаги кўпгина мамлакатларда демократик ғоялар кенг ёйила бошлаши, қолаверса иккита жаҳон урушида аёллар меҳнатига бўлган эҳтиёжнинг юзага келиши бунинг асосий сабаблари эди.

Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши уруш гирдобига тортилган барча мамлакатларда шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам бир қатор муаммоларни юзага келтирди, айниқса урушнинг биринчи даврида фронтга сафарбар этилиши натижасида меҳнатга лаёқатли аҳоли, автомобил транспорти камайганлиги, қишлоқ хўжалик техникаси, ёқилғи тақчиллиги, саноат, колхоз ва совхозлар, машина-трактор станцияларида ишчи кучи ҳамда моддий ресурсларнинг етишмаслиги аёллар меҳнатига бўлган талабнинг ортишига олиб

келди. Ўзбек хотин-қизлари колхоз-совхоз хўжаликлари ташкил этилишида, Катта Фарғона канали, Фарход ГЭСи қурилишида, халқ хўжалигининг барча жабҳаларида фаол иштирок этдилар. Иккинчи жаҳон уруши йилларида олти мингдан зиёд ўзбек аёллари қўлларига қурол олиб, Ватан учун жанг қилдилар [1; 2]. Минглаб хотин-қизлар ўз хоҳиш ва истаклари билан фабрикалар, заводлар, колхоз далалари, қурилиш ишларида меҳнат қилдилар. Баҳри Шомаҳмудова каби ўзбек аёллари Шарқий Европадан Ўзбекистонга эвакуация қилинган ўнлаб турли миллатга мансуб болаларни ўз тарбиясига олиб, юксак инсоний фазилатларини намоён қилдилар.

1941 йил июль ойининг бошларида Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида кўплаб хотин-қизлар йиғилишлари ва митинглари бўлиб ўтди. Ўзбек хотин-қизлари бу митингларда ўз эрлари, ўғиллари ва оғаларига қонхўр фашистларни ер билан яқсон қилишда, ватан ва халқ озодлигини сақлаб қолишда куч-қувватларини сарфлашга тайёр эканликларини айтишди. Ана шундай митингларда бири 1941 йил 5 июлида Тошкент шаҳрининг Октябрь районида бўлди, унда 15 минг хотин-қиз қатнашди [2; 19]. “Серкуёш Ўзбекистон хотин-қизлари, - деб ёзишган эди улар республика хотин-қизларига қилган мурожаатида, - оғир меҳнат, зорлик, ҳуқуқсизлик юз йиллар бизнинг қисматимиз бўлган... Биз қўлга киритган ўз бахтимизни ҳеч қачон ҳеч кимга бермаймиз. Фашист босқинчилари шуни билиб кўйишсинки, улар ўзбек хотин-қизлари бўйнига қуллик сиртмоқларини сола олмайдилар. Қимматли опа-сингиллар! Ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб сеvimли Ватанимизни ҳимоя қилайлик, дастгоҳ, транспорт, трактор ва комбайнларда, колхоз далаларида эрларимиз, ака-укаларимиз ва ўғилларимизнинг ўрнини босайлик” [2;19].

Тошкент хотин-қизларининг бу чақириғига Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларидаги хотин-қизлар ҳам қизгин қўшилдилар. Республикаимизнинг ҳамма ерида бўлиб ўтган митинг ва йиғилишларда Ўзбекистон хотин-қизлари душманни тор-мор этишда қўлларидан келганча ўз ҳиссаларини кўшишга тайёр эканликларини маълум қилдилар. Юзлаб хотин-қизлар фронтга бориб жанг қилиш, ҳарбий ишни ўрганишни сўраб ариза бердилар, ўн минглаб хотин-қизлар корхоналарга бориб ишлаш истагини билдиришди.

Хотин-қизларнинг фашист босқинчиларига қарши курашдек муштарак ишга ўз меҳнатлари билан қўлларидан келганча ёрдамлашиш борасидаги оммавий ватанпарварлик ҳаракатини Тошкент ва бошқа шаҳарларнинг хотин-қизлари мисолида кўришимиз мумкин. Урушнинг биринчи даврида 20 мингга яқин тошкентлик хотин-қиз саноат корхоналари ва қурилишларда ишлашга йўл олди, самарқандлик 2,5 минг жангчининг умр йўлдошлари турлича ишлаб чиқариш ихтисосига эга бўлди. 1700 ўзбекистонлик хотин-қиз “Ангрен кўмир кони” шахталарига бориб ишлашди [2; 20]. Ўзбекистон қиз-жувонлари электрлаштириш учун бошланган умумхалқ ҳаракатида фаол қатнашдилар. Улар Салор, Оққовоқ, Чирчиқ, Қуйи-Бўзсув, Бўрижар ГЭСларини ва бир қанча электростанцияларни қуришда фидокорона ишладилар. Бу ГЭСлар республикадаги ўнлаб корхоналарга уруш йилларида электр қуввати бериб турди. Ўзбек қиз-жувонлари Фарход гидроэлектр станцияси ва Ўзбекистоннинг тўнғич қора металлургия корхонаси бўлмиш Бекобод металлургия заводи сингари йирик қурилишларда Айниқса қахрамонона меҳнат қилдилар [3; 31].

“Станоклар ёнида турайлик! - деб ёзилган эди Янгийўл ёғ заводининг ишчи хотин-қизлари қабул қилган резолюцияда, - корхоналарга бориб ишлайлик, исталган дақиқада ўз эримизнинг ўрнини эгаллашга тайёр бўлиш учун станоклар ёнида турайлик. Қизил армия жангчилари ва командирлари урушнинг олдинги позицияларида қахрамонона жанг қилмоқдалар, биз эса фронт орқасида фидокорона меҳнат қиламиз ва шу ерда душман устидан ғалабага эришамиз”. Йиғилишнинг эртасигаёқ 70 нафар уй бекаси ишга қабул қилишларини сўраб ариза беришди [2; 21].

Фронтга кетган оталари, эрлари ва ака-укаларининг ўрнига келиб ишлай бошлаган шонли хотин-қизларимиз Янгийўлликларнинг меҳнат шухратини давом эттирдилар. 1940 йилда консерва заводида 528 нафар аёл ишлаган бўлса, 1941 йилда уларнинг сони 919 нафарга етди [4; 29].

Ўзбек хотин-қизлари ўз сўзларини иш билан исботладилар. Улар дастгоҳ, машина, механизмларни бошқаришди, қурилишларда жонбозлик кўрсатишди. “Эркаклар касби” қанчалик қийин бўлмасин, хотин-қизлар ўз кучларини аямай фидокорлик намуналарини кўрсатдилар, ўз ишларининг устаси бўлишди, юқори меҳнат унумдорлигига эришдилар, белгиланган режа топшириқларини ўз вақтида ва ошириб бажардилар, заводларда икки-уч кишининг ўрнида ишладилар. Республика саноат ишлаб чиқаришида хотин-қизлар салмоғининг ортиши уруш йилларида хотин-қизларнинг саноатда фаол иштирок этганликларидан далолат беради. Урушнинг бир ярим йили мобайнида Ўзбекистон саноатида машғул бўлган хотин-қизлар салмоғи 29 фоиздан зиёд ортди ва 1943 йил бошларида 63,5 фоизни ташкил этди [5; №157]. Холбуки, Ўзбекистонда урушдан олдинги йилларда ишлаб чиқаришдаги банд аёллар сони 34,2 фоиз (34168 нафар)ни ташкил этган. Хотин-қизлар асосан куйидаги саноат тармоқларининг меҳнат қилиб, уларнинг улуши куйидагича эди: Пайафзал ишлаб чиқаришда 50,5 фоиз, ипакни қайта ишлаш саноатида 58,2 фоиз, тикувчилик фабрикаларида 82, фоиз, қандалатчиликда 65,5 фоиз [5; №157].

Саноатда бўлганидек, қишлоқ хўжалигида ҳам фронтга кетган эркаклар ўрнини хотин-қизлар ва ўсмирлар эгаллашди. 1941 йил Ўзбекистондаги МТС курсларида 12632 нафар, қишлоқ хўжалиги механизацияси мактабида эса 2502 нафар киши тракторчилик касби бўйича таҳсил олишди, уларнинг 82,4 фоизи хотин-қизлар эди. Бутун иккинчи жаҳон уруши мобайнида республикада 23294 нафар хотин-қизлар қишлоқ хўжалиги техникаларини бошқаришди [6; 28, 29].

Гашт сураётган пенсионерлар ҳам дала меҳнатиغا қайтишди. Уларнинг ҳаммаси, айниқса хотин-қизлар урушдан аввалги ёрдамчи, иккинчи даражали кучдан энди қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосий кучига айланди. Ишланаётган меҳнат кунларининг учдан икки қисми шуларга тўғри келди [2; 22]. Колхозчи хотин-қизлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча тармоқларида меҳнат майдонида туришди. Улар барча қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш ва ҳосилини йиғишда, чорвачиликни ривожлантириш, янги ер майдонларини ўзлаштиришда ўзларининг қаҳрамониона меҳнат ҳиссаларини кўшишди. Хотин-қизлардан малакали механизатор, оммавий ихтисос ходимлари армияси ва ҳоказолар етишиб чиқди. Кўплаб хотин-қизлар колхоз ишлаб чиқаришида меҳнат қилишди. Улар колхоз далалари ва фермаларида ҳам мироб, экувчи, култивациячи, бригадир, звено бошлиғи, чорвадор сифатида, ҳам колхозларга раҳбарлик қилишда фронтга кетган эркакларнинг ўрнини босишди.

Шаҳарлардаги саноатнинг ўсиши туфайли ишчи кучига бўлган талаб, қолаверса 1930-йилларнинг бошидаги очарчилик, ҳамда иккинчи жаҳон уруши даврида меҳнатга лаёқатли хотин-қизларнинг кўпчилиги қишлоқлардан шаҳарларга кела бошлади. 1939 йилда шаҳардаги аёлларнинг 36,9 фоизи иш билан банд бўлган бўлса, эркакларнинг 54,7 фоизи иш билан банд эди [7; 360]. Уруш даврида эса бу кўрсаткичлар тескарисига аёллар фойдасига ўзгариб кетди. Асосан қишлоқ хўжалигига ихтисослашган қишлоқ жойларида меҳнат қилувчи хотин-қизларнинг улуши шаҳардагига нисбатан анча юқори эди.

Урушнинг дастлабки даврида фақат Тошкент шаҳридаги фабрикаларга 20 мингга яқин хотин-қизлар ишлаш учун келди. Уруш авжига чиққан пайтда эса, республикадаги саноат ишчиларининг ўртача 2/3 қисмини аёллар ташкил этиб, баъзи корхоналарда уларнинг улуши 80 фоиздан ортиқ эди [8; 43]. Ўзбек хотин-қизлари республика ҳукумати бошчилигида уруш йилларининг барча машаққатларига бардош бериб, фронт ортида армия учун керакли бўлган маҳсулотларни тайёрлаб беришди ва душман устидан ғалаба қозонишди.

Ўзбекистон халқи, шу жумладан хотин-қизлар эвакуация қилинган аҳолини қабул қилиш, жойлаштириш, уларга зарурий ёрдам кўрсатишдек муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган ишнинг республика партия ва совет ташкилотлари томонидан амалга оширилишида юксак ватанпарварлик намуналарини кўрсатдилар. 1941 йил ёзидаёқ Иттифокнинг душман томонидан вақтинча эгалланган территорияларидан ҳамда фронт яқинидаги ҳудудлардан Ўзбекистонга минглаб аҳоли кела бошлади. 1941 йил 1 сентябрига қадар республикамизга Украина ССР дан 5717 киши келган бўлса, октябрь-ноябрь ойларида бу кўрсаткич 54029

нафарни ташкил этди. Умуман олганда Ўзбекистонга 1 миллионга яқин киши келди, шундан 200 минг нафари болалар эди [2; 23].

Уруш даврида болаларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш ишлари билан Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг биринчи котиби Усмон Юсупов ва Ўзбекистон ССР Министрлар совети раиси Йўлдош Охунбобоевларнинг шахсан ўзлари шуғулланишди.

Дастлаб бу ишни республика Маориф Халқ Комиссарлиги ходими Ш.Сибгатулина ихтиёрий равишда ўз зиммасига олган бўлса, сўнгра уни бутун республика қўллаб-қувватлади. Бу ишда Тошкент шаҳар партия комитети хотин-қизлар бўлимининг бошлиғи Е.Самойленко катта жасорат кўрсатди. Фронт ёқасидан келтирилган болаларни рўйхатга олишда Усмон Юсуповнинг рафиқаси Степаненко ҳам фаол қатнашди. Тошкент шаҳрига эвакуация қилинган жамоатчи аёллардан Максим Горькийнинг рафиқаси Б.Пешкова, келини П.Пешкова, Е.Рачинская, Ўзбекистон ССРга эвакуация қилинган машҳур ёзувчиларнинг оилаларидан Л.Толстая, Погодиннинг турмуш ўртоғи А.Стукалова каби юзлаб аёллар болаларни қабул қилиб олиш, жойларга юбориш, уни ташкил этиш ишларини бажардилар. Бу ишда жамоатчи ўзбек аёлларидан Сора Эшонтўраева, Лутфихоним Саримсоқова кабилар ҳам фаол иштирок этдилар [9; 6].

Ўзбекистон меҳнаткашлари кучириб келтирилган болаларга катта муҳаббат ва ғамхўрликлар кўрсатдилар. Улар болалар уйи, интернат, болалар боғчалари ва яслиларига жойланди. 1942 йил 2 январида Тошкентда шаҳар хотин-қизлар фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтганидан кейин республикада эвакуация қилинган болаларга кенг жамоатчилик ёрдами кўрсатиш авж олди, бу йиғилиш Ўзбекистон хотин-қизлариини етим болаларга ота-оналик қилишга чақирган эди [2; 24]. Икки ва ундан ортиқ болани ўз тарбиясига олган оилалар кўпчиликини ташкил этди, бу оилаларда ёш меҳмонлар тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб яшашди. Ўз қарамоғига 14 болани қабул қилиб, уларни тарбиялашдек мушкул вазифани зиммасига олган тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудов ва унинг рафиқаси Баҳри аянинг ватанпарварлиги мамлакатимиздан ташқарида ҳам машҳур. Москва ва Белоруссия, Сталинград жанглариининг қатнашчиси, оғир яраланиб урушдан қайтган Каттақўрғонлик Ҳамид Самадов ўз тарбиясига 13 болани олди. Шоаҳмад Шомаҳмудовлар оиласидагидек булар ҳам турли миллат болалари эди. Бухоро областида истиқомат қилувчи, бир неча болани ўз тарбиясига олган Муаззам ва Шароф Жўраевлар ҳамда 8 болани фарзандлари қатори тарбиялаган Баҳрихон Ашуруллаевалар оиласи ҳам кўп миллатли бўлди [2; 25].

Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг биринчи котиби Усмон Юсупов ва унинг рафиқаси Юлия Степаненколар ҳам эвакуация қилинган Ленинградлик Фаина исмли кизни ўз тарбияларига олдилар. Уруш йилларида улар Фаинадан ташқари яна уч нафар гўдакни олиб тарбияладилар [9; 15].

Фронтга умумхалқ ёрдами ватанпарварликнинг ажойиб намоиши бўлди. Бу ишда хотин-қизлар ҳам фаол иштирок этди. Ўзбек, рус, қозоқ, туркман, қирғиз, тожик ва бошқа миллат хотин-қизлари ўзларининг қимматбаҳо буюмлари, исирға, узук, билагузук, тилла занжир, тўмор, ва бошқа бўйинга тақиладиган безаклар ҳамда жамғармаларини мудофаа фондига беришди. Ватанпарвар хотин-қизларимиз мудофаа фондига берилгаи бу қимматбаҳо буюмларнинг авлоддан-авлодга ўтувчи бебеҳо мерос эканлигини ҳам унутиб юборишди. Ҳа, шу вазиятда ўз халқига содиқ, хотин-қизлар учун душманни яксон этишда фронт учун ёрдам бериш энг муҳим бурч бўлиб қолганди [2; 26].

Ўзбекистон хотин-қизлари уруш йилларида ишлаб чиқаришда буюк куч бўлиб қолдилар. Комбинат, фабрикаларда хотин-қизларнинг эркаклар касбини эгаллаб олишларига катта эътибор берилди. Тошкент тўқимачилик комбинатида ҳам хотин-қизлар асосий куч бўлди. Комбинатда 8000 нафар хотин-қиз ишлаган бўлса, шулардан 1253 нафари эркаклар касбини эгаллади [10; 27,28].

Ўзбекистон хотин-қизлари маданий қурилиш соҳасининг ҳам барча жабҳаларида фидокорона меҳнат қилдилар. Жумладан, халқ таълими соҳасида 1945 йилда Ўзбекистондаги барча мактабларда 34 минг ўқитувчи ишлаган бўлса, уларнинг 54 фоизини аёллар ташкил этган [11; 61]. Уруш йилларида мактабларда ишлаган аёлларнинг елкасида таълимнинг барча

қийинчиликлари ётарди. Сабаби, кўпгина мактабларда хоналар, ускуналар, ўқув қуроллари, мебел жиҳозлар ва бошқа шу каби зарур буюмлар етишмасди. Аммо, барча қийинчиликларга қарамасдан аёл ўқитувчилар мактабларни ташлаб кетишмади, аксинча таълим режаларини бажариш, ўқувчиларнинг интизоми, билим сифатини яхшилаш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш учун қаттиқ курашдилар. Шу билан бир қаторда мактабларда ишловчи хотин-қизлар, қишлоқ хўжалиги ишларида, мудофаа жамғармаси учун маблағ тўплашда, турли ҳашарлар, қора ва рангли металл парчаларини йиғиш ишларида ҳам фаол иштирок этдилар.

Уруш йилларида Шарқий Европадан эвакуация қилинган ўқув юртлари билан ҳисоблаганда Ўзбекистонда 40 дан ортиқ олий таълим муассасалари ва 50 дан ортиқ ўрта махсус билим юртлари фаолият кўрсатди. Уларда 28 мингга яқин талабала ёшлар таҳсил олди. Уруш йилларида республикадаги институтларни 10 мингдан ортиқ, ўрта махсус билим юртларини 3,7 минг киши тамомлади [11; 62]. Уларни ўқитиб тайёрлаш ва тарбиялашда олий ва ўрта маълумотли ўқитувчилар таркибининг бир қисми бўлган хотин-қизлар катта рол ўйнадилар.

Урушнинг оғир йилларида Ўзбекистон хотин-қизлари ўз ғайрат ва шижоатлари билан юксак меҳнат жасоратларини намоён қилдилар. Пахтакор аёллар партия ва республика ҳукуматининг чақириғига жавобан пахта етиштириш, пахта хирмонини юксалтиришда катта ҳисса қўшдилар. Урушнинг барча қийинчиликларига қарамай 1944 йилда Ўзбекистонда 844 минг тонна “Оқ олтин” етиштирилди. Пахта ҳосилдорлиги гектарига ўртача 7,1 центнердан 11,3 центнерга ошди. Ўзбек хотин-қизларининг уруш йилларидаги меҳнат жасоратларини умумхалқ томонидан тан олинишининг ёрқин далили 1944 йил декабрда 300 нафарга яқин Ўзбекистонлик аёлларнинг Совет Иттифоқининг юксак ордени ва медаллари билан тақдирланганлиги бўлди [12; №2].

4.Хулосалар:

Ўзбекистон хотин-қизлари уруш кунларида саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги, маданият ва фаннинг барча соҳаларида яна ҳам ғайрат билан ишладилар. Ишчи хотин қизлар ўша йилларда колхоз-совхозлар, фабрика ва заводларда, врач хотин-қизлар госпитал ва касалхоналарда, химик-физик ва биолог хотин-қизлар илмий лабораторияларда, ўқитувчи хотин-қизлар мактаб, институт ва техникумларда фидокорона меҳнат қилдилар. Бутун халқни ватанпарварлик, ғайратли кишиларни фидокорона меҳнатга илҳомлантирдилар.

Фашизм устидан қозонилган ғалабада Ўзбекистоннинг ҳиссаси катта. Бу урушда ўзбек хотин-қизлари кучли жинс вакиллари билан биргаликда далаларда, завод ва фабрикаларда елкама-елка меҳнат қилди, душман билан қаҳрамонона курашди. Улар кунига 18 соатлаб меҳнат қилишди, иш жойларида ухлашди, қишда совуқда музлаб, ёзда жазирамадан ҳолсизланишди, баъзан оч қолдилар, аммо таслим бўлмадилар. Шонли она ва бувиларимиз, ўз Ватанлари, ота-оналари, ака-укалари, эрлари ва фарзандлари учун меҳнат қилиб ҳақиқий жасорат наъмуналарини кўрсатдилар.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Отчет ЦК КП(б) Узбекистана о работе среди женщин в УзССР. Утв. ЦК КП(б)Уз 13/8-49г №33/15. РГАСПИ, 574-фонд, опис-1, дело-2.1, 2-лист. (Report of the Central Committee of the Communist Party (b) of Uzbekistan on work among women in the Uzbek SSR. Approved Central Committee KP (b) Uz 13/8-49g No.33/15. RGASPI, 574-fund, description-1, case-2. I, 2-sheet.).
2. Иноятов Ҳ. Ғалабага қўшилган ҳисса. Тошкент. Фан, 1975. 19-26-бетлар. (Inoyatov H. Contribution to the victory. Tashkent. Science, 1975. Page 19-26.).
3. Якубова Ҳ. Совет Ўзбекистонининг хотин-қизлари. “Қизил Ўзбекистон” ва “Правда Востока” бирлашган нашриёти. Тошкент. 1947. 31-бет. (Yakubova H. Women of Soviet Uzbekistan. Joint publishing house “Red Uzbekistan” and “True East”. Tashkent, 1947. Page 31.).


4. Абдураззоков А. Абдий барҳаёт сиймолар. Тошкент. Турон-иқбол, 2019. 29-бет. (Abdurazzokov A. Eternal living figures. Tashkent. Turon-iqball, 2019. Page 29.).
5. Правда Востока. 1938 йил 10 июль, №157. (True East. 1938 July 10, No.157.)
6. Ибрагимова Н.Р. Изменения в численности и составе рабочего класса и колхозного крестьянства Узбекистана в период великой отечественной войны // Общественные науки в Узбекистане. №8. Ташкент. 1962. Стр. 28-29. (Ibragimova N.R. Changes in the number and composition of the working class and the collective farm peasantry of Uzbekistan during the great Patriotic war // Social Sciences in Uzbekistan. Number 8. Tashkent. 1962. Page 28-29.).
7. Marianne Kamp. The new women in Uzbekistan: Islam, modernity, and unveiling under communism. 2006 by the University of Washington Press. pp. 360.
8. Ахунова М. Ратные и трудовые подвиги женщин советского Узбекистана. // Ташкент, Общественные науки в Узбекистане. 1975, №5, Стр. 43. (Akhunova M. The military and labor exploits of women in Soviet Uzbekistan. // Tashkent, Social sciences in Uzbekistan. 1975, No5, Page 43.).
9. Турдиев С. Улуғ ватан уруши йилларида Ўзбекистон меҳнаткашларининг кўчириб келтирилган болаларга ғамхўрлиги. Тошкент. Фан, 1987. 6-бет. (Turdiev S. Care of Uzbek workers for displaced children during the Great Patriotic War. Tashkent. Fan, 1987. Page 6.).
10. Қалимбетов Ж., Багдасаров В. Улуғ Ватан урушида Ўзбек халқининг меҳнат зафарлари. Тошкент, 1965. 27-28-бетлар. (Kalimbetov Yu., Bagdasarov V. Labor exploits of the Uzbek people in the Great Patriotic War. Tashkent, 1965. Page 27-28.).
11. Аббасова Л., Рахимбабаева Т. Участие женщин в культурном строительстве Узбекистана в годы войны. // Общественные науки в Узбекистане. 1975. №5. Стр-61-62. (Abbasova L., Rakhimbabaeva T. The participation of women in the cultural construction of Uzbekistan during the war years. // Social sciences in Uzbekistan. 1975. No5. Page 61-62.).
12. Правда Востока. 1945 йил январ. №2. (True East. 1945 January. No.2).

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Омонов Анварбек Муродович,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Миллий археология маркази
кичик илмий ходими
obi-rahmat@bk.ru

АНГИЛЛАК ҒОРИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ПАЛЕОЛИТ ДАВРИ ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ

For citation: Anvarbek M. Omonov, ANGILLAK CAVE AND ITS PLACE IN THE HISTORY OF THE PALEOLITHIC PERIOD OF UZBEKISTAN. 2020, vol. 9, issue 3, pp.53-59

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-9-8>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ангиллак маконини ўрганишни биринчи босқичда олиб борилган тадқиқотлар, уларнинг натижалари ва Ўзбекистоннинг энг қадимги тарихи бўйича муҳим маълумотлар ўрин олган. Ўзига хос ва Ўрта Осиёнинг бошқа ёдгорликлари технокомплексларидан ажралиб турадиган Ангиллак тош индустрияси, Ангиллак ғори ва унинг Ўзбекистон палеолит даври тарихида тутган ўрни, унинг алоҳида жихатларига доир маълумотларнинг аҳамияти кўрсатиб берилди.

Калит сўзлар: Сўнги палеолит, палеоантропология, Хомо сапиенс сапиенс, мустье, граветти, тош индустрия, ўзак, йунилғи, пайкон, ретуш, учиринди, Ангиллак, Обираҳмат, Омонкутон, Қутурбулок, Оёқчисой.

Омонов Анварбек Муродович,

Академия наук Республики Узбекистан
Национальный археологический центр
младший научный сотрудник
obi-rahmat@bk.ru

ПЕЩЕРА АНГИЛЛАК И ЕЕ МЕСТО В ИСТОРИИ ПАЛЕОЛИТИЧЕСКОГО ПЕРИОДА УЗБЕКИСТАНА

АННОТАЦИЯ

В статье представлена информация об исследованиях, проведенных на первом этапе изучения пещера Ангиллак, их результатах и древнейшей истории Узбекистана. Подчеркивается важность сведений об Ангиллакской каменной индустрии, пещере Ангиллак и ее месте в истории палеолита Узбекистана, которое уникально и выгодно отличает ее от других технокомплексов Центральной Азии.

Ключевые слова: Верхний палеолит, палеоантропология, Homo sapiens sapiens, мустье, граветти, каменная индустрия, нуклеус, пластина, остроконечник, ретуш, отщеп, Ангиллак, Оби-Рахмат, Аманкутан, Кутурбулак, Аякчисай.

Anvarbek M. Omonov,
Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan
National Archaeological Center junior researcher
obi-rahmat@bk.ru

ANGILLAK CAVE AND ITS PLACE IN THE HISTORY OF THE PALEOLITHIC PERIOD OF UZBEKISTAN

ABSTRACT

The article provides important information about the studies carried out at the first stage of the study of the Angillac Cave, their results and the ancient history of Uzbekistan. The importance of information about the Angillac stone industry, Angillac Cave and its place in the history of the Paleolithic of Uzbekistan, which uniquely and favorably distinguishes it from other technocomplexes in Central Asia, is emphasized.

Index Terms: Upper Paleolithic, Paleoanthropology, Homo sapiens sapiens, mousterian, gravette, stone industry, core, blade, point, retouch, flake, Angillak, Obi-Rakhmat, Amankutan, Kuturbulak, Ayakchisay.

1. Долзарблиги:

Ангиллак асли номи – Ҳангиллак бўлиб, дашт шеъвасида “ханг” – ов, ёввойи ҳайвон, ўлжа каби маъноларни англатади. Горнинг ўзига хос ва Ўрта Осиёнинг бошқа ёдгорликлари технокомплексларидан ажралиб турадиган Ангиллак тош индустрияси Ўзбекистон палеолит даври тарихини ёритишда алоҳида аҳамият касб этади. Ёдгорликдан топилган 500 дан зиёд тош буюмлар умумийлаштирилган ҳолда хали ўрганилмаган бўлиб, уларни техник-типологик жиҳатдан тўлиқ тадқиқ этиш, топилмаларни техник-типологик тадқиқ қилиш асосида ёдгорликнинг маданий-даврий талқинини ишлаб чиқиш ва унинг санаси масаласига аниқликлар киритилиши зарур. Бу эса мавзунинг долзарблигини белгилайди.

2. Методлар: Мақола тарих ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанларда қабул қилинган қиёсий таҳлил, объективлик, тарихий кетма-кетлик, изчиллик, қиёсий таққослаш тамойиллари асосида ёритилди.

3. Тадқиқот натижалари:

Ёдгорлик 2001 йилда археолог, олим Р.Х. Сулейманов томонидан очилган. Маконни ўрганиш ишлари Ўзбекистон-Америка халқаро археологик экспедицияси томонидан олиб борилган. Қазилма ишларида талабалар, ЎЗМУ ўқитувчилари, Колорадо Университети Антропология департаменти мутахассислари, ЎЗР ФА Тарих ва Археология институтлари ходимлари иштирок этишди. Олинган натижалар Р.Х. Сулеймановнинг қатор илмий мақолаларида ва йиллик ҳисоботларда ўз аксини топган [6:2-19, 3:17-23, 4:179-180, 5:177-179, 7:32-33, 8:29-32]. Маконни ўрганишни икки босқичга ажратамиз:

Биринчи босқич - Ўзбекистон-Америка халқаро қўшма экспедицияси тадқиқотлари билан боғлиқ бўлиб, археологик тадқиқотлар 2002-2004 йилларда таниқли археолог, олим Р.Х.Сулейманов ва М.Глантз раҳбарлигида олиб борилган.

Ангиллак маконини ўрганишнинг иккинчи босқичи эса 2013-2014 йилларни ўз ичига олади. Ушбу даврда Ўзбекистон-Япония халқаро қўшма экспедицияси томонидан ёдгорликда археологик тадқиқотлар давом эттирилган .

Ушбу мақолада Ангиллак маконини ўрганишнинг биринчи босқичида олиб борилган тадқиқот натижалари ҳақида тўхталиб утамиз.

Ангиллак макони Қашқадарё вилоятининг Китоб тумани ҳудудида Ёрма ғоридан 700–800 м баландроқда, Аёқчисойнинг шимолий қирғоғида жойлашган. Унинг абсолют баландлиги сойнинг тубидан тахминан 250 м юқорида, ғорнинг эни 10 м, чуқурлиги 7 м,

баландлиги 6-7 м ҳамда кириш қисмида кичик майдонча мавжуд бўлиб, ғорнинг оғзи жануби-ғарбга қараган[3:17-23, 6:2-19]. Ғор бошпана ва истиқомат қилиш учун жуда қулай. 2002-2003йилларда ғорнинг ичкарасидан айрим йўнилғи(пластина) бўлақлари топилган эди ва шу сабабдан, бу ерда чуқурлиги 1,5 м гача етадиган бир нечта шурфлар қазилди (1-шурф 0,5x07 метр ўлчамда, чуқурлиги 0,7 м. 2-шурф 1x1 метр чуқурлиги 0,5 мга етказилган). Қазилмаларнинг барчасида материкгача ва баъзан ундан ҳам қуйроқгача етказилди[5:177-179]. Қазилмаларга кўра ёдгорликда учта маданий қатлам аниқланган ва уларнинг ранги юқоридан пастга қараб бироз ўзгариб боради. Маданий қатламларнинг умумий қалинлиги 0,5-0,7 метрни ташкил қилади.

Ангиллак ғорининг тош индустрияси 500 тадан зиёдни ташкил қилади (2002-2004 йиллардаги қазилмалардан олинган тош буюмлар) ва уларнинг катта қисми учириндилар (отщеп), синиклар (обломки) ҳамда паррахалардан (чешуйки) иборат. Тўпламнинг учириндилари радиал, елпиғичсимон ва параллел равишда чақмоқланган ўзаклардан (нуклеус) йўнилган. Аксарият ҳолларда уларга иккиламчи ишлов берилиб қуроолларга айлантирилган. Ангиллак ғори индустрияси учун йўнилғиларни атайин синдириш ёки бўлақлаш техникаси характерлидир[7:33]. Бунинг сабаблари бир нечта. Ғорга ишлов бериш учун келтирилган хом-ашёнинг сифати жуда паст бўлган ва йўнилғиларнинг катта қисми атипик ҳолатда, бўртиб турган, ҳамда ноқулай бурчакларини атайин синдириб, иккиламчи ишлов бериш маъкул кўрилган.

Ангиллак маконида чақмоқлаш техникаси

Тўпламнинг ўзаклари кўп эмас. Улар жуда митти ва атипик шаклидир. Коллекциядаги нуклеусларнинг шакллари хом-ашё сифатининг паст даражадалиги сезиларли таъсир кўрсатган. Биринчидан, тўпламдаги ўзакларнинг барчаси ҳаддан ташқари ишлов берилган ва ҳажми ўртача 2-5 см гача узунликка эга. Ўзакларга ишлов беришда чақмоқтош, чақмоқтошли охактош ва кварцдан фойдаланилган. Уларнинг аксарияти кварцдан ишланган.

Савол туғиладики, Ангиллаклик усталар узунлиги 3-5 см лик кичик ҳажмли ўзакларни қандай қилиб синдиришган. Уларни қўлда ушлаган ҳолатда тош ушатғич ёрдамида чақмоқлашнинг иложи йўқ, негаки, ушатғичнинг оғирлиги ушбу ўзакларниқидан бир неча баравар оғир бўлади. Ёдгорликда ўзакларни сўнгги палеолит давридагидек нуклеуснибирон бир сандонга маҳкамланиб воситачи орқали чақмоқлаш амалга оширилган, дейиш учун ҳам бизда асос йўқ. Ангиллак ғори буюмлари орасида нуқтасимон зарб майдончалилари учрамайди. Тахмин қилиш мумкинки, Ангиллакда нуклеусларни чақмоқлаш аввало уларни бирон бир юмшоқроқ буюмга (ёғоч ёки суяк) маҳкамланган ва бир қўл билан ушланган ҳолатда, сўнгра маълум оғирликдаги ушатғич ёрдамида амалга оширилган. Аммо, бу ҳозирча ғоя бўлиб, уни тўлиқ асос билан таъкидлаш учун микроскопик, ҳамда экспериментал тадқиқотларни амалга ашириш талаб этилади.

Ангиллак ғори тош қурооллари

Ангиллак ғори тош қурооллари типологияси Ўрта Осиёдаги сўнгги палеолит даври ёдгорликларига хос буюмлардан: ретушланган йўнилғилар, асосан узунчоқ шаклли пайконлар, бир қисмини қирғичлар дейиш мумкин бўлган ретушланган учириндилардан иборат. Таъкидланганидек, ретушланган пластина ва учириндиларнинг фрагментлари кўплаб учрайди.

Ангиллак ғори тош индустриясининг ўзига хос хусусиятлари

Ангиллакликлар хом-ашё сифатининг ўта пастлигига қарамасдан иложи борича узунчоқ йўнилғилар чақмоқлаб олишга интилганлар, яъни Ўрта Осиёда мустъе (ўрта палеолит) даврида ҳукмрон бўлган параллел чақмоқлаш анъаналарига содиқ қолганлар[7:32-33]. Ангиллак ғори индустриясининг иккинчи муҳим хусусияти шундаки, унда нафақат кичик ҳажмли ретушланган учириндилар, балки фрагментациялаштирилган учириндилар, йўнилғилар ҳамда қурооллардан ҳам фойдаланилган. Бундай буюмлар кўпинча ретушланган қуроолларнинг фрагментлари сифатида таснифланади. Ангиллак индустриясининг асосий қисми фрагментлаштирилган тош буюмларни ташкил қилади[6:2-19]. Тўпламдаги тош қуроолларнинг ҳажми шунчалар кичикки, уларни ишлатиш жараёнида синдириб қўйишнинг иложи йўқ.

Р.Х. Сулейманов хулосасига кўра, Ангиллак индустриясидаги тош қуроллар ҳажмининг кичиклигини икки хил тушунтириш мумкин. Биринчидан, ёдгорликда сифатли хом-ашёнинг танқислиги бўлса, иккинчи томондан, Ангиллакликларнинг асосий овқат сифатида дашт тошбақасини истеъмол қилишларидандир. Негаки, тошбақанинг устки қисми коса билан қопланган бўлиб, унинг гўштини ажратиб олишда кичик ҳажмли тош қуроллар ёки уларнинг фрагментларидан фойдаланиш талаб қилинган. Шунинг учун, чакмоқлаб олинган йўнилғилар йирик бўлган тақдирда ҳам уларни атайин парчалашганлар. Таъкидланганидек, Ангиллакликлар ишлатган паст сифатли хом-ашё асосан Оёқчисой дарёси этакларидан йиғиб олинган қайроқтошлар бўлиб, уни қадимги одамлар петрографик тузилишига кўра танлаб олганлар. Сувда силлиқланган қайроқтошлар ҳозирда ҳам Ангиллак ғори яқинидан оқиб ўтадиган Оёқчисой этакларида кўплаб учрайди.

Ангиллак ғори индустриясининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири учириндилар, йўнилғилар ва тайёр тош қуролларни атайлаб фрагментлаштиришнинг кенг қўлланилганлигидир. Ҳордан 2003 йилда йиғиб олинган тош буюмларнинг 33 таси атайин синдирилган. Буларга ретушланган йўнилғилар, учириндилар, қирғичлар ва пайконларни киритиш мумкин[7:33]. Тош буюмларни атайлаб фрагментациялашнинг бундай кўп сонлилиги Ўрта Осиёнинг палеолит даврига оид бошқа биронта ёдгорликларида маълум эмас.

Ангиллак ғори тош индустриясининг маданий-даврий талқини

Ангиллак ғори индустриясининг хом-ашёси таркиби турлича бўлиб, аммо, уларнинг сифати жуда паст. Ҳорда кварц, кварцли қайроқтош, роговик, реалитлар, чакмоқтошли оҳақтошлар ҳамда айрим ҳолларда чакмоқтошдан фойдаланилган. Энг кўп учрайдиган тош жинси оқ рангли кварц бўлиб, у кичик ҳажмли қайроқтошлар шаклида Оёқчисойда кўплаб топилади. Ангиллак ғори индустриясида макон атрофи ҳудудларида мос чакмоқтошли жинсларнинг учрамаслиги сабабли йўнилғилар чакмоқлаш техникаси деградацияга учраган. Унда кварцдан, вулканий ва бошқа анизотроп жинслардан кўпол буюмлар ясалган. Чакмоқлаш техникасида радиал-гардишсимон ва елпиғичсимон нуклеусларга эга ҳамда кўп ҳолларда тартибсиз синдирилган буюмлар учрайди. Тўпламнинг ўзаклари ҳаддан ташқари ишлов берилган митти кўринишларга эга. Аммо, параллел ёки конвергент елкали узунчоқ йўнилғиларнинг мавжудлиги Ангиллакда анъанавий пластинасимон чакмоқлаш техникаси ҳукм сурганлигини кўрсатади. Баъзан, танлаб олинган қайроқтошнинг ҳажми тақозо қилса, бир ёки икки зарб майдонли параллел чакмоқлаш техникаси тўлиқ амалга оширилган нуклеуслар ҳам учрайди.

Ангиллакнинг тош қуролларига келсак, улар мустьега хос кўринишга эга. Ангиллак индустриясидаги кулрангли майдақумли қайроқтошдан ишланган, ягона учлари атайин кесилган йирик пластина Обирахмат маданиятидаги, масалан, Қўтирбулоқдаги митти тош исканалар ҳамда қирғичларни эслатади. Бироқ, Ангиллакдаги нусха латерал ёки вентрал томондан аниқ қилиб йўнилмаган. Шу ерда айтиш мумкинки, бу Ангиллакдаги хом-ашёнинг сифатидан келиб чиқадиган хусусиятдир. Тўпламда, ҳатто, кам сонли чакмоқтошли жинсларга ишлов берилаётганда ҳам бошқа жинслардан ясалгани каби бир хилдаги тош қуроллар ишлаб чиқарилган ёки бир хилда ретуш берилган. Демак, сўнгги палеолитга хос қуроллар яшаш мумкин бўлган хом-ашёдан ҳам Ангиллакликлар анъанавий архаик стереотиплар ишлаб чиқарганлар.

Қўтирбулоқнинг 4-қатлами учун уран услуги ёрдамида Европада сўнгги палеолитнинг бошланиш даврига оид 32900 йиллик сана олинди. Аммо, Қўтирбулоқнинг индустрияси Обирахмат ғорининг 80-90 минг йилликлар билан саналанган қатламлари тош буюмлари билан жуда яқин аналогияларга эга. Демак, Қўтирбулоқнинг индустрияси Обирахмат ғорининг ўзига ўхшаш мустье даврига оид пластинасимон тўпламидан икки марта ёшроқ ва сўнгги палеолит даврига оидми?. Аммо, бу ерда шуни ҳам ҳисобга олиш жоизки, Қўтирбулоқ маданий қатламларининг булоқ бўйида жойлашганлиги сабабли, минг йилликлар давомида сув билан ювиб турилган, суяклар минераллашган (саналаш учун айнан суяклардан наъмуналар олинган).

Ангиллак ғорининг радиокарбон санаси ҳақида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин. Унинг палеолит даврига оид маданий қатламлари ўрта асрлар ва ҳозирги замон уй ҳайвонлари тезаклари билан қопланган. Ҳар йили ёмғирлар мавсумида ғорнинг юқори қатламлари сув ёрдамида эрийди ва палеолит даври қатламларига сизиб ўтади. Ғорда ўсадиган ўтларнинг томирлари ҳам шундай хусусиятга эга. Бундан ташқари, ғорнинг юмшоқ қатламлари кўпинча юмронқозиклар томонидан ўйиб ташланган. Буларнинг барчаси палеолит даври қатламларидаги кўмир қолдиқларининг ифлосланишига олиб келади. Натижада, Ангиллак ғорининг палеолит даврига оид қатламларидан олинган кўмир қолдиқлари наъмуналаридан олинган радиокарбон саналарга ишониш қийин. Ёдгорликнинг санаси масаласига эса ҳали аниқликлар киритилиши лозим.

Ангиллак ғорининг материаллари техник-типология жихатдан Зарафшон воҳасидаги Қўтирбулоқ ҳамда Омонқўтон маконлари материалларига ўхшашдир [5:177-179]. Аммо, улардан бу индустрия ўзининг аморфлиги ва ўзаклари, йўнилғилари, ҳамда қуроллар ҳажмининг кичиклиги билан ажралиб туради. Ангиллак ғори қатламларидан олинган радиокарбон саналаш натижалари (27300-42000 йиллар) билан белгиланган [7:33]. Р.Х. Сулеймановнинг фикрича, Ангиллакнинг технокомплекси Обирахмат маданияти индустрияларига ўхшашдир, гарчи, у ўзининг кичик ҳажмдалиги ва аморфлиги билан ажралиб турсада. Ишлатилган хом-ашё сифатининг пастлигига қарамасдан Ангиллакликлар узунчоқ пластинасимон йўнилғилар чақмоқлаб олишга ҳаракат қилишган. Ангиллак ғори индустрияси ҳажмининг кичиклиги иккита сабабга кўра: биринчидан, яхши сифатли хом-ашёнинг танқислиги, иккинчидан, асосан майда тош қуролларни қўллашни талаб қиладиган тошбақаларни истеъмол қилиш оқибатида содир бўлган.

Таъкидланганидек, Ангиллак ғори маданий қатламларидан 42000 – 27000 йиллар билан белгиланган радиокарбон саналар олинган. Ёдгорликни бевосита тадқиқ қилган Р.Х. Сулейманов унинг қуйи санасини қабул қиладиган аммо, бу борада кейинги йилларда яна бошқа бир фикр пайдо бўлди [1:156]. Ўзбекистон палеолити тадқиқотчиларидан Сайфуллаев Б.К., Хушвақов Н.О. ва Қурбонбоев И. ушбу радиокарбон сананинг юқори санасини (27 000 йил) қабул қилдилар ва бунинг учун баъзи далиллар келтирадилар [2:18]. Масалан: Ангиллак тош индустриясидаги икки дона қия ретушлаб ўтмаслаштирилган пластинкалар Евроосиёда узоғи билан 28000 йиллар бурун пайдо бўлади ва улар граветти (сўнгги палеолит босқичи) даврига хосдир. Бундан ташқари, тадқиқотчиларнинг фикрича, Ангиллак ғори тош индустриясидаги пайконлар сериялари анча узунчоқ ва юпқа кўринишга эга бўлиб, шу сабабли улар мустье даврига хос эмас [2:18]. Ангиллак тош қуроллари хисобланмиш унинг пайконлари мустье даврига ўхшаш аммо, аксарияти узунчоқ ва юпқа кўринишга эга, мустье даври пайконлари эса озгина қалинроқ, куполроқ ва кичикроқ қуринишга эга бўлади.

Сўнгги палеолит даврига оид ёдгорликларда пайконлар кўплаб учрайди бироқ ушбу тош қуроллар узунчоқ ва юпқалиги билан мусте давриникидан бироз фарқ қилади. Чақмоқлаш техникаси (ўзаклардан учиринди ва йўнилғиларни синдириб олиш) масаласида ҳам аниқ бир фикрга келиш қийин, чунки макондан олинган ўзакларнинг ҳажми ниҳоятда кичиклиги ҳам масалани янада қийнлаштиради бу борада юқорида тўхталиб утилди. Яна бир жиҳат, Ангиллак тош буюмларини атайлаб фрагментациялашнинг эса кўп сонлилиги нафақат Ўзбекистон балки, Ўрта Осиёнинг палеолит даврига оид бошқа биронта ёдгорликларида маълум эмас. Шу сабабли, аналогия жихатидан ҳам аниқ ва яқдил бир фикрга келиш қийин.

Ангиллак ғори материалларини Кавказдаги баъзи палеолит даври ёдгорликларига ўхшашлиги борасида муқобил фикрлар ҳам йуқ эмас. Марказий Осиё худудларига Кавказ минтақасидан кичик-кичик миграциялар содир бўлган булиши ҳам мумкин. Лекин бу фикрлар ва назариялар ҳам асосли деб таъкидлай олмаймиз. Умуман олганда, ёдгорликнинг маданий-даврий талқини масаласи ханузгача мунозаралигича қолмоқда шу сабабли, тадқиқотчилар ўртасида қатор фикрлар ва ғоялар уртага ташланмоқда. Фикримизча, ёдгорликнинг санаси масаласидаги баҳс ва мунозараларга чек қуйишнинг ечими бу – Ангиллак ғори материалларини умумлаштирилган ҳолда техник-типология тадқиқ қилишдир.

Ёдгорликдан топилган палеоантропологик топилма

Қазишмалар натижасида Ангиллак ғоридан ибтидоий одам унг оёғининг бир дона метаторсиал суяги қолдиқлари топилган ва уни ҳозирда неандерталгами ёки замонавий одамга мансублигини аниқлаш мушкул[8:30, 9:95]. Аммо, 2003 йилда Обирахмат ғорининг 16-маданий қатламидан ва 60 минг йиллар билан саналанган омухта одамнинг қолдиқларини топилишига кўра, Ангиллак одамни Хомо сапиенс сапиенсларга оид дейиш ҳам мумкин.

4. Хулоса ва таклифлар:

- Ангиллак ғорида олиб борилган тадқиқотлар Ўзбекистоннинг энг қадимги тарихи бўйича муҳим маълумотларни берди ва қадимги тош даври харитасини янада бойитди.
- Ўзига хос ва Ўрта Осиёнинг бошқа ёдгорликлари технокомплексларидан ажралиб турадиган Ангиллак тош индустрияси: ретушланган пластиналар, пайконлар ҳамда бир қисмини қирғичлар дея таснифлаш мумкин бўлган ретушланган учириндилардан таркиб топган. Таъкидлангандек, тўпламда фрагментлаштирилган ретушланган учиринди ва пластиналар кўплаб учрайди. Ёдгорликнинг тош индустрияси ҳажмининг кичиклиги иккита сабабга кўра: биринчидан, яхши сифатли хом-ашёнинг танқислиги, иккинчидан, асосан майда тош қуролларни қўллашни талаб қиладиган тошбақаларни истеъмол қилиш оқибатида содир бўлган.
- Ўрта Осиёнинг палеолит даври бўйича янги маълумотларга ва янги саналарга эгамиз, бироқ, улар ҳали ўзининг даврий ва маданий хосликлари борасидаги ечимини тўлиқ топганича йўқ;
- Ёдгорликдан топилган 500 дан зиёд тош буюмлар умумийлаштирилган ҳолда ҳали ўрганилмаган бўлиб, уларни техник-типологик жихатдан тўлиқ тадқиқ этиш зарур (тип-листи ҳали ишланмаган);
- Ангиллак ғори материалларини техник-типологик тадқиқ қилиш асосида ёдгорликнинг маданий-даврий талқинини ишлаб чиқиш зарур;
- Ёдгорликнинг санаси масаласига аниқликлар киритилиши лозим.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Омонов А.М. К вопросу интерпретации материалов грота Ангиллак // Археология Узбекистана, №1, (1) 2010. –С. 153-157. (Omonov A.M. To the question of interpretation of materials of the Angillac grotto // Archeology of Uzbekistan, No. 1, (1) 2010. – P. 153-157)
2. Сайфуллаев Б.К., Хушваков Н.О., Курбонбаев И., О позднем палеолите Узбекистана// ИМКУ, Вып. №35.Ташкент, 2007. –С. 12 – 19. (Sayfullaev BK, Khushvakov NO, Kurbonbaev I., On the Late Paleolithic of Uzbekistan // IMKU, Vol. No. 35, Tashkent, 2007, p. 12 - 19.)
3. Сулейманов Р.Х., Майкл Г. Грот Ангиллак на территории Кашкадарьинской области \ \ АО 2002 г Ташкент. 2003. –С. 17-23. (Suleymanov R.Kh., Michael G. Grotto Angillac on the territory of the Kashkadarya region \ \ JSC 2002. –Tashkent, 2003. –P. 17-23).
4. Сулейманов Р.Х., Глантз М., Шпраубер А., Хугес П. Результаты предварительного изучения памятников мустьерского времени в долине Кашкадарьи // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар 2002-йил. №3. Тошкент, 2003. Б. 179-180. (Suleimanov R.Kh., Glantz M., Shrauber A., Hughes P. Results of a preliminary study of the monuments of the Mousterian time in the Kashkadarya valley // Archaeological research in Uzbekistan in 2002. №3. –Tashkent, 2003. –P. 179-180)
5. Сулейманов Р.Х., Глантз М. Раскопки грота Ангиллак // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар - 2003 йил. №4. Тошкент, 2004. Б. 177-179. (Suleimanov R.Kh., Glantz M. Excavations of the Angillac grotto // Uzbekistonda archaeologist tadqiqotlar - 2003 yil. No. 4. Tashkent, 2004. B. 177-179).
6. Сулейманов Р.Х., Глантз М., Пасилов Б.А., Ражабова Н., Паин Л., Адамс Дж., Ритзман Т. Отчет о полевых исследованиях совместной Узбекско – Американской археологической


- экспедиции в 2003 году. Раскопки грота Ангиллак. Ташкент, 2004. Научный архив ИА АН РУз. Фонд 03.01. № 128. С. 2 – 19. (Suleimanov R.Kh., Glantz M., Pasilov B.A., Razhabova N., Pain L., Adams J., Ritsman T. Report on field research of the joint Uzbek - American archaeological expedition in 2003. Excavation of the Angillac Grotto. Tashkent, 2004. Scientific archive of IA AN RUz. Fund 03.01. No. 128, pp. 2 – 19).
7. Tostevin G., Glantz M., Suleymanov R. Preliminary Analyses of the Lithic Assemblages from Anghilak Cave. Қарши шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни// Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий анжуман материаллари, Тошкент – Қарши, ЎзР ФА “ФАН” нашриёти, 2006 йил. Б. 32-35.
 8. Glantz M. Summary of the hominin materials from Obi-Rakhmat and Anghilak Caves, Uzbekistan. Қарши шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни // Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий анжуман материаллари, Тошкент – Қарши, ЎзР ФА “ФАН” нашриёти, 2006 йил. Б. 29-32.
 9. Omonov A.M. (2020). Problems of Anthropogenesis and some considerations on paleoanthropological discoveries found in Uzbekistan. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(8), 91-97.

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Расулова Нодира Сардаровна,
Тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Ҳарбий-техник институти
nodira.sardarovna@gmail.com

ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШ АРАФАСИДА ЯНГИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА ҲАРАКАТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ЖАРАЁНЛАРИ

For citation: Nodira S. Rasulova, THE PROCESSES OF FORMATION OF NEW POLITICAL PARTIES AND MOVEMENTS ON THE THRESHOLD OF INDEPENDENCE IN UZBEKISTAN. 2020, vol. 9, issue 3, pp.60-68

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-9-9>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистонда мустақилликка эришиш арафасидабир партияли тизимдан кўппартиявийликка ўтиш жараёнлари, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар ва сиёсий партияларнинг шаклланиши жараёнларинитарихий манбалар асосида таҳлил қилиш ва тегишли хулосалар чиқариш мақсад қилиб олинган.

Шунингдек, XX асрнинг сўнгги йилларида турли ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ифода этиш мақсадида тузилган жамоат бирлашмалари, сиёсий партия ва ҳаракатларнинг тузилиш жараёнлари, мақсад ва вазифалари, фаолияти, Ўзбекистон Компартиясининг тугатилиши таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: сиёсий партия, бирпартияли тизим, кўппартиявийлик, ҳаракатлар, курултой, матбуот органи, партия низоми ва дастури, КПСС, қонунлар.

Расулова Нодира Сардаровна,
Кандидат исторических наук, доцент
Военно-технический институт
Национальной гвардии Республики Узбекистан

ПРОЦЕССЫ ФОРМИРОВАНИЯ НОВЫХ ПОЛИТИЧЕСКИХ ПАРТИИ И ДВИЖЕНИЙ НА КАНУНЕ ОБРЕТЕНИЕ НЕЗАВИСИМОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

Целью данной статьи является анализ процессов перехода от однопартийной к многопартийной системе, формирования общественно политических движений и политических партий накануне обретения независимости в Узбекистане. на основе исторических данных и формулирование соответствующих выводов.

А также, проанализированы процесс формирования общественных объединений, политических партий и движений, сформированных за последние годы XX века в целях

выражения интересов различных общественных групп, их цели и задачи, деятельность, ликвидация коммунистической партии Узбекистана.

Ключевые слова: политическая партия, однопартийная система, многопартийность, движения, съезд, орган печати, положения и устав партии, КПСС, законы.

Nodira S. Rasulova,

PhD in historical sciences, associate professor
Military-Technical Institute of the National
Guard of the Republic of Uzbekistan

THE PROCESSES OF FORMATION OF NEW POLITICAL PARTIES AND MOVEMENTS ON THE THRESHOLD OF INDEPENDENCE IN UZBEKISTAN

ABSTRACT

The purpose of this article is to analyze the processes of transition from a one-party to a multi-party system, the formation of social political movements and political parties on the eve of gaining independence in Uzbekistan. based on historical data and formulating appropriate conclusions.

And also, the process of formation of public associations, political parties and movements, formed in the last years of the twentieth century in order to express the interests of various public groups, their goals and objectives, activities, the elimination of the Communist Party of Uzbekistan are analyzed.

Index Terms: political party, single-party system, multiparty system, public associations, congresses, press organ, party charter and program, CPSU (Communist Party of Soviet Union), laws.

1. Кириш ва долзарблиги:

Республикамизда ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти курилаётган, иқтисодиёт модернизация қилинаётган, республика ривожланган жаҳон давлатлари билан ҳамкорлик қилаётган шароитда Ўзбекистон аҳолиси турли қатламларининг манфаатларини ифода этиши лозим бўлган кенг тармоқли, кўп партияли тизим каби демократик институтлар ҳамда бошқа жамоат ташкилотларининг қарор топиши улкан аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев тўғри таъкидлаганидек: «Ҳар қандай сиёсий партия замон билан ҳамнафас бўлиб, унинг ўткир талабларига жавоб берган тақдирдагина сиёсий куч сифатида яшай олади»[1].

Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг вужудга келиш жараёни, кенг ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишга қаратилган дастлабки қадамлари, ўз дастурий йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш борасидаги амалий тадбирлари ғоявий-ташқилий мақсадларини амалга ошириш учун халқ оммасига кириб боришга қаратилган амалий фаолияти, ушбу жараёнларда вужудга келган муаммо ва зиддиятлар ҳар томонлама ўрганилиши ва таҳлил этилиши алоҳида аҳамият касб этади. Мустақилликка эришиш арафасида республикамизда яккапартиявийлик тизимидан кўппартиявийлик тизимига ўтилиши жараёнларини, янги партиялар ва ҳаракатларнинг шаклланишини тарихий манбалар асосида таҳлил қилиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

2. Методлар ва ўрганилиш даражаси:

Мақолада Ўзбекистонда яккапартиявийлик тизимидан кўппартиявийлик тизимига ўтиш жараёнлари тарихий-хронологик, анализ ва синтез, дедукция ва индукция, тарихийлик, мантикийлик, қиёсий таҳлил каби тадқиқот усуллари орқали таҳлил қилинган.

Мавзуни тадқиқ қилишда бирламчи манбалар – сиёсий партияларнинг дастур ва низомлари, матбуот органлари (журналлари ва газеталари), партия етакчиларининг нутқлари ва асарлари; ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар, шунингдек, республикамиз ҳамда хорижда чоп этилган илмий адабиётлардан кенг фойдаланилди. Жумладан, танланган мавзуни ёритишда

ва таҳлил қилишда М.Дюверже, В.М.Прибыловский, Л.Левитин, А.Абдунабиев, М.Қирғизбоев, Р.Жумаев, С.М.Адилходжаева, З.М.Исломов, С.Ш.Қурбоновларнинг илмий тадқиқотларига мурожаат қилинди.

3. Тадқиқот натижалари:

СССРда Коммунистик партиянинг «бутун халқ манфаатларини ифодалаш»га уриниши, «халқ партияси» ниқоби остида сиёсий ҳокимиятни монополлаштириши оғир оқибатларга олиб келди. 1980-йилларнинг иккинчи ярмида сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳада йиллар давомида тўпланиб келган муаммолар юзага чиқиб, ортга қайтариб бўлмайдиган мантикий кетма-кетликдаги воқеа-ҳодисаларни бошлаб берди ва Совет Иттифоқи номли улкан империянинг парчаланишига, бирпартияли тизимнинг инқирозига хизмат қилди. Бу жараёни чуқур ўрганган француз политологи М.Дюверже кейинчалик куйидагича фикр билдирганда ҳақ эди: “бир партияли режим (тузум) – бу демократия доирасида қарор топган ҳокимиятнинг бутун технологиясини диктатура эҳтиёжлари учун мослаштиришдан бошқа нарса эмас” [2,318].

Қайта куриш сиёсати мамлакатда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини кенгайтириш борасида маълум ижобий силжишларга олиб келди. Турли-туман ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ифода этувчи жамоат бирлашмалари, жумладан, партия ва ҳаракатлар тузила бошланди. Бутун собиқ Иттифок бўйича ижтимоий-сиёсий бирлашмалар, ташкилотларнинг сони кескин кўпая борди ва 1990 йил охирига келиб 300 дан ортиб кетди [3,77].

Р.Жумаевнинг фикрича, Собиқ КПСС инқирози пайтида ижтимоий-сиёсий диаграммадаги тиғиз фаоллик партиялар ва ҳаракатлар сонининг кўпайишига олиб келди. Биринчидан, жамият ёки ҳеч бўлмаганда аҳолининг катта социал гуруҳи манфаатларини ҳимоя қилиш уларнинг диққат марказига тушишига сабаб бўлди. Иккинчидан, мазкур партия ва ҳаракатлар, уларнинг алоҳида раҳбарлари ўз стратегик йўналиши ва тактикасига эга бўлдилар [4,35-36].

1988–1990 йилларда жамиятда Ўзбекистон компартиясининг имтиёзли монополлашган ўрнини енгиб ўтиш учун янги сиёсий партияларнинг туғилишига объектив шароитларнинг юзага келди, иқтисодий танглик, ҳаёт даражасининг кескин тушиб кетиши, совет тоталитар тузумининг инқирозини оммавий англаш шароитида жамиятда ижтимоий фаолликнинг ошиши натижасида норасмий сиёсий жамоат ташкилотлар пайдо бўла бошлади. Ўзбекистон суверенитетини тасдиқлаш йўлида ҳал қилувчи қадамлар ташлашга туртки бўлиши; ҳокимиятга интилаётган экстремистлар томонидан муҳолифона чиқишлар шаклида миллатчилик диний оқимларининг кучайди.

1989–1991-йилларда республика жамоатчилиги фаоллашиб борди. Айнан шу йилларда Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий воқелик, халқ миллий онгининг кескин равишда ўсиши жамият аъзоларининг ижтимоий фаоллигини ошириб юборди. Ўзбек зиёлилари (олимлар, шоирлар, ёзувчилар, санъаткорлар, журналистлар) ва талабалари мустақиллик учун курашнинг олдинги сафларида бўлишди. Мазкур давр, айти пайтда жамият аъзоларининг руҳий биқикликдан миллий ва анъанавий асосларга қайтиш даври сифатида ҳам изоҳланади [5,443].

Ўзбекистонда сиёсий йўналишдаги гуруҳ ва оқимлар асосан 1988 йилнинг иккинчи ярмидан шакллана бошлади. Улар кейинчалик турли шиорлар остида ўз ҳаракат ва бирлашмаларини шакллантира бордилар ҳамда йиллар давомида йиғилиб келган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни «байроқ» қилиб, сиёсий жараёнга кириб келдилар. 1988–1990-йиллар бўсағасида кўзга ташланган ижтимоий-сиёсий бирлашмалардан куйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин: «Бирлик», Ўзбекистон демократик ҳаракати, «Интерсоюз», «Эрк», «Тўмарис», Ўзбекистон озод ёшлари каби сиёсий ташкилотлари, Ижодкор зиёлиларнинг «Сайқал» демократик ҳаракати, Суверен Қорақалпоғистон ҳаракати, “Офтоби Сўғдиёна”, “Сурқаш”, “ФАН” каби маҳаллий йўналишдаги ҳаракатлар ва бошқалар. Куйида уларнинг айримларининг фаолияти билан таништирамиз.

XX асрнинг 80-йиллари ва 90-йиллар бошида Ўзбекистон жамиятида сўнги 70 йил мобайнида биринчи марта кўппартиявийлик ҳолатининг вужудга келиши ноёб воқеа бўлди. 1988 йилнинг 11 ноябрида “Бирлик” халқ ҳаракатига асос солинди. 1989 йил 28 майда “Бирлик” халқ ҳаракатининг таъсис қурултойи бўлиб ўтди [6]. Март ойида «Эркин сўз» газетасининг дастлабки нусхаси пайдо бўлди. Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги сиёсий раҳбарияти 1989 йил май ойида “Бирлик” халқ ҳаракатининг дастурий ҳужжатларини маъқуллади ҳамда у “Ёш ленинчи” (ҳозирги “Туркистон”) газетасида эълон қилинди. 1990 йил июнь ойида ҳаракат асосида “Бирлик” партияси ташкил қилинди. Унга олим Абдурахим Пўлатов бошчилик қилди [7,451-452]. Ушбу ҳаракат “Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам” шиори остида Ўзбекистон “Бирлик” халқ ҳаракати хабарномасини чоп эта бошлади [3,70].

Шунингдек, у октябрь ойининг ўрталарида “Бирлик” ичида радикал қанот – 10 мингдан ортиқ одам кўллаб-қувватловчи Ўзбекистон эркин ёшлар иттифоқи шаклланди, ушбу иттифокнинг дастурида ҳеч қандай миллий чекловлар мавжуд эмаслигини ҳам таъкидлаб ўтган. Келиб чиқиши тожиклардан бўлган Иттифок раиси А.Абдуллаев ва бошқа раҳбарлар тожиклар, қрим татарлари ва корейларнинг маданиятини ривожлантириш тарафдорлари бўлганлар. Аммо рус тилида сўзлашувчи аҳоли ушбу ташкилотни миллатчилик руҳидаги ташкилот сифатида қараган. Ўзбекистон эркин ёшлар иттифоқи Ўзбекистон Комсомол ташкилотининг Марказий Комитети билан ҳамкорликда ишлаган, раҳбариятлари билан учрашувлари бўлиб ўтган [8].

М. Қирғизбоевнинг фикрича, «Бирлик» халқ ҳаракати илк жамоат ташкилотларидан бири бўлганлиги сабабли ҳам кўплаб хато ва камчиликлардан холи бўлмади. Ҳаракат кўп ҳолатларда жамоат ташкилоти сифатида ташкил этилган ва давлат рўйхатидан ўтган бўлса-да, у ўзида сиёсий партияга хос фаолият бошлади. Ҳаракатнинг дастури ҳам унинг аъзоларини сиёсий жараёнларда иштирок этишга кенгроқ жалб қилишга қаратилган эди [9,114-115].

Бундай юксак талаблар билан ҳаракатланаётган “Бирлик” ҳаракатининг айрим етакчилари кўрсатаётган амалий ҳаракатлар борган сари уларнинг мақсади, шиорлари ва даъватларидан фарқ қила бошлади, борган сари экстремистик, миллатчиликка оид тамойиллар, сиёсий жараёнларда етакчилик қилишга даъволар кўринишлари, ўзини республикага бошчилик қилиш ва унинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий муаммоларини ҳал қилишга қодир куч сифатида тарғиб қилиш ҳаракатлари устунлик қила бошлади. “Бирлик” партиясининг айрим етакчилари сиёсий ва иқтисодий вазиятни билмасдан ёки чуқур тушунмасдан туриб, ўзларининг дастурий даъватларига хилоф тарзда, нафақат КПССнинг қайта қуриш сиёсатини кўллаб-қувватламадилар, балки коммунистлар партиясини қоралаш йўлига ўтиб олдилар, бирданига амалга оширишнинг иложи бўлмаган у ёки бу муаммолар, масалаларни зудлик билан ҳал қилишдек ультиматив талаблар қўя бошладилар [3,72].

1989 йил сентябрида «Бирлик» ҳаракатида бўлиниш содир бўлди. Унинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси котиби Муҳаммад Солиҳ теварагига бирлашган бир қисми «Эрк» партиясини таъсис этди. Л.Левитин ўз асарида «Ўзбекистоннинг дарҳол ва тўла мустақиллигига эришиш партиянинг дастурий мақсади эди», деб таъкидлайди. 1990 йил 30 апрелда «Эрк» демократик партиясининг таъсис қурултойида унинг дастури ва низоми қабул қилинди [10,179]. 1991 йилнинг 2-3 февраль кунлари Тошкентда “Эрк” демократик партиясининг 2-қурултойи бўлиб ўтди [11,1]. Ушбу Қурултойда партия раҳбари Муҳаммад Солиҳ ўз нутқида “Эркиннинг бош ғояси – жумҳуриятнинг тўлиқ мустақиллигидир. Аммо мустақилликка бирдан сакраб ўтишнинг ҳеч иложи йўқ” [12,3] деб баёнот берди.

1991 йил 3 сентябрида митингбозлик тактикасидан воз кечган «Эрк» партияси ҳеч бир муаммосиз Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтди. Партия раҳбарияти ўз газетасини чиқариш тўғрисида ҳокимият маъмурлари билан келишиб олди ва бу билан кифояланмай, бу газетани Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий кенгаши босмаҳонасида бостириш имкониятига ҳам эга бўлди (60 минг нусха). Партиянинг ўша пайтда 54 минг аъзоси бор эди, шунингдек уларга Тошкент марказида дурустгина бино, зарур алоқа ва транспорт воситалари

берилди. 1990-йилларнинг охиридан ҳафтада бир мартачоп этиладиган мустақил журнал “Муносабат” (“Отношение”) нашр этила бошланди [10,179]. “Кишан кийма, бўйин эгма, ки сен ҳам ҳур туғилғонсен!” шиори остида чоп этилган “Эрк” газетасида иқтисодий, сиёсий, маърифий, тарихий масалалар бўйича муносабатлар билдирилган, таҳлилий мақолалар чоп этиб борилган.

Мазкур партиянинг ҳам ҳужжатлари, назарий концепциялари, ташкилий тузилиши ва иш фаолияти эски тузум ва усуллардан холи бўла олмади. «Эрк» партиясининг дастури асосан Иттифок парчаланганидан кейинги сиёсий-ижтимоий муҳитда инқилобий ўзгаришлар қилишга қаратилган бўлиб, унда эски жамиятда яшаган ўзбек халқининг руҳияти, менталитети, ижтимоий-сиёсий қарашларининг аста-секинлик билан ўзгариб бориши ҳисобга олинмаган эди [9,116].

1989 йил давомида “Бирлик” раҳнамолигида қатор ҳаракат ва бирлашмалар ташкил этила бошланди. Жумладан, “Тўмарис” аёллар ҳаракати адиба Г.Нуриллаева раҳбарлигида жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўз ўрнини топа бошлаган эди. Талабалар иштирокида (асосан ТошПИ ва ТошДУ) ташкил этилган Ўзбекистон озод ёшлари мустақил бирлашмасининг раҳбари С.Бекжонов ва А.Джураевлар эди. Юқорида номлари келтирилган иккала бирлашма аъзолари вақти-вақти билан бирлашма етакчиларининг нуқтаи назарлари баён этилган мурожаатнома ва варақалар чоп этиб тарқатишган [3,75-76].

Республикада 1989 йилда деярли фақат “европалик” аҳоли вакилларида иборат бўлган иккита янги сиёсий ташкилот – Ўзбекистон демократик ҳаракати ва Ўзбекистон СССР халқларининг байналмилал иттифоқи (Интерсоюз) ташкил этилди. Ўзбекистон демократик ҳаракати бир неча ўнлаб фаол аъзоларига эга бўлган ташкилот – клуб бўлиб, социал-демократик йўналишдаги ҳаракат сифатида ўзини кўрсата бошлади [13,37].

Ўзбекистон демократик ҳаракати В.Сраджев, М.Хаджимухаммедовлар томонидан тузилган бўлиб, ҳаракат ҳужжатларида ушбу бирлашманинг асосий мақсади инсонларга муносиб турмуш даражасини таъминловчи ва ижтимоий адолатни кафолатловчи демократик ҳуқуқий давлат қуриш, жамиятни босқичма-босқич иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ислоҳ қилиш этиб белгиланган. Ушбу ҳаракат “Эркинлик ва тенг ҳуқуқчилик, уларнинг кадр-қиммати ва ҳуқуқлари учун” деган шиор остида фаолият кўрсатган ҳамда ўзининг матбуот органи “Фуқаро” газетасини нашр қилган [3,75].

Интерсоюз ҳам ўзининг дастурий қоидалари бўйича собиқ СССРнинг бошқа республикаларидаги Интерфронтларга ўхшаш эди, яъни миллий мансублигидан қатъи назар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш унинг асосий мақсади этиб эълон қилинди [13,37-38]. Унинг ғояларини асосан рус тилида сўзлашувчи аҳоли ишлайдиган йирик корхоналар раҳбарлари қўллаб-қувватлади. “Интерсоюз” ҳаракати асосан мамлакатнинг рус тилида сўзлашувчи аҳолиси манфаатларини кўзлар эди. Ушбу ҳаракат Ўзбекистон аҳолисининг демократик хоши-истакларини қўллаб, турли кўринишдаги миллатчилик ва экстремизмга, бюрократияга, шунингдек инсон ҳуқуқлари ва қонунларининг поймол қилинишига қарши курашган. Ушбу иттифокнинг ҳамраислари сифатида М.Гребенюк, А.Травков, А. Штейнлар сайланган. Интерсоюзнинг “Интерсоюз” номли хабарномаси “Эркинлик. Тенглик. Биродарлик” шиори остида чоп этилган [3,74].

Интерсоюз ҳам, Ўзбекистон демократик ҳаракати ҳам фақат Тошкентда фаолият кўрсатган. Иккала ташкилот ҳам 1989 йил август ойида ташкил топганлигини эълон қилиб, деярли бир вақтда – 1990 йил охирида ўз фаолиятини тўхтатди, ҳолбуки, яна тахминан бир йил мобайнида расмангина мавжуд бўлган. Уларнинг сиёсий вазиятга ва русийзабон аҳолининг ижтимоий фаоллигига таъсири катта эмас эди. 1991 йил декабр ойига келиб, Ўзбекистон демократик ҳаракати ва Интерсоюзнинг бир қанча собиқ фаоллари Ўзбекистон демократик ислохотлар ҳаракатини ташкил этишди [14]. Ушбу ҳаракат ижтимоий ҳаётни демократлаштириш ва бозор ислохотлари учун даъват қилди. Ўзбекистон демократик ислохотлар ҳаракатинининг ҳам жамият томонидан муайян қўллаб-қувватлашни кутиши хом хаёл эди [15,16].

Бутун Ўрта Осиё худуди доирасида ҳам турли ҳаракат ва бирлашмалар фаоллаша бошлади. 1990 йилнинг июнь ойида Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг норасмий бирлашмалари вакиллари иштирокида бўлиб ўтган учрашувда “Туркистон” республикалараро пантуркизм, пантуронизм ғояларига асосланган муҳолиф сиёсий ташкилот тузиш зарурати ҳақида келишиб олишди. 1990 йил 15 июлда Тошкентда бир гуруҳ Ўзбекистон ва Қозоғистон зиёлилари тўпланиб, “Бутундир, Туркистон, бутундир!” шиори остида фаолият юритадиган “Туркистон” халқ ҳаракатига асос солишди. “Туркистон” халқ ҳаракатининг Низоми матбуотда эълон қилинди [16].

Ушбу ҳаракат “Туркистон” давлатини яхлит давлат сифатида тиклаш мақсадига эга эди. Унинг Низомида ушбу ҳаракат Туркистон худудига кирувчи республикаларнинг федерал бирлиги ғоясига асосланувчи эркин бирлашма эканлиги ёзилган эди.

“Туркистон” халқ ҳаракатининг барча туркистонликларга мурожаатида: “Туркистон халқ ҳаракати туркистонликлар бир-бирларини тезроқ англашлари учун илм-фан, адабиёт ва барча иш юритиш соҳаларида яқин кунлардан эътиборан ягона алифбога ўтишга эришиш, тарихий ҳақиқатлар мисолида туркистонликларнинг қон-қариндошлигини кенг тарғиб қилиш, Туркистон тарихи ва тарихий-маданий меросларини яхлит ҳолда ўрганиш, яқин келажакда Туркистоннинг ички чегараларини бекор қилиш, яъни илк даврда Туркистон Федератив Жумҳуриятини тузиш учун курашади”, – деб таъкидланган эди [17]. Ҳаракатнинг ташкилий кўмитаси раиси шоир Баҳром Ғойиб бўлса, Рауф Парфи марказий нашр ҳисобланган “Turkistan” газетасининг масъул муҳаррири бўлди [3,67].

Республикадаги бу ва бошқа ижтимоий-сиёсий тузилмалар ўзини асосан радикал демократия, ошкоралик, шунингдек сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётни ўта марказлаштиришга қарши кескин чора-тадбирлар кўриш тарафдорлари сифатида намоён эта бошладилар. Айни вақтда уларнинг фаолиятида, айниқса етакчиларининг шиорларида миллатчиликка берилиш ҳоллари кузатилган.

Шу билан бирга, бу даврда СССРнинг ягона партияси ҳисобланган ва давлат бошқарувини мутлақ қўлида тутиб турган КПССнинг ичида ҳам зиддиятлар, ўзаро келишмовчиликлар кучая борди. Масалан, 1990 йил давомида КПССнинг 1,8 млн. аъзоси партия сафидан ўз ихтиёри билан чиқиб кетди. Вақт ўтиши билан собиқ коммунистлар кейинчалик ҳукуматга қарши муҳолафат кучларини бошқарганлигини ҳам алоҳида қайд этиш жоиз [18,43]. Бу ҳолатлар бир неча ўн йиллар мобайнида шаклланган ва ўз мавқеини бой бермай келган, маъмурий бўйруқбозликка асосланган сиёсий тизимга кучли зарба берди.

Республикада коммунистик партия ва унинг тузилмаларини тугатиш, коммунистик мафкура ва дунёқарашдан покланиш жараёнлари ҳам тадрижий йўл билан рўй берди. Мамлакатда халқ манфаатлари ва сиёсий иродаларини эркин билдириш ва уларни эркин ифода этиш учун ҳуқуқий асослар ва эркин сиёсий муҳит яратилиши билан ҳамоҳанг тарзда сиёсий партиялар ҳам тузила бошланди.

1991 йил 28 август куни Ўзбекистон Компартияси МҚ ва Марказий назорат комиссиясининг қўшма пленуми бўлиб ўтди. Пленум Республика Компартиясининг КПСС МҚ билан ҳар қандай алоқаларни тўхтатишга, КПССнинг барча тузилмаларидан чиқишга, унинг марказий органларидаги ўз вакилларини чақириб олишга қарор қилди. 1991 йил Россия Федерациясининг Президенти Б.Н.Ельцин фармони билан КПСС фаолияти Россия худудида тўхтатилди ва партиянинг ташкилий тузилмалари тарқатиб юборилди. Ўзбекистонда ҳам КПССнинг шўъбаси тугатилиб, бирпартияли тизимнинг ҳукмронлигига барҳам берилди [19,55].

Ўша пайтларда кенг жамоатчиликни ўз ғояларига эргаштира олган “Бирлик” халқ ҳаракати ва “Эрк” демократик партияси сафларида ҳам миллат ва юрт дарди, унинг порлоқ истиқболи билан яшаб нафас олаётган фидойилар ҳам анчагина борэди. Шу боис ҳам И.Каримов ўз вақтида “Бирлик” халқ ҳаракати орасида халқимизнинг тақдирига бефарқ қарамайдиган, келажакимиз учун курашадиган, жонқуяр, ақлли йигитларимиз, ёшларимиз кўп. Шу йигитлар билан ҳамкорликка, биргаллашиб ишлашга ҳаммамиз тайёрмиз” [20,68], деган эди.

Бироқ “Бирлик” халқ ҳаракати ва “Эрк” демократик партияси лидерлари ҳокимиятни қўлга олиш илнжидида ҳукуматга қарши курашнинг бошқайўлини танладилар ва оддий меҳнаткаш халқни даҳшатли, боши берк кўчага бошладилар [21,683]. И. Каримов «Эрк» партиясининг ҳам хайрихоҳлиги, унинг ижобий куч сифатида сиёсий тизимга қўшилишдан умид қилган эди. Лекин акси бўлди. Амалдаги ҳокимият миллий манфаатларни муҳолифатдан қатъийроқ ҳимоя қила бошлагач, сиёсий манфаатларга муккасидан кетган муҳолафат нима қиларини билмай қолди. Мамлакатга дабдабали шиорлар эмас, амалий ислохот дастурларини таклиф қиладиган одамлар муҳолафат орасидан чиқмади. Ҳокимиятни тўхтовсиз танқид қилиш, ҳокимиятни ағдаришга кодир куч сифатида талабалар ва умуман ёшларга мурожаат этиш бошланди [10,179].

Сиёсатшунос олим Р.Жумаевнинг фикрича, “Эрк”, “Бирлик” ва шунга ўхшаш партияларнинг энг жиддий камчилиги уларнинг ўз қобиғига ўрнашиб қолганликларида эди. Бу дастлабки пайтданок, алоҳида йўлбошчилари, муҳолифати, бир-бирига яқин руҳдаги дастур ва ғоялари бўлган партиялар ва ҳаракатлар ҳамжиҳатлиги борасида маҳорат йўқлигида намоён бўлди, улар бирор бир ижобий иқтисодий, социал дастур таклиф эта олмади [4,37].

И.Каримов тўғри таъкидлаганидек, «Партия дегани – бу мансаб учун, лавозим учун кураш эмас, балки муайян ғоя учун, унинг жамиятда устувор бўлиши ва рўёбга чиқиши учун кураш демакдир. Агар партия маъносини мана шу нуктаи назардан тушунар эканмиз, қанча партия бўлса бўлаверсин, уларнинг фаолиятига тегишли шароит яратиб берилади. Аммо, жамиятни бўлиб ташлаш, одамларни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйиш, турли бекарорликлар келтириб чиқарадиган ғоялар тарғиб қилинадиган бўлса, бундай партиялар бизга керак эмас» [22,351].

Юқоридаги фикрлардан ҳам кўриниб турибдики, мустақилликнинг дастлабки ойларида турли сиёсий кучлар мамлакатдаги вазиятдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб қолишга ҳаракат қилдилар. Аслида ҳақиқий демократия сиёсатчиларнинг ҳақиқий сиёсат юргизиш санъатини эгаллашларида, бошқаларни тоқат билан тинглаш ва сўзлашларида, рақибини ҳурмат қилишларида намоён бўлади.

4.Хулосалар:

Республикада кўппартиявийликка асосланган демократик давлат ва фуқаролик жамиятига ўтилиши жараёнлари ўта мураккаб сиёсий вазиятларда ривожлана борди. Мамлакатда фаолият кўрсатаётган сиёсий ва ижтимоий бирлашмаларнинг жамиятда тинчлик ва тотувликни сақлаб қолишга қаратилган саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, ушбу бирлашмаларни халқ қўллаб-қувватлаган ислохотлар стратегиясининг асосий принципларини амалга оширишда фаол иштирок этишга жалб қилиш давлатнинг асосий мақсадларидан бири эди.

Натижада, мустақиллик йилларида республикада Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон “Эрк” демократик партияси, Ўзбекистон «Ватан тараққиёти» демократик партияси, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси, Ўзбекистон Адолат социал-демократик партияси, Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон экологик партияси каби сиёсий партиялар фаолият юритди ҳамда бугунги кунга келиб бешта сиёсий партия мамлакат сиёсий ҳаётида ўзаро кураш олиб бормоқда.

Умуман олганда, республикада кўппартиявийликнинг шаклланиши – мураккаб, серқирра муаммо бўлиб, нафақат мавжуд ижтимоий-сиёсий вазиятни билишни, балки республикада ва бошқа мамлакатларнинг тарихий тажрибасини ҳам ўрганишни талаб қилади. У ижтимоий-фалсафий, ҳуқуқий, социологик, иқтисодий ва бошқа кўплаб жиҳатларга эга.

«Қайси партияга мансублигидан қатъи назар, барча юртдошларимизни бирлаштирадиган ягона ва муштарак мақсад – бу жонажон Ўзбекистонимиз, унинг буюк келажагидир. Айни шу мақсад ҳаммамизни она юртимизга садоқат билан хизмат қилишга

даъват этади»[1], – деб таъкидлаган эди Ш.М.Мирзиёев.

Шундай қилиб, сиёсий партиялар аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ва фаоллигини ошириш, уларнинг давлат сиёсатини ташкил этиш ва бошқаришдаги иштирокини таъминлаш орқали давлат ва жамият ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўтайди, аҳолининг жамоатчилик фикрини шакллантиришда, фуқароларнинг сиёсий ҳаётда фаол иштирокини таъминлашда муҳим ўринга эга.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Мирзиёев Ш.М. Сиёсий партиялар демократик жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланиши керак (22.08.2019) // www.president.uz/uz/lists/view/2819 (Mirziyayev Sh.M. Political parties urged to become active participants in democratic processes(22.08.2019) // www.president.uz/uz/lists/view/2819)
2. Дюверже М. Политические партии / Пер. с франц. Академический Проект. – 2002. – С.318. (M. Duverger. Political Parties / Translation from French Academic Project. - 2002. – P.318.)
3. Абдунабиев А. Многопартийность – форма политической организации общества. – Ташкент: Узбекистан, 1991. – С. 77. (Abdunabiev A. Multi-party system - a form of political organization of society. - Tashkent: Uzbekistan, 1991. – P. 77.)
4. Жумаев Р. Давлат ва жамият: демократлаштириш йўлида. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б.35-36. (Jumaev R. The state and society: on the path to democratization. - Tashkent: Sharq, 1998. –P.35-36.)
5. Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). К.2. Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М.Раҳимов, Қ.Ражабов. Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институти. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи-методик марказ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б. 443. (History of Uzbekistan (1917-1991). Responsible editors: R.Abdullaev, M.Rahimov,Q.Rajabov. Institute of History of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.Coordinating and Methodological Center for Modern History of Uzbekistan. - Tashkent:Uzbekistan, 2019. - P. 443.)
6. “Бирлик” (Тошкент). № 5. 1989 йил окт. ("Birlik" (Tashkent). № 5. Oct. 1989.)
7. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). К.2. Ўзбекистон 1939-1991 йилларда. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б.451-452. (History of Uzbekistan (1917-1991). Uzbekistan in 1939-1991. - Tashkent: Uzbekistan, 2019. – P.451-452.)
8. Прибыловский В. Две оппозиции «Бирлику» // Панорама. №12. Декабрь. 1989 // <http://xn--80aaa1cdgel.xn--p1acf/gazeta/1-30/p12news.html> (Pribylovsky V. Two Oppositions to Birlik // Panorama. No. 12. December, 1989 // <http://xn--80aaa1cdgel.xn--p1acf/gazeta/1-30/p12news.html>)
9. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. – Тошкент, 1998.– Б.114-116. (Kirgizboyev M. Civil society: political parties, ideologies, cultures. - Tashkent, 1998. - P.114-115.)
10. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. – Тошкент,2001. – Б. 179. (Levitin L. Uzbekistan is at a turning point. - Tashkent, 2001. - P. 179.)
11. 11.Бугун Тошкентда “Эрк” демократик партиясининг 2-қурултойи ўз ишини бошлайди // Эрк. №4 (31). – 1991. Далв (3-февраль). – Б.1. (The 2nd Congress of the Democratic Party "Erk" starts today in Tashkent // Erk. №4 (31). -1991. Dalv (February 3). - P.1.)
12. ЭДПнинг 2-Қурултойида Муҳаммад Солиҳ сўзлаган нутқ // Эрк. №5. – Далв (18 февраль). – Б.3. (Speech by Muhammad Salih at the 2nd Congress of the EDP // Erk. №5. - Dalv (February 18). - P.3.)
13. Состояние страны. Аналитический вестник/Информационное агентство Postfactum. – Москва, 1991. – № 6. – С.37. (State of the country. Analytical Bulletin / Postfactum News Agency. - Moscow, 1991. - No. 6.- P.37.)


14. Экспресс-хроника. 24 марта 1992 г. № 12(242). (Express Chronicle. March 24, 1992, No. 12 (242).
15. Брусина О. И., Осипов А. Г. Межнациональные отношения: взгляд на проблемы Узбекистана // Век XX: этничность, общество, государство. – 1993. № 3. – С.16. (Brusina O. I., Osipov A. G. Interethnic relations: a look at the problems of Uzbekistan // Century XX: ethnicity, society, state. - 1993. No. 3. - P.16.)
16. “Туркистон” халқ ҳаракатининг Низоми // “Turkiston» (Тошкент) №1. – 1990 йил июль. Charter of the people's movement "Turkiston" // "Turkiston" (Tashkent) №1. - July 1990.
17. “Туркистон” халқ ҳаракатининг барча туркистонликларга мурожаати // Бирлик. 1990. № 21. Август. (Address of the people's movement "Turkiston" to all Turkestanians // Birlik. 1990. № 21. August).
18. Бондарь В.Я. (1991). КПСС: Консолидация обновление // Вопросы истории КПСС. – 1991. – №6. – С.43. (BondarV.Ya. (1991). CPSU: Consolidation update // Questions of the history of the CPSU. -1991. - No. 6. - P. 43.)
19. Қурбонов С.Ш. Ўзбекистон Халқ Демократик партияси (Ташкил топиши ва фаолиятдан лавҳалар). Тошкент, 2001. Б.55. (Qurbonov S.Sh. People's Democratic Party of Uzbekistan (Pictures from the formation and activity). Tashkent, 2001.- P.55)
20. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – Б.68. (Karimov I.A. Uzbekistan is on the verge of independence. - Tashkent: Uzbekistan, 2012. -P.68.)
21. Jo'rayev N., Karimov Sh. O'zbekiston tarixi. – Toshkent, 2011. – P.683. (Jo'rayev N., Karimov Sh. History of Uzbekistan. - Tashkent, 2011. - P.683.)
22. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 351. (Karimov I. A. May we have a free and prosperous Motherland. T.2. - Tashkent: Uzbekistan, 1996. - P. 351.

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Холмуродов Дилшод,
Жиззах давлат педагогика институти
ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ЎРТАСИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК

For citation: Dilshod Khalmuradov, COOPERATION BETWEEN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND THE RUSSIAN FEDERATION IN THE FIELD OF HIGHER EDUCATION. 2020, vol. 9, issue 3, pp.69-74

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-9-10>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги Олий таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг ривожланиш босқичлари талқин қилиб берилган. Бунда Ўзбекистоннинг мустақиллик йиларида олий таълим соҳасида Россия билан бу соҳадаги ҳамкорликнинг янада фаоллашгани аниқ маълумотлар асосида асослаб берилган. Республикамиз олий таълим соҳасида ислохотларни муваффақиятли амалга ошириляётганлиги, бунда айниқса жаҳон таълими тизими тажрибаларидан самарали фойдаланиляётганлигини кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон Республикаси, Россия Федерацияси, Олий таълим, ҳамкорлик, Миллий дастур, ислохот, вазирлик, университет, институт, докторантура, магистратура, талаба.

Халмуродов Дилшод,
Преподаватель Джизакского
государственного педагогического института

СОТРУДНИЧЕСТВО МЕЖДУ РЕСПУБЛИКОЙ УЗБЕКИСТАН И РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИЕЙ В ОБЛАСТИ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ

АННОТАЦИЯ

В данной статье описаны этапы развития сотрудничества между Республикой Узбекистан и Российской Федерацией в области высшего образования. В то же время, он основан на конкретных данных, что за годы независимости Узбекистана в сфере высшего образования стало более активно сотрудничество с Россией в этой сфере. Отмечается, что в стране успешно реализуются реформы в сфере высшего образования, особенно с эффективным использованием опыта мировой системы образования.

Ключевые слова: Республика Узбекистан, Российская Федерация, высшее образование, сотрудничество, национальная программа, реформа, министерство, университет, институт, докторантура, магистр, студент.

Khalmuradov Dilshod,
Lecturer at Jizzakh State Pedagogical Institute

COOPERATION BETWEEN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND THE RUSSIAN FEDERATION IN THE FIELD OF HIGHER EDUCATION

ABSTRACT

This article describes the stages of development of cooperation between the Republic of Uzbekistan and the Russian Federation in the field of higher education. At the same time, it is based on specific data that over the years of independence of Uzbekistan in the field of higher education, cooperation with Russia in this area has become more active. It is noted that the country is successfully implementing reforms in the field of higher education, especially with the effective use of the experience of the world education system.

Index Terms: Republic of Uzbekistan, Russian Federation, higher education, cooperation, national program, reform, ministry, university, institute, doctoral studies, master's degree, student.

1. Долзарблиги:

Мамлакатда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб таълим-тарбия тизимини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, ёшларни жаҳон андозаларига мос шароитларда замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллашлари, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб вояга етишларини таъминлаш, уларнинг қобилият ва истеъдоди, интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, ёшлар қалбида она юртга садоқат ва фидойилик туйғуларини камол топтириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Давлат раҳбарининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонида ижтимоий соҳа, хусусан, таълим ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш борасида бир қатор вазифалар белгиланган. Ҳужжатда таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги таълим муассасаларини қуриш, таъмирлаш ва капитал таъмирлаш баробарида уларни замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш назарда тутилган.

2017-2021 йилларда олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш дастурини ишлаб чиқиш, ўқув дастурларини янада такомиллаштириш, пуллик хизматлар кўрсатиш ва молиялаштиришнинг кўшимча манбаларини излашда олий ўқув юртларининг ваколатларини кенгайтириш йўли билан уларнинг мустақиллиги босқичма-босқич ривожлантирилиб борилади. 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг етмишга яқин қарор, фармон ва фармойишлари қабул қилинди. Бу том маънода таълим тизимидаги ўзгаришлар ва янгиланишлар жараёнини бошлаб берди. Бугунги кунда таълим тизимини такомиллаштириш, ўқув адабиётлари билан сифатли таъминлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалалари долзарб аҳамият касб этмоқда.

2. Методлар:

Мақолада Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги олий таълим соҳасидаги ҳамкорлик масалалари тарихий-хронологик, анализ ва синтез, тарихийлик, мантиқийлик, қиёсий таҳлил каби тадқиқот усуллари орқали таҳлил қилинган.

3. Тадқиқот натижалари:

Таълим шахсининг бутун умри мобайнида ва жамият ривожиди муҳим рол ўйнайди, бу жараёндаги асосий бурчига айланади. Таълим соҳасидаги сиёсат билимларни бойитиш, маълум даражада алоҳида шахс, одамлар, гуруҳлар ва халқлар орасидаги муносабатлар жараёнидир. Ҳаёт, жамият эса муттасил ўзгариб боради. Демак, таълим ҳам жамиятдаги ўзгаришларга мослашиши керак. Бугунги кунда дунёнинг кўплаб давлатлари таълим

тизимини ислоҳ қилиш билан машғул, чунки таълим сифати мамлакат тараққиёти, унинг салоҳияти ва қудратини белгилаб беради.

Мамлакатимиз ҳам шу йўлдан бормоқда. "Таълим тўғрисида"ги Қонунга асосланиб, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган долзарб масалаларни босқичма-босқич бажаришда бошқа давлатлар, хусусан, Россиянинг таълим соҳасидаги тажрибасидан фойдаланиш Ўзбекистон ташқи сиёсатида алоҳида ўрин тутмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Россия Федерацияси билан ижтимоий, гуманитар соҳаларда ҳам яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Фан-таълим, тиббиёт, маданият ва саънат, турли бошқа йўналишларда алоқалар фаоллашмоқда[1]. Таълим, кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликка келсак, бугунги кунда Россиянинг иқтисодиёт, сервис, бошқарув, лингвистика, педагогика, қишлоқ хўжалиги, информатика соҳаларида мутахассислар тайёрлайдиган ўнлаб олий ўқув юртлари билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги илм-фан соҳасидаги алоқалар чуқур тарихий илдизга эга. Мустақиллик даврида бу йўналишдаги алоқалар янада фаоллашганини таъкидлаш керак. Шу даврда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг етакчи институтлари Россиянинг бир қатор илм масканлари билан ўзаро алоқалар ўрнатиб икки давлат ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожланишига ўз хиссаларини қўшдилар. Айниқса, математика, физика, кимё, биология, ахборот технологиялари соҳасидаги ҳамкорлик унумли бўлди. Мисол учун биргина Жиззах давлат педагогика институти жамоаси учун ҳам икки давлат ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1990-1993 йилларда Россия Федерациясининг Россия педагогика академияси аспиранти бўлган ва А.Манахов раҳбарлигида илмий изланишларни амалга оширган А.Сувонкулов 1995 йилда "V-VI синф математика дарсларида иқтисодий таълим-тарбия хусусиятлари" мавзусида номзодлик десертациясини ҳимоя қилди. 1990-2015 йиллар давомида Жиззах Давлат педагогика институтидан 20га яқин ўқитувчи педагоглар Россия Олий ўқув юртларида малака оширдилар, аспирантура ва стажировкада бўлдилар[2].

Ўзбекистон Республикасининг кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий йўналишидан бири ҳам олий таълимни тубдан ислоҳ қилиш эди.

Шу мақсадда мамлакатимизда жаҳоннинг етакчи Олий ўқув юртларнинг филиаллари очила бошланди.

Шундай Олий ўқув юртларидан бири Г.В.Плеханов номидаги россия иқтисодиёт Университети филиали 1995 йилда Тошкент шаҳрида очилди. Бу Университет жаҳонда ўз нуфузига эга. Университетда 70 минг талаба ўқийди. Москвани ўзида 20 минг талаба ўқийди.

Таълим жараёнида юқори малакали проф-ўқитувчилар дарс беради. Фақат Москвани ўзида 1800 ўқитувчи, улардан 330 нафари фан докторлари, 1100 та фан номзодларидир.

Филиаллардаги профессор ўқитувчиларнинг умумий сони 1700 ўқитувчи улардан 240 таси фан докторлари, 780 таси фан номзодидир[3].

Университетнинг барча тармоқларида магистрлар, аспирантлар ва докторантлар тайёрланади.

Ҳозирги кунга қадар Республикамизда филиалда 2825 та бакалаврлар ва магистрлар тайёрланди.

Республикамизни Биринчи Президенти И.А.Каримов Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодий Университетининг фахрий доктори эди.

Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодий университетини томонлаганлиги тўғрисидаги Диплом Республикамизда ҳам олий маълумотга эга ҳисобланадиган ҳужжатдир. Бу ҳужжатни бутун дунё олий ўқув юртлари тан олган. ЮНЕСКО ва Балон конвенцияси билан сертификатланган.

Республикамизда Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодий Университетининг филиалида иқтисодиёт, бизнес ва финанс факультетлари фаолият кўрсатмоқда.

Республикамиз олий таълим соҳасида ислохотларни муваффақиятли амалга оширар экан, бунда жаҳон таълим системаси тажрибаларидан самарали фойдаланилмоқда. Зеро,

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ўз чиқишида Олий таълим соҳасидаги ислохотларни 2017-2021 йиллар давомида ҳаётга самарали ва изчил тадбиқ этишни вазифа қилиб қўйди[4].

Россия Олий ўқув юртларида магистратура, аспирантура ва бошқа таълим муассасаларда таҳсил олишлари учун давлат линиялари бўйича 140 та стипендия ажратилган. 2006 йил сентябр ойдан бошлаб юртимиздаги олий ўқув юртлар яна биттага қўпайди. Мамлакатимизга Россия Федерациясининг Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент филиали фаолиятининг бошланиши иттифоқчилик муносабатларининг амалдаги яна бир ёрқин ифодаси бўлганди.

2007 йил 12 январда Тошкент шаҳрида И.М. Губкин номидаги Россия давлат нефт ва газ университети филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори қабул қилинди[5]. Бу мамлакатимизда нефт-газ соҳасида кадрларни этиштириб беришни таъминлади. Бу соҳадаги икки мамлакат ҳамкорлигининг янада ривожланишидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов 2008 йил 22 феврал Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг Москва шаҳрида ўтган норасмий Саммитида иштирок этди[6]. Ташриф доирасида Ўзбекистон Республикасини Биринчи Президенти Ислон Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путинга мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга, Халқларимизнинг дўстлигини мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси учун Ватанимизнинг юксак мукофоти "Буюк хизматлари учун" орденини топширди.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия федератив Республикаси ўртасидаги маданий ва гуманитар ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага асосан икки томонлама муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда[7].

Мисол учун шу вақт давомида 100га яқин Ўзбекистон Олий ўқув юртларидан Россия олий ўқув юртларида конференция, симпозиум, семинарларда иштирок этишди. Фақат 2010 йилни ўзида 40 та юқори курс талабалари Россия қишлоқ хўжалиги академиясида (Челябинск) тажриба алмашиш учун бориб келишди. 2011 йили эса 18 та ўқитувчилар, 10 та магистрлар Россия олий ўқув юртларида малака оширдилар, тажриба алмашиб келдилар[8].

Ўзаро шартномага асосан Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси олий ва ўрта таълим Вазирлиги келишувига мувофиқ 2010-2015 ўқув йилларида 50 га яқин олий ўқув юртимиз вакиллари Россия Олий ўқув юртларида магистратурада таълим олдилар.

22 та олий ўқув юртларимиз вакиллари Россия олий ўқув юртларига аспирантурага юборилди [9].

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги олий таълим соҳадаги ҳамкорлик икки мамлакат олий ўқув юртлари ўртасида ҳам қизгин давом этирилаяпти. Шунингдек, Қори Ниёзий номидаги педагогика илмий-тадқиқотлар институти билан Н.А.Никрасов номидаги Кострома давлат Университети ўртасида илмий-тадқиқотларни биргаликда олиб боришга шартнома имзоланган [10]. Бунда ҳамкорликда илмий ва методик соҳасида мақолалар чоп этиш, ўзаро ўқитувчилар билан тажриба алмашиш, малака ошириш, тўплам ва монография чоп эттириш ўқув-методик қўлланмалар яратиш ишлари олиб борилди.

Мамлакатимизда 2010 йилги малумотларига кўра: 785 та рус тилида таълим берувчи мактаб фаолият олиб борган бўлса, шундан 128 тасида тўлиқ ушбу тилда ўқитиш ихтисослашган. Юртимизнинг барча олий ўқув юртларда рус гуруҳлари мавжуд. Ўзбекистонда ҳар йили бу тилда 1,4 миллион нусхада 50 турдаги ўқув қўлланмалар ва адабиётлари, 82 та газета ва 20 та журнал чоп этилади[11].

2015-йилга келиб рус ва ўзбек тилларида таълим бераётган мактаблар сони 800 дан ошган[12]. Мамлакатимиз олий ўқув юртларининг барчасида рус тилида таҳсил оладиган факультетлар мавжуд.

Тошкентда М.Ломоносов номидаги Москва Давлат Унверситети Г.Плиханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, И.Губкин номидаги Россия Давлат Нефт ва газ Университети филиаллари муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

2016-йил 25-апрелда Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг Россия Федерацияси президенти В.Путин билан Москва шаҳрида олиб борган музокаралари пайтида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги кенг қамровли шартномавий-ҳуқуқий асосга эга икки томонлама илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик изчил ривожланаётганлиги, бу ҳамкорлик икки давлат Халқларининг дўстлик алоқаларини юксалтиришга ёрдам беради. Гуманитар, ташқи иқтисодий, олий таълим, жисмоний тарбия соҳасидаги муҳим ҳужжатлар ҳисобланади [13].

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги олий таълим соҳасидаги ҳамкорлик ўзининг юқори босқичига кўтарилмоқда. Бунинг яққол мисоли тариқасида 2018 йил 18-19 октябр кунлари Тошкентда мамлакатимиз тарихида илк бор Таълим форуми бўлиб ўтди. Унда Россиядаги 80 ортиқ етакчи олий ўқув юртли вакиллари қатнашишди.

Форумда М.Ломоносов номидаги Москва Давлат Университети ректори таниқли олим В.Садовничий “Бугунги кунда Ўзбекистонда илм, фан таълим тарбия соҳасидаги ислохотлар ўзига хос динамик тарзда ривожланиб бораётганлигини алоҳида эътироф этиб, Россия Олий таълим муассасалари дунё рейтинги ТОП 1000 талиги ичида 12 та Россия Олий таълим муассасалари ўрин олганлиги, шунингдек, Москва давлат Университетида 48 мингдан ошиқ талабаларнинг таҳсил олаётганлиги, 28 та факультет, 132 та кафедра фаолият юритаётганлигини, университетда 4 та Нобель мукофоти соҳиби, 12 та академик, университет илмий салоҳиятининг 90%ни фан докторлари ташкил этишини, кучли ТОП 200 таликни МГУ 10 ўринда турганини ва алоҳида равишда Садовничий 90% битирувчилар илмий тадқиқот ишларига жалб қилинганлигини мамнуният билан қайд этди[14].

Мамлакатимизда Россиянинг етакчи олий ўқув юртли филиалларини очиш тўғрисида 130 дан ортиқ келишув имзоланди. 2018 ўқув йилидан Олмалик шаҳрида Москва пўлат ва қотишмалар институти филиали иш бошлади. Москва давлат халқаро муносабатлар институти, “ММФИ” миллий тадқиқот ядро университети, Бутунроссия кинематография давлат институти, Москва энергетика институти, Россия кимё-технология университети филиалларини очиш режалаштирилган.

Таълим соҳасидаги ўзаро алоқалар ҳам катта истиқболга эга. Ўзбекистон Россия олий ўқув юртлиларида талабаларнинг таҳсил олиш кўрсаткичлари бўйича етакчилар қаторида туради. 2017 йилда ўзбекистонлик 5500 дан зиёд абитуриентлар Россия олий таълим муассасалари ўқишга кирди. Уларнинг 170 нафари Россия ҳукумати томонидан ажратилган таълим квоталари бўйичадир. 2018 йилда мазкур квота 203 ўрингача кўпайтирилди. Ўз навбатида, ўзбекистонликлар учун, жумладан, ижодий йўналишлар бўйича ҳам бюджет квоталарини келгусида янада кўпайтиришга доир келишув мавжуд.

Таълим форуми давомида Россиянинг етакчи олий ўқув юртлилари билан Мамлакатимиздаги олий ўқув юртлилари икки томонлама диплом олишга хизмат қилувчи меморандум билан шартномалар имзоланди. М.Ломонов номидаги Москва давлат университети билан Ўзбекистон миллий университети, Бухоро давлат университети, Фарғона давлат университети ва бошқалар билан тузилган битимлар шулар жумласидандир.

Мисол тариқасида масалан, Россия Федерациясининг Тула давлат педагогика университети билан Жиззах давлат педагогика институти ўртасида талабаларга кенг имкониятлар яратиш мақсадида 2 томонлама диплом олишга хизмат қилувчи меморандум ва шартномалар имзоланди. Эндиликда мазкур ҳужжатга кўра институтда таҳсил олувчи талабалар ичидан 30 та номзод саралаб олиниб, талабаларимиз ўқишни Тула давлат педагогика университетида давом эттирадilar[15].

4.Хулосалар:

Шундай қилиб, Ўзбекистонда Россия олий ўқув юртлиларини очилиши ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу мамлакатимизда рақобатбардош, замон талабига жавоб бераоладиган кадрларни тайёрлашга катта ҳисса қўшади, ҳамда Республикаимизда қабул қилинган кадрлар тайёрлаш миллий дастурини бажарилишга ўз ҳиссасини қўшади.

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги Олий таълим соҳасидаги ҳамкорликни ривожланиши ўзининг тарихий маданий, этник ва бошқа асосларга эга. Бу ҳамкорликни

янада ривожлантириб, мамлакатлармизни илм-фан ютуқларидан кенгрок фойдаланишни тақозо этади. Бундай ҳамкорлик икки давлат Халқларининг дўстлик алоқаларини янада юксалтиришга ёрдам беради.

Иқтибослар/Сноски/References:


1. Ўзбекистон Миллий архиви. М-7-Фонд, 2- Рўйхат, 80-иш, 39-бет. (National Archive of Uzbekistan Fund M-7, List 2, Case 80, page 39).
2. Жиззах Давлат педагогика институти жорий архиви, 1995-2015 йиллар маълумотлари. (Current archive of Jizzakh State Pedagogical Institute, data for 1995-2015.)
3. Сиддиқов Р.Б. Российские образовательные стандарты и опыт их применение в системе высшего образования Узбекистана. Вкн: «Личность и время: Николай Остроумов», международная научная конференция. – Ташкент, 2016. – С.298. (Siddikov RB Russian educational standards and experience of their application in the higher education system of Uzbekistan. Vkn: "Personality and time: Nikolai Ostroumov", international scientific conference. - Tashkent, 2016. - p. 298.)
4. Мирзиёев Ш.М. Демократик ислохотларни изчил давом эттириш халқимиз учун тинч ва осойишта муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт кафолатидир. XXI аср, 2016 йил 20 октябрь. (Mirziyoev Sh.M. Consistent continuation of democratic reforms is a guarantee of sustainable development for our people to create a decent standard of living in peace and tranquility. XXI century. October 20, 2016.)
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 январдаги “Тошкент шаҳрида И.М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-564-сон қарори//lex.uz (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 12, 2007 “I.M. Resolution No. PQ-564 "On the organization of the branch of the Russian State University of Oil and Gas named after Gubkin" // lex.uz)
6. Бобоев А. МДҲ: Москва саммити. //Халқ сўзи, 2008 йил 23 февраль. (Boboev A. CIS: Moscow Summit. // People's speech, February 23, 2008.)
7. Ўзбекистон Миллий архиви М-7-Фонд, 2- Рўйхат, 80-иш, 39-бет. (National Archive of Uzbekistan Fund M-7, List 2, Case 80, page 39-40).
8. ЎЗР Фан ва технология Агентлигининг жорий архиви ахбороти, 4-варақ (Information from the current archive of the Agency of Science and Technology of the Republic of Uzbekistan, page 4)
9. ЎЗР Фан ва технология Агентлигининг жорий архиви ахбороти, 5-варақ (Information from the current archive of the Agency of Science and Technology of the Republic of Uzbekistan, page 5)
10. ЎЗР Фан ва технология Агентлигининг жорий архиви ахбороти, 6-варақ (Information from the current archive of the Agency of Science and Technology of the Republic of Uzbekistan, page 6)
11. “Халқ сўзи”, 2016 йил, 27 апрель (Xalq so'zi, Aprel 27, 2016)
12. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими Вазирлигининг жорий архиви, 53-бет. (Current archive of the Ministry of Public Education of the Republic of Uzbekistan, page 53.)
13. “Халқ сўзи”, 2016 йил 27 апрель (Xalq so'zi, Aprel 27, 2016).
14. “Халқ сўзи”, 2018 йил 19 октябрь (Xalq so'zi, Oktabr 19, 2018)
15. “Жиззах ҳақиқати”, 2018 йил 10 ноябрь (Jizzax haqiqiati, Noyabr 10, 2018).

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Шарофиддин Хонимов,
Ўзбекистон Миллий университети тадқиқотчиси
sharofiddin_2017@mail.ru

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

For citation: Sharofiddin Khonimov, LEGAL BASIS FOR IMPROVING THE EFFICIENCY OF STATE POLICY FOR YOUTH. 2020, vol. 9, issue 3, pp.75-80

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-9-11>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда асосий ҳуқуқ манбалари, уларни амалда тадбиқ этиш ва бу жараёндаги мавжуд муаммолар, ҳуқуқий нормаларнинг ижро этилиши ҳолатлари, ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали тизими ва уларнинг ташаббусларини рўёбга чиқариш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: қонун, норматив-ҳуқуқий ҳужжат, ёшларга оид давлат сиёсати, фармон, қарор, қонунийлик, сиёсий саводхонлик, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият.

Шарофиддин Хонимов,

Исследователь
Национального университета Узбекистана
sharofiddin_2017@mail.ru

ПРАВОВАЯ ОСНОВА ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОЛИТИКИ ДЛЯ МОЛОДЕЖИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье описывается нормативно-правовые акты, принятые в сфере государственной молодежной политики, основные источники права в сфере защиты прав молодежи, их реализация и существующие проблемы в этом процессе, реализация правовых норм, эффективная система защиты молодежи и реализация их инициативы.

Ключевые слова: право, нормативно-правовая документы, государственная молодежная политика, указы, решения, легитимность, политическая грамотность, правосознание и правовая культура.

Sharofiddin Khonimov,
Researcher National University of Uzbekistan
sharofiddin_2017@mail.ru

LEGAL BASIS FOR IMPROVING THE EFFICIENCY OF STATE POLICY FOR YOUTH

ABSTRACT

This article describes the normative legal acts adopted in the field of state youth policy, the main sources of law in the field of protecting the rights of youth, their implementation and existing problems in this process, the implementation of legal norms, an effective system for the protection of youth and the implementation of their initiative.

Index Terms: law, regulatory framework, state youth policy, decrees, decisions, legitimacy, political literacy, legal awareness and legal culture.

1. Долзарблиги:

Жаҳондаги глобаллашув жараёнлари, инновацион жамиятга бўлган эҳтиёж, фан-техника тараққиёти ёшлар учун кўплаб имкониятлар яратиш билан бир қаторда, уларнинг олдига тезкор қарорлар қабул қилиш, инновацион тафаккурни шакллантириш, интеллектуал салоҳиятни ошириш каби кўплаб талабларни қўймоқда.

Шу боис Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда асосий эътибор ёш авлод вакиллари йўлантириб келаётган бугунги куннинг долзарб муаммоларини ҳал этишга қаратилмоқда.

Ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш тизимини такомиллаштириш, уларнинг интилишларини қўллаб-қувватлашга қаратилган илғор ислохотлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиздаги туб ўзгаришлар ёшларга оид давлат сиёсатини янада ривожлантиришни кун тартибига қўймоқда [1].

Ёшлар сиёсати соҳасидаги тажрибани бойитган ҳолда, мамлакатимизда ёш авлоднинг конституциявий ҳуқуқларини кафолатлаш, ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий ва ташкилий механизмларини янада такомиллаштириш борасидаги мақсад ва вазифалар, устувор йўналишлар ҳамда амалга оширилиши лозим бўлган тегишли чора-тадбирлар бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир.

Шу нуқтаи назардан мамлакат тараққиёти йўлида ёшларнинг иқтидори ва имкониятларидан самарали фойдаланиш, уларнинг бугунги кундаги жамият ривожини ва истиқболи йўлидаги ташаббусларини қўллаб қувватлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган методлар – қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, кузатиш, ўлчаш тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда асосий ҳуқуқ манбалари, уларни амалда тадбиқ этиш ва бу жараёндаги мавжуд муаммолар, ҳуқуқий нормаларнинг ижро этилиши ҳолатлари, ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали тизими ва уларнинг ташаббусларини рўёбга чиқариш масалалари ёритилган.

Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини оширишнинг ҳуқуқий асослари бир қанча тадқиқотчилар томонидан тадқиқ этилган. Жумладан, Қ.Куранбоев, С.Жўраев, Д.Бўронова, Ф.Равшанов, М.Юлдашев, З.Қодирова, Э.Бобомуродов, Г.Туленова ва бошқа тадқиқотчиларнинг илмий ишларида ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини оширишнинг ҳуқуқий асослари ёритиб ўтилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Ўзбекистон - ёшлар мамлакати. Бугунги кунда дунё аҳолисининг қарийб 20 фоизини ёшлар ташкил қилади. Ўзбекистонда эса, бу кўрсаткич 60 фоиздан ошиши ёшларни халқимиз, давлатимизнинг бебаҳо бойлигига айлантган. Улар учун барча шарт-шароит, имтиёзлар, имкониятлар ва қулайликлар эшиги кенг очилган, яъни ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда сиёсий жараёнларда уларнинг ҳақиқий етакчилигини таъминлаш мақсадида - ёшларга давлат сиёсати даражасида эътибор

қаратилмоқда. Бунга жавобан, ёшларимиз ҳозирда фан, таълим, маданият, спорт, ахборот коммуникация технологиялари каби кўплаб соҳаларда юксак натижаларни кўлга киритмоқдалар.

Мамлакатимизда 34 млн. нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Аҳолининг 18 млн га яқини (60%) ёшлар ҳисобига тўғри келади, ўсиш кўрсаткичлари эса йилига 500 минг нафардан ортиқни ташкил этади.

Сиёсий фанлари доктори, профессор, Куранбаев Қахрамон Қўчқорович, фан номзодлари Холмахматов Азимшер Хазратқулович, Бозоров Отабек, Шермонов Элдор, Муҳаммадилҳом Йўлдашевлар ўзларининг ёшларга оид давлат сиёсати йўналишидаги илмий изланишлари, илмий оммабоп мақолалари ҳамда тадқиқот ишларида мазкур соҳадаги янгиликларни ўз ишларида тадқиқи қилди.

Бу рақамлар мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини - сиёсатимизнинг энг муҳим таркибий йўналишларидан бири эканлигини амалда тасдиқлайди десак муболаға бўлмайди.

Ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши масалалари шу боис ҳам долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Албатта ҳар бир фаолият ва ҳаракатнинг ташкилий-ҳуқуқий асоси мустаҳкам бўлса мазкур фаолият ва ҳаракатдан кутилаётган натижа ва пировард мақсад ҳам ижобий бўлишига эришилади.

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида мустаҳкам ташкилий ва ҳуқуқий база яратилган.

Хусусан, ўтган уч йил давомида ёшлар масаласига доир жами 25 та Қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Ўзбекистон ёшларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган 30 дан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатни ратификация қилинди [2]. Ана шундай ҳужжатлардан бири бу ҳаммамизга маълум бўлган, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидир.

Ушбу Декларациянинг барча асосий тамойиллари мамлакатимиз бош қомуси Конституцияда ўз ифодасини топган. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси БМТ Бош ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда Франция пойтахти Парижда қабул қилинган [3].

Фикримизча мазкур ҳужжатнинг қабул қилинишига Иккинчи жаҳон уруши мобайнида бутун дунё халқларининг бошидан ўтказган қийинчиликлари, азоб уқуқбатлари ҳамда уруш давомидаги фожиалар асосий сабаб бўлган.

Декларациянинг бошқа халқаро ҳужжатлардан фарқ қиладиган асосий жиҳати, унда алоҳида маданият, миллат ва минтақалар билан чекланмаган универсал қадриятлар мустаҳкамланиб, ҳар бир инсон ирқи, танасининг ранги, дини, жинси, тили, сиёсий ёки бошқа эътиқоди, миллий ва ижтимоий келиб чиқиши, мулкый, табақавий ва бошқа ҳолатидан қатъий назар, инсониятга мансублиги нуқтаи назаридан эга бўлиши лозим бўлган ҳуқуқлар мустаҳкамлаб қўйилган.

Декларациянинг умум эътироф этган нормалари конституциямизда ҳам алоҳида муҳрлаб қўйилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 18-моддасида Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланган бўлиб, ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шартлиги белгилаб қўйилган [4].

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳозирги замонда инсон айниқса ёшлар эркинликлари қафолатининг буюк харитасидир. Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши халқаро муносабатлар ривожиди муҳим тарихий босқич бўлди.

Ўзбекистон Республикасида, ушбу тамойилларга амал қилган ҳолда, инсон ҳуқуқлари ва шу билан бирга ёшлар ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларни жамият ҳаётига, фуқаролар ва давлат хизматчилари тафаккурига янада теран сингдиришга алоҳида эътибор

қаратиб келинмоқда. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимига асос солиш учун ёрдам беради.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда инсоннинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари тўғрисида қонунчилик тизими шаклланди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тартибга соладиган, шунингдек ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлайдиган 12 та конституциявий қонун, 17 та кодекс ва 700 тадан ортиқ қонун қабул қилинган. Ўзбекистон ўтган даврда инсон ҳуқуқлари бўйича 80 тадан ортиқ асосий халқаро ҳужжатларга қўшилди ва БМТ томонидан ушбу соҳада қабул қилинган 10 та асосий халқаро шартнома иштирокчисига айланди [5].

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фуқароларимиз айниқса, ёшларимизнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини, уларнинг сиёсий фаолликларини янада оширади.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари шунингдек, ёшлар ҳуқуқлари, манфаатларини таъминлаш бўйича бир қатор тизимли чора-тадбирлар амалга ошириб борилмоқда.

Жумладан, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини янада ошириш ҳамда ёшларнинг сиёсий саводхонлиги ва сиёсий етакчилигини таъминлаш ҳамда ёшлар манфаати, уларнинг ҳуқуқларига доир жами 25 та Қонун ва қонуности ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикасининг 2 та Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 та Фармони, 4 та қарори, 1 та фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг 14 та қарори ва 3 та фармойиши имзоланди.

Ёшлар масалалари билан боғлиқ 70 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ёшлар масалалари бўйича комиссия тузилди. Мазкур чора-тадбирлар ҳам албатта юртимизда инсон ҳуқуқлари, айниқса ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда асосий ҳуқуқ манбалари бўлиб хизмат қилади.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиб ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшларнинг ташаббусларини рўёбга чиқариш мақсадида жойларда қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, ёшларни жамият ҳаётига қайтариш керак, уларни ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, кафолатлаш, бир сўз билан айтганда адашиб жиноят йўлига кириб қолиб, ўз йўлини топишга амалий ёрдам бериш бу ҳақиқий инсонпарвалик, яъни ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдек олийжаноб амалдир [6].

Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда адашиб жиноят йўлига кирган, содир этган жинойий қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган 762 нафар ёшлар “Ёшлар кафиллиги” [7] асосида суд залидан озод қилиниб, судлар томонидан уларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тури тайинланди.

Бу нимани англатади, аввало эҳтиётсизлик оқибатида билиб билмасдан жиноят содир қилиб қўйган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ёшларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга имкон бериш десам муболаға бўлмайди.

Шу билан бирга, мамлакатимиздаги барча жазони ижро этиш муассасаларида тарбияланаётган маҳкум ва маҳкума ёшлар билан ҳам аниқ дастурларга асосан, профилактик ишлар, ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳам алоҳида йўналишда иш олиб бормоқда.

Жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган ёшлар билан ишлаш, уларни тўғри йўлга солиш, очиқ мулоқотлар ташкил этиш мақсадида Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш Бош бошқармаси билан ҳамкорлик дастури тасдиқланди. Мазкур дастурга асосан, барча жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган ёшлар ўртасида очиқ мулоқотлар ўтказилиши йўлга қўйилди.

Республикадаги жазони ижро этиш муассасаларида жорий йил давомида 26 турдаги фан, касб-хунар, спорт ва чет тиллари бўйича тўғарақлар ўтишни бошлаш ҳамда шу орқали йил давомида 2 000 нафарга яқин жазо муддатини ўтаётган ёшларни камраб олиш режалаштирилган. Бугунги кунга қадар 30 га яқин муассасада 8 та йўналишда фан ва чет

тилларини ўргатиш бўйича тўғараклар фаолияти йўлга қўйилди ва 397 нафар вояга етмаганлар қамраб олинди [8].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги ПФ-5439-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларига мувофиқ бугунги кунга қадар 30 ёшгача бўлган 463 нафар ёшлар билан алоҳида яқка тартибда ишлаш жорий қилинган, яъни афв этилиб, жазони ижро этиш муассасасидан қайтган ёшларни кейинги ҳаётида ўз ўрнини топишда амалий ёрдам бериш ҳамда уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида ёшлар етакчилари ҳар бир ёшга кафил сифатида масъул этиб бириктирилди.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш, ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларига зарар етказмаслик каби йўналишларда профилактик ишлар амалга оширилиши давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июнда ёшлар билан бўлиб ўтган учрашувида кўтарилган долзарб масалалардан келиб чиқиб, ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида 5 та қонун ва 45 та қонуности ҳужжатлари қабул қилинди.

Ўтган вақт ичида ёшларнинг ҳар қандай турдаги ижобий ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ёш авлоднинг соғлом бўлиб ўсиши, сифатли таълим олиши ва баркамол шахс бўлиб вояга етишини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ёшларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа турли йўналишлардаги салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий ва ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар белгиланди.

Юртимизда ташкил этилаётган янги-янги боғчалар, мактаблар, олий ўқув юртлари, нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари, маданият ва спорт иншоотлари, “Темурбеклар мактаби”, “Президент мактаблари”, “Ижод мактаблари” деб ном олган мутлақо янги намунадаги таълим масканлари бугунги глобаллашув шароитида рақобатга кодир бўлган етук кадрларнинг янги авлодини тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Кейинги пайтда умумхалқ ҳаракатига айланиб бораётган бешта ижобий ташаббус доирасида амалга оширилаётган катта қурилиш ва ободончилик ишлари, яратилаётган шароитлар, ташаббусларнинг мазмуни ва аҳамиятини ёшларимиз чуқур тушуниб, уни амалга оширишда фаол иштирок этаётгани, мамлакатимизда ёш авлодга берилаётган эътиборнинг ёрқин намунаси ва самараси сифатида намоён бўлмоқда.

Ёшлар сиёсати соҳасида амалга оширилган чора-тадбирлар таҳлили ёш авлод билан боғлиқ долзарб масалаларни ҳал этиш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишлар билан бир қаторда, соҳада ечимини кутаётган муаммоли масалалар ҳам сақланиб қолаётганлигини кўрсатмоқда.

Аксарият ёшларда дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий ва мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини англаш даражасининг пастлиги, бу борада мамлакатимиз маънавиятига мос бўлган фикрлар хилма-хиллиги ҳолатида ягона ёндошув, тушунча ва тасавурларнинг етарлича шаклланмагани терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, мутаасиблик, сепаратизм, одам савдоси, “оммавий маданият”, наркобизнес каби турли хавф ва таҳдидларга қарши курашишда жамият кучларини бирлаштириш ва уни ижтимоий ҳаракат даражасига олиб чиқишга имкон бермаяпти.

Айниқса, ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, уларни касбга йўналтириш ва иш билан таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантириш ва мавжуд салоҳиятини амалга оширишга муносиб шароитлар яратиш билан боғлиқ қатор масалалар долзарб бўлиб қолмоқда.

Мамлакатни сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий ривожлантиришга қаратилган туб ўзгаришлар ёшларга оид давлат сиёсатини ривожлантириш борасида янги вазифаларни кун тартибига қўймоқда. Бу эса мазкур йўналишдаги принципиал ёндашувлар такомиллаштирилишини, стратегик мақсад, вазифа ҳамда устувор йўналишларнинг концептуал асослари ишлаб чиқилишини тақозо этмоқда.

Таҳлил натижаларига кўра бугунги кунда ёшлар ўртасида содир этилаётган жиноят ва ҳуқуқбузарликлар – 2 та сабабдан келиб чиқиб, содир этиб борилмоқда.

Биринчиси, ишсизлик ва иқтисодий етишмовчилик бўлса иккинчи асосий сабаби эса ёшларнинг мамлакатимизда қабул қилинган аксарият норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тўла англаб етмаслиги, қонунларни тушунмаслиги – натижада ҳуқуқий жиҳатдан саводсизлиги ортидан ҳар хил қонунбузарликлар келиб чиқишига замин бўлмоқда.

Жамиятимизда ким қанча қонун ёдлагани билан эмас, аксинча ким қанча билган қонунга амал қилиши билан ҳуқуқий маданиятлилиқ даражаси маълум бўлади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини сарадорлигини янада ошириш, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини шакллантириш ҳамда уларнинг мавжуд қобилиятларини рўёбга чиқаришга хизмат қиладиган нормаларни ҳар бир ёш ўз тимослида ўз тақдирида ҳис қилиб тўла англаб тушуниб, қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилишида ўзининг жамоатчиликнинг фаол аъзоси сифатида ҳиссасини қўшиб бориши лозим зеро, фуқаролик жамиятининг асосий белгиларидан бири бу қонунларнинг бир хилда ижро этилиши ҳамда фцқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланишидадир.

Бундан ташқари, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар халқаро ёшлар сиёсати стандартларига тобора интеграциялашиб бормоқда. Жумладан, БМТнинг ёшлар сиёсатига ҳужжатлари бу борадаги халқаро муносабатлар учун ҳуқуқий асос ва стандарт вазифасини бажаради. Унда келтириб ўтилган тақлифларнинг аксарияти Ўзбекистонда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг миллий хусусиятларида намоён бўлаётган бўлсада, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш жараёнларини оптималлаштириш ва самарадорлигини оширишга шунингдек, уларнинг умумжаҳон миқёсдаги ушбу соҳадаги сиёсатга интеграциялашувини таъминлаши учун ушбу меъёрлар янада аниқроқ ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топиши мақсадга мувофиқдир. Бу эса халқаро миқёсда ёшларга оид давлат сиёсатини самарадор амалга ошириш учун имкон яратиб, бутун жаҳон миқёсида ёшлар учун тенг имкониятларга эга қулай глобал макон ҳамда социо-маданий муҳитни юзага келтиради.

Иқтибослар/ Сноски/References:

- [1] Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // 2020 йил Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили давлат дастури доирасида мамлакат парламентида йўллаган мурожаатномасидан. Тасвир нашриёт уйи, 2020 978-9943-5798-5-9 (Mirziyoev Sh.M. Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis // Address to the Parliament of the country in the framework of the state program for the Year of Science, Enlightenment and Development of Digital Economy 2020. Image Publishing House, 2020 978-9943-5798-5-9)
- [2] <https://www.lex.uz/docs/3026246>
- [3] <http://constitution.uz/uz/pages/humanrights>
- [4] <http://www.ksu.uz/uz/page/index/id/7>
- [5] Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказининг 2019 йиллик таҳлилий маълумотларидан (From the 2019 analytical data of the National Center for Human Rights of the Republic of Uzbekistan)
- [6] <http://uza.uz/oz/documents/yeshlarni-manaviy-akhlo-iy-va-zhismoniy-barkamol-etib-tarbiya-14-08-2018>
- [7] <http://advokatnews.uz/xabar/623.html>
- [8] Республика ёшлар маркази ННТнинг 2019-2020 йиллардаги таҳлилий маълумотларидан (From the analytical data of the Republican Youth Center NGO for 2019-2020.).

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Эсанов Алишер Олимович,
Тошкент Давлат техника университети
катта ўқитувчиси

Бегалиев Жўрабек Тошбекович,
Самарканд давлат архитектура ва қурилиш
институтини ўқитувчиси

1917-1941 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ МАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР

For citation: Alisher O. Esanov, Zhurabek T. Begaliev, CULTURAL PROCESSES IN UZBEKISTAN IN 1917-1941. 2020, vol. 9, issue 3, pp.81-85



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-9-12>

АННОТАЦИЯ

Мақолада 1917-1941 йилларда Ўзбекистондаги маданий жараёнлар, совет давлатининг маданий соҳада амалга оширган ислохотларнинг моҳияти ва ундан кўзланган мақсад-муддаолар ёритиб берилган. Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилгач, миллий маънавий меросни инкор қилишга қаратилган синфий ёндашув устувор бўлиб келганлиги ёритилган.

Калит сўзлар: совет, коммунистик мафкура, жамият, моддий маданият, маънавий маданият, ижтимоий ҳаёт, таълим, фан, санъат, миллий, маънавий, синфий, мақсад, қатағон сиёсати, мустақиллик, ўзликни англаш.

Эсанов Алишер Олимович,

Старший преподаватель
Ташкентского государственного
технического университета

Бегалиев Жўрабек Тошбекович,
Учитель Самаркандского государственного
архитектурно-строительного института

КУЛЬТУРНЫЕ ПРОЦЕССЫ В УЗБЕКИСТАНЕ В 1917-1941 гг.

АННОТАЦИЯ

В статье описываются культурные процессы в Узбекистане в 1917-1941 годах, сущность проводимых советским государством реформ в культурной сфере и ее цели. После установления советской власти в Туркестане классовый подход, направленный на отрицание национального духовного наследия стал приоритетным.

Ключевые слова: советская, коммунистическая идеология, общество, материальная культура, духовная культура, общественная жизнь, образование, наука, искусство,

национальность, духовность, класс, цель, репрессивная политика, независимость, самосознание.

Alisher O. Esanov,
Senior Lecturer of Tashkent
State Technical University

Zhurabek T. Begaliev,
Teacher of the Samarkand State Institute
of Architecture and Civil Engineering

CULTURAL PROCESSES IN UZBEKISTAN IN 1917-1941

ABSTRACT

The article describes the cultural processes in Uzbekistan in 1917-1941, the essence of the reforms carried out by the Soviet state in the cultural sphere and its goals. After the establishment of Soviet power in Turkestan, the class approach aimed at denying the national spiritual heritage became a priority.

Index Terms: Soviet, communist ideology, society, material culture, spiritual culture, social life, education, science, art, nationality, spirituality, class, goal, repressive policy, independence, self-awareness.

1. Долзарблиги:

Маданият – бу инсонларнинг ижодий фаолияти туфайли яратилган моддий ва маънавий бойликлар мажмуини ифодалашдан ташқари, ўзида жамиятнинг таракқиёт даражасини ҳам акс эттиради, яъни жамиятдаги билим, мезон ва кадриятларнинг йиғиндиси маданиятда гавдаланади.

Жамият моддий ишлаб чиқаришининг икки амалий тури-моддий ва маънавий ишлаб чиқаришга қараб маданият ҳам йирик икки турга моддий ва маънавий маданиятга бўлинади. Моддий маданиятга моддий бойликларининг бутун мажмуи уларни ишлаб чиқариш воситалари: ишлаб чиқариш жараёнида яратилган техника, технология, техника иншоотлар, ижтимоий меҳнатни уюштириш шакли, қурилиш ва дехқончиликни йўлга қўйиш ва бошқалар қиради. Маданиятнинг иккинчи тури - бу маънавий маданиятдир. Маънавий маданиятга инсоннинг ақли ва маънан яратувчанлик фаолиятлари ва уларнинг натижалари қиради. Маънавий маданият фан, фалсафа, санъат, адабиёт, ахлоқ, дин, ҳуқуқ, сиёсат, маориф, маърифат ва ҳоказолар йиғиндисидан ташкил топадиган инсоннинг ташқи ва ички маънавияти, руҳияти олами дир. Маданият-умуминсоний ҳодиса. Масалан, мақомлар, адабиёт, меъморчилик дурдоналари, фан-техника ютуқлари, транспорт ва алоқа воситалари барчасига тегишли дир. Худди шунингдек, маънавий маданият ҳам миллий ва умуминсоний бўлади. Бироқ, совет даврида Ўзбекистонда маданий жараёнлар коммунистик партиянинг мақсад-манфаатлари асосида кечди. Маълумки 1917 йилда большевиклар зўравонлик асосида Туркистонда ҳокимиятни эгаллагач, барча соҳаларда бўлгани каби маданий соҳада ҳам ўз таъсирини ўтказди. Октябрь тўнтаришидан кейинги давр миллий маданиятга коммунистик партия манфаатларидан келиб чиқиб, миллий маънавий меросни инкор қилишга қаратилган синфий нуқтаи назардан қараш устувор бўлиб келди. Бу даврда ўтмиш маданиятига таянмаган, уни бутунлай йўқ қилган ҳолда янги пролетар маданиятини яратиш шиори билан чиққан “Пролеткульт” ташкилотининг фаолияти ғоят салбий бўлди. Гарчанд расмий большевик доиралари, уларнинг йўлбошчиси томонидан пролеткультчилик ҳаракати қораланган бўлса-да, маданий меросга синфий муносабатнинг сақланиб қолганлиги оқибатида, унга “окми-кора” руҳида қараш ўзининг мудҳиш башарасини намоён қилди. Бунинг оқибатида, биринчидан, меъморчилик мажмуаларидан тортиб ноёб қўлёзмаларгача кўпгина маданият ёдгорликлари синфий зарарли ҳодисалар сифатида йўқ қилинди. Иккинчидан, маданиятнинг кўплаб қатламлари ғоявий-сиёсий “зарарли” деб эълон қилинди, уларни ўрганиш таъқиқланди. Шуниси ачинарлики, маданиятга бундай муносабат яқин-

яқингача сақланиб келди. Учинчидан, юқоридагилар етмаганидек, Октябрь тўнтаришигача шаклланиб улгурган, ўтмиш ютуқларини келажак авлодлар сари элтувчи ва миллий-маданий ривожланишда боғловчи халқ сифатида хизмат қилиши мумкин бўлган ижодкор зиёлиларимизнинг атоқли намояндалари Фитрат, Чўлпон, А.Қодирий, Усмон Носирларнинг қисмати ғоят фожиали бўлганлигини эслаш кифоядир. Ана шу ҳодисаларнинг натижаси ўлароқ маданиятдаги ворислик жараёнида маълум узилиш содир бўлди. Маданий меросимиздан узилишимизга асрлар давомида фойдаланиб келинган, маданий меросимизнинг ажойиб намуналари яратилган араб ёзувидан воз кечганлигимиз, умуман имломизнинг бир неча марта ўзгартирилиши ҳам сабаб бўлди, албатта. Мустабид совет ҳокимияти даврида ўзбек халқининг миллий-маданияти, маънавий мероси поймол қилинди, уларни унутиш, она тилимиз - ўзбек тилини қадрсизлантириш йўли тутилган эди.

Совет даврида жуда ҳам мураккаб ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлар республиканинг миллий маданиятига таъсир ўтказиб, барча соҳадаги ўзгартиришларни қарама-қарши тусга киритди ва республика тараққиётининг асосий тенденциялари ҳамда йўналишларини узоқ йилларга белгилаб берди.

2. Методлар: Мақола умум қабул қилинган тарихий-методлар – тарихийлик, қиёсий-манتيкий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган.

3.Тадқиқот натижалари:

Туркистон ўлкасида 1917 йил бошларида туб ерли аҳоли учун хилма-хил мактаблари, яъни бошланғич таълимга асосланган диний мактаблар, мадрасалар, янги усул мактаблари, рус-тузем мактаблари мавжуд бўлган. Улардан ташқари, рус мактаблари, гимназиялар, ўқитувчилар семинарияси ҳам фаолият юритарди. Февраль воқеаларидан кейин Самарқандда йирик миллатпарварлар Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Ақобир Шомансурзода, Саид Аҳмад (Васлий), Саидахмадхўжа Сиддиқий, Мардонқули Шомухаммадзода мактабларда ислохотлар қилиш фикри билан майдонга чиқдилар. Диний ақидаларга асосланган ўрта аср мактаблари ўрнига европача усулдаги дунёвий илмларни она тилида ўқитишга мосланган янги усулдаги мактабларни ташкил этиш, феодал даври маориф тизимини ислох қилишга ҳаракат қилдилар.

Туркистоннинг йирик шаҳарларида турли тилларда дарс ўтиладиган хусусий мактаблар очилди. Туркистонда янги усул мактаблари очилиб, маърифатпарвар, илғор педагоглар бу мактаблар учун турли дарсликлар, ўқиш китоблари, қўлланмалар ярата бошладилар. Бехбудий, Мунаввар Қори, Фитрат, Абдулла Авлоний, Ибрат, Ҳамза кабилар бу соҳада жонбозлик кўрсатдилар ва бу ишда фаол иштирок этдилар. Жадидлар бошқа ўлкадаги маърифатпарварлик ҳаракатлари билан ҳам алоқа ўрната бошладилар. Бу даврда Туркистонда маърифатпарварлик ва жадидчиликнинг турли, янги таълим-тарбия, ўқув-ўқитув масалаларини ўзида акс эттирувчи жуда кўп журналлар нашр этилди. “Тараққиёт”, “Ойна”, “Тужжор”, “Садойи Туркистон”, “Самарқанд” каби журналлар шулар жумласидандир.

Абдурауф Фитрат Туркистон ёшларини замон талаблари асосида тарбиялаш учун малакали ўқитувчилар зарурлигини таъкидлаб, истеъдодли ёшларни Россиянинг марказий районларидаги ўқитувчилар семинарияларига юбориш таклифлари билан чиқди. 1918 йил февралига келиб Тошкентда таркибида педагоглар, шифокорлар, муҳандислар, агрономлар ва маҳаллий зиёлилар бўлган “Олий таълим дўстлари жамияти” иш бошлади.

Туркистондаги дастлабки олий ўқув юрти – Туркистон халқ университети (ҳозирги Ўзбекистон миллий университети)нинг 1918 йилда Тошкентда очилиши ҳам жадидлар фаолияти билан боғлиқ. Мунавварқори Абдурашидхонов ташаббуси билан 1918 йил 12 майда Туркистон халқ университети таркибида Мусулмон халқ дорилфунуни ташкил қилинди. 1919 йил Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида жадидлар ташаббуси билан Туркистон халқ консерваториясининг миллий (Эски шаҳар) бўлими ташкил этилди.

Тоталитар тузумнинг дастлабки йилларида маданият ва уни бошқариш жабҳаларида демократик тамойиллар мавжуд бўлиб, ҳукумат маҳаллий аҳолининг урф-одатлари ва ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олишга мажбур бўлган эди. Кейинчалик эса, маъмурий-

буйруқбозлик усуллари кенг кулоч отиб бориши билан ялпи кўрсаткичлар кетидан кувиш, большевикча “маданий инкилоб” йўли устуворлик қила бошлади. Ҳукмрон кучларнинг узоқни кўзламаган ва яхши ўйланмаган сиёсати оқибатида халқнинг маърифатга, фанга ва миллий маънавиятга бўлган интилиши сиёсий манфаатларга бўйсундирилди.

Советларнинг “маданий инкилоб” тадбири жамиятнинг барча жабҳаларини, айниқса фан ва маданиятни ўта мафкуралаштириб, унинг ҳар бир соҳасини қамраб олди. Большевиклар мафкураси негизда асосан синфий кураш ғояси устуворлик қилган. Ўзгача фикрлашга бўлган ҳар қандай уриниш “синфий душман қаршилиги” деб баҳоланди. Гўё, “синфий душман” ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида, яъни таълимда, фанда, адабиёт ва санъатда, ишлаб чиқаришда мавжуд бўлиб, уни қидириб топиш, барчани шубҳа остига олиш одат тусига кириб борди. Зиёли кадрларни тайёрлашда синфий жиҳатдан ишончли, аҳолининг “меҳнаткаш” табақаларидан чиққан кишиларни танлаб олиш керак, деган ғоя илгари сурилди.

30-йилларда маданий-оқартув масалалари тармоғи кенгайишда давом этиб борди. Йирик саноат корхоналарида маданият саройлари бунёд этилди, кишлоқ хўжалик артеллари қошида колхоз клублари очилди, район маданият уйлари барпо этилди, кутубхоналар тармоғи кенгайиб, уларнинг китоб фондлари бойиб борди, кинотеатрлар, клуб ва маданият уйлари қошидаги кино қурилмаларининг сони кўпайди, стадион ва спорт майдончалари жиҳозланди. Кўп миқдорда китоб, газета ва журналлар нашр этилди. Радио эшиттиришлари аҳолининг кундалик турмушида расм бўлиб қолди. Бироқ, 30-йилларда қарор топиб борган маъмурий-буйруқбозлик тизими ва шахсга сизиниш мафкураси республиканинг ижодий ходимларини, унинг бутун маънавий ҳаётини қаттиқ исканжага олди. Ижодиётни партиявийлик тамоилларига, мафкуравий қоида-қонунларга бўйсундириш, дунёни бадиий тасвирлашни қўпол равишда социологиялаштириш учун кенг йўл очиб берди, дунёвий имкониятларни торайтириб қўйди. Партиянинг янги турмушни мадҳ этишга, халқ ўтмишига нигилистик муносабат пайдо бўлишига қаратилган сиёсати бадиий жараёндаги тарихий изчилликни унутиб юборишга олиб келди. Маданиятда мураккаб ижтимоий муаммоларни безатиб, енгил тусга киритиб кўрсатиш, ҳато ва камчиликлар тўғрисида сукут сақлаш тенденциялари пайдо бўла бошлади. Оқибатда ҳаётини ҳақиқат бузилиб, санъатнинг тарбиявий салоҳияти пасайтириб юборилди.

30-йиллардаги қатағонлар миллий маданият учун даҳшатли фожиага айланди. Қонунчиликни қўпол равишда бузилиши ва инсон кадр-қимматлари поймол этилиши туфайли миллий маданият ўрни тўлмайдиган даражада завола кўрди. Истеъдодли адабиёт ва санъат арбоблари Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Шокир Сулайман, Зиё Саид, Элбек, Аъзам Аюб, Усмон Носир, Қосим Сорокин, Муҳаммад ҳасан, Абдусалом Ниёзий, Отажон Хошимов ва бошқалар миллий маданият кучоғидан узиб олиниб, халқ душманлари деб, эълон қилинди. Қатағон қилинган ва таъқиб остига олинган шоир ва ёзувчиларнинг асарларидан фойдаланиш неча-неча йиллар мобайнида таъқиқланиб келди.

Шунингдек, бу даврда дин ва диндорларни таъқиб қилиниши ҳам халқнинг маънавий маданиятига ниҳоят даражада катта завола етказди. Маъмурий-буйруқбозлик тартиботи ўрнатилиши билан динга илмий нуқтаи-назардан ёндошиш инкор этила бошланди. Дин билан атеизмнинг дунёқараш жиҳатидан бир-бирига қарама қаршилиги сиёсий қарама-қаршилиқ билан алмаштирилди. “Социализмда динга ўрин йўқ, унга динбеғона”, деган қоида устун бўлиб келди ва динга нисбатан салбий муносабат динга қарши зўрлик кўрсатишга айланиб кетди. На масжидлар, на черковлар, на диндорлар шу қадар миқёсдаги таъқиқларни бошидан кечирмаган эдилар. Ўзбекистон руҳонийларининг асосий қисми 30-йилларда қамок лагерларига жўнатилди. Масжид ва мадрасаларнинг деярли ҳаммаси ўтмишда гарчи диний маросимларни ўтказиш ўчоқлари бўлибгина қолмасдан, халқнинг буюк меросини сақлаб, бойитиб келган маданият, илм, тарбия, санъат марказлари ҳам бўлганига қарамай беркитиб қўйилди. Энг ачинарлиси, бу масканлар омборхоналарга айлантирилиб, диний қадриятлар оёқ ости қилинди. Совет мафкурачилари “Дин халқ учун афюндир” дейилган марксистик шиорга амал қилиб, ислом динининг маънавий-маданий қимматини инкор этиш учун унга

нисбатан “социалистик турмуш тарзига мос келмайдиган” эски, қолоқ, реакцион қарашлар деган устқурмани танлаб олдилар. Шунинг учун ҳам 30-йилларда динга ва руҳонийларга қарши очикдан-очик “уруш” эълон қилинди. Бунинг учун “Курашчан худосизлар” ташкилоти тузилиб, барча корхона ва ташкилотларда унинг бўлимлари ишлаб турди. Унинг фаолиятида ёш қизларни турмушга бериш, қалин олиш, аёлларни хўрлаш каби ҳолларни олдини олишда ижобий натижаларга эришилган бўлса-да, бироқ динга эътиқоди кучли кишиларга нисбатан шафқатсиз бўлиб, салбий рол ўйнади. Бу ташкилот берган маълумотлар асосида республика ҳукумати томонидан 1931 йилда Фарғона, Тошкент ва Бекободда бир қатор масжидлар, черковлар ва диний мактаблар ёпиб қўйилди. Бу давр халқимиз учун катта йўқотишлар даври бўлди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон маданияти-театр ва мусиқа санъати арбоблари фашизмга қарши фаол курашчилар сафида бўлишди. Бу даврда Ўзбекистонда 51 та театр (шундан 35 таси маҳал-лий ва 16 таси эвакуация қилинган эди) ишлади. Умуман, 1941-44-йилларда Ўзбекистон театрлари 203 та янги постановка қўйдилар, 13568 та спектакль ва концерт қўйиб, 6667303 томошабинга хизмат кўрсатдилар. Фронтларда ташкил этилган ўзбек концерт бригадалари таркибида Ҳ.Носирова, Тамарахоним, С.Эшонтўраева, М.Турғунбоева, А.Ҳидоят, О.Хўжаев, Г.Раҳимова, М.Қориёкубов, К.Зокиров, Ш.Бурҳонов каби санъат арбоблари бор эди. Бу даврда ўзбек кинематографлари эвакуация қилинган ҳамкасблари билан биргаликда 10 та овозли бадиий фильм яратдилар. Мазкур даврнинг ўзига хос жиҳати шундаки, ҳокимият тепасига келган большевиклар инсоният тарихидаги кенг қамровли ва энг баҳсли тажрибаларни амалга оширди. Улар олиб борган ислоҳотлар натижасида Ўзбекистонда янгича ижтимоий-иқтисодий муносабатларга асосланган жамият шаклланди. Инсон ресурсларидан шафқатсиз фойдаланган тоталитар тузум республикамизда маданий тараққиётнинг нисбатан илғор шаклидаги янги иқтисодиётни пайдо қилди. Советлар янги коммунистик жамиятни қуришдек “улуғвор мақсад”га эришишида маданий қурилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

4.Хулосалар:

Хулоса қилиб айтанда, совет тузumi раҳнамолари ўзбек халқининг маънавий ҳаётини қанчалик алғов-далғов қилишга уринмасин, миллий-маънавий меросини поймол этишга ҳаракат қилмасин халқимиз ўзлигини сақлаб қола олди. Бу эса, халқимизнинг юрт истиқболи сари қатъий ҳаракатланиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. Ўзбекистон тарихи (1917-1991йиллар). –Тошкент: Ўзбекистон, 2019. (History of Uzbekistan (1917-1991). - Tashkent: Uzbekistan, 2019.)
2. <https://uzanalytics.com/tarix/4418/>

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№9 (2020)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000